



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

5

АФГОН ШАМОЛИ

ИСТАНБУЛ, САМАНГАН,
МОСКВА, БИШКЕК

20. 09. 19 2020
 2030/2121 24. 03. 18 2020
 1234/6525 21. 12. 18 2020
 10001/28.09.19. С.Серик
 4182/10001 17.10.19 2020
 1029/4038 25.10.19 2020
 4240/10127. 6.01.20 2020
 5131. 111-12 9.01.20 2020
 4257/10208
 4257/10208
 5095/210-19

84(5)7	126604
H 69	Исокжон Нишонов
1нусха	
АФГОН ШАМОЛИ Истанбул, Саманган, Москва, Бишкек	
5-китоб	
T-2016	7000 с
11.03.2018 21.21.	С.Серик
22.34	С.Серик
10.10.19	С.Серик
4182/10001 12.10.19 2020	С.Серик

841597
Н69



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

АФГОН ШАМОЛИ

ИСТАНБУЛ, САМАНГАН,
МОСКВА, БИШКЕК

Бешинчи китоб

Тўлдирилган қайта нашри

FARG'ONA POLITEKNIKA INSTITUTINING

МАДДАТ RESURS MARKAZI

INV №

1266009.



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2016



УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Н – 69

Нишонов, Исоқжон

Афғон шамоли: роман. Истанбул, Саманган, Москва, Бишкек.
Бешинчи китоб. Исоқжон Нишонов. Тўлдирилган қайта нашри.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 208 б.

ISBN 978-9943-27-816-5

«Афғон шамоли» романининг бешинчи китобида воқеалар асосан Истанбул, Саманган, Москва, Бишкек ҳамда юртимизда юз беради. Асарда камикадзеларнинг қандай руҳий тайёр-гарликлардан ўтиши, ҳаётининг охирги кунларида ватанга, ҳалқига қилган хиёнатидан афсус чекаётган Червон хонимнинг чегарага етганда Эргашнинг одамлари томонидан ваҳшийларча ўлдирилиши, Шарифнинг Эргаш бошчилик қилаётган тўдадан қочиб кетиб, юртда қилаётган ободончилик ишларини ўқишининг мумкин.

Ватанга қилинган хоинликни ўз вақтида англаб, хатосини тушунган фуқаролар тавбаси қабул қилиниб, бундан кейинги ҳаётини юрт ривожига ўзининг ҳиссасини қўшаётган инсонларни Шариф образи орқали кўрасиз. Шарифнинг ватанига қилаётган ободончилик ишларини, юрт тараққиётига қўшаётган беминнат ҳиссасини эшитган Эргаш неча бор уни ўлдириш учун одамларини юборади. Лекин ватан равнақи йўлида юрган инсон Аллоҳнинг паноҳида эканлигига китобни ўқиш давомида яна бир бор амин бўласиз.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-816-5

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Бешинчи китоб.
«Наманган», 2013 йил.

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Бешинчи китоб.
«Янги аср авлоди», 2016 йил.

ИСТАНБУЛ

Истанбулга эрталаб етиб келдик. Такси бизни Техрон күчасидаги икки қаватли бино ёнида қолдирди. Эшик тепасига лотин ҳарфларида «Офис», деб ёзиб қўйилганди. Кўриқчи ҳамроҳлигидан иккинчи қаватга қўтаришдик. Ҳашаматли залда олтмиш ёшлардан ўтган, соч-соқолига оқ оралаган киши кутиб олди.

— Хуш келибсиз, муҳтарам Эргашбой! — нотаниш кимса тўдабошини бағрига босиб омонлашди. — Сизни Истанбулда кўрганимдан баҳтиёрман!

— Хушвақт бўлинг, Мехмед оға! — жавоб қилди Эргаш.

Бу одам ҳақида эшитгандим. Халқаро террорчилар гурухининг етакчиларидан бири Мехмед Чегечи эди. Эшик очилиб, ичкаридан қомати келишган, фариштасифат аёл чиқди. Эргашнинг юзи табассумдан ёришди.

— Туркон хоним! — у аёл томон қучоини очиб борди. — Ўнгимми, тушимми?

Хоним бир қўлини Эргашнинг елкасига ташлаб, юзига лабини босиб саломлашди.

— Келишингизни эшитиб, Олмониядан учокда келдим, жоним!

— Дийдорингизни кўрсатганига шукур! Қанчалар соғинганимни билсангиз эди...

Эргаш аёлнинг қўлидан, кейин юзидан ўпди.

– Йўлга чиқсан кунимдан бери фикр-у хаёлимдасиз! Бироқ сизни бу ерда учратаман, деб асло хаёлим «кўчаси»га келтирмагандим.

– Фаришталар ҳар иккимизнинг дилимиздаги яхши ниятларимизни оминига олган, жоним!

– Кўзларимга ишонмаяпман! – тўдабоши аёлнинг қўлларини юрагининг устига қўйди. Улар бир-бirlарига шу қадар яқин туришар эдики, олаётган нафаслари юзларига урилиб турарди. Бизни унутишганди, гўё теварак-атрофда ўзларидан бошқа одам йўқдай. Кўз қирида Туркон хонимни кузатдим. Унинг чиройли ва латофатли юзида эсда қоларли белгилар тополмадим.

– Кенгаш якунлангач, шу ерда қоласиз, жоним. Мехмоним бўласиз!

– Бундай олийжаноб таклифни рад этсам, бир умр гуноҳ ботқоғидан чиқолмай, виждоним дўзах оташида қовурилиб, жисми жоним қийналади, хоним!

Шаънига билдирилган бундай оташин сўзлардан вужуди мумдек эриб, кўнгил эшигининг қулфи очилиб кетган аёл тўдабошининг юзидан ўпиди. Чегечининг юзи ўзгариб, икки яноғига қизиллик югурди.

Ичкари кирдик. Хона қалам билан тасвирлаб бўлмас даражада шинам ва ораста эди. Дераза ёнига диван ва юмшоқ оромкурслар қўйилганди. Одамни ўзига чорлаётгандек туюларди улар. Хоним ҳамон Эргашнинг билагидан ушлаб олганди. Чегечи нур кетган кўзлари билан зимдан уларни таъқиб қиласади. Хоним тўдабошини оромкурси олдига бошлаб келди, ёнма-ён ўтиришди. Иккиси на менга, на уй эгасига қиё ҳам боқишимади. Гўё атрофдагиларни унутишгандек эди.

Бир оз фурсат ўтиб, эшик қўнғироғи жиринглади. Чегечи ўрнидан турди ва сал ўтмай, хонага Башир ўзи билан нотаниш кимсани бошлаб келди. Сухбат асносида мен узунбўй, қотмадан келган кимсанинг исми Абдуллоҳ эканлигини билиб олдим. Мен бу одам ҳақида лагерда кўп гапларни эшитгандим. Афғонистондаги жамики наркотик моддалар айнан шу одамнинг қўлидан ўтиб, Эргашнинг одамлари орқали четга чиқарилишини ва Россияга етиб боргач, Вадим Вольфович уларни Европанинг бир қатор мамлакатларига «экспорт» қилишини билардим. Ўтириш чофида ўзимнинг нафрат тўла нигоҳларимни бу одамга тез-тез қаратишдан тия олмадим. Хизматкор биз ўтирган жойга узун хонтахта олиб келди. Унинг устини ноз-у неъматлар ва ичимликлар, шарбатлар билан тўлдирди. Мен худди эртаклардагидек дастурхон қарсисига қачон ўтирганимни ва тотимили таомлардан татиганимни эслай олмасдим. Атрофимдагилар қатори мен ҳам дастурхонга қўл чўздим.

– Сизларга айтган йигитим шу, исми Бўрон! – деди Башир мени шерикларига таништириб. Ўтирганлар менга қарашди.

– Афғонистоннинг қайси шаҳридансан? – қисик кўзларини ўқдек қадаб сўради Чегечи.

– Кобулданман!

– Пойтахтданман, де?

– Шундай!

– Уйингдан чиққанингга қанча бўлди?

– Уч йилдан бери Эргашбойнинг хизматидаман!

Чегечи бу саволларни бежиз бермаётгандигини, ўзининг «қонли пичоғи» устида чифириқдан ўтказаётганини сездим. Илмоқли ва тагдор саволларига дадил жавоб қайтариш орқали шубҳаларини туман-

дек тарқатиб, юрагида ишонч уйғотишим лозим эди. Ҳамманинг қўли таомларга югуриб, оғизлари тинимсиз харакатда бўлса-да, кўзлари менда эди. Шунча одам олдида оғзимдан чиқаётган ҳар бир сўзни ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб айтишим, заррача хатога йўл кўйгудек бўлсан, ўз юртим тугул Афғонистонга ҳам қайтиб кетолмаслигимни яхши тушунардим. Саволлардан жаҳаннамнинг иси келарди. Ўзимни қўлга олдим. Ичимдаги ҳаяжонни кўзим ҳам, юзим ҳам фош қилмаслиги керақ эди. Қўлимдаги қалтироқни босиш мақсадида шарбат қўйилган қадаҳни олдим. Унинг вазни қалтироқни босди.

– Нажиб Аҳмадни танийсанми? – савол ташлади Абдуллоҳ.

– Мен таниган Нажиб Аҳмаддан учта, қайси бирини сўрайapsиз? – Абдуллоҳнинг саволига тез жавоб қайтардим ва айни дамда бу саволни фикримни жамлаш мақсадида бергандим. Абдуллоҳ айтган одам Кобулнинг зодагонларидан эканлигини ўйладим.

– Судхўр Нажиб Аҳмадни сўрайапман-да!

Судхўр ва бойларнинг боши «Толибонлар»нинг эмас, патак ўғриларнинг пичоғидан ўтгани ҳаммага аён эди.

– Нажиб Аҳмаднинг калласини узиб кетишган! – дедим унинг мурдасини кўрган одамдай.

– Қайси элатдансан?

– Балужларданман!

– Унда нега тилингда адабий сўзлар бисёр?

– Форсий китобларни кўп мутолаа қилганман, тақсир!

– Мулламан, де? – кулди Мехмед Чегечи.

– Чала!

– Бола-чақанг борми?

— Яқинда уйландим.

Уларгалма-гал тұхтосиз, иккинчиси савол ташлашарди.

Әшик очилди. Етмиш ёшлардаги озғин киши кириб келди. Ҳамма ўрнидан турди.

— Марҳабо, Амирий ҳазратлари! — Абдуллоҳ құчоғини очиб, у томон юрди. Мәхмөн барчани бағрига босиб күришди.

Чегечи ўтирганларга юзланди.

— Ҳамма тўпланди, кенгаш ишини бошласак ҳам бўлаверади!

— Албатта!

Башир менга қараб қўйди.

— Бўронни сафимизга қўшмоқчимиз, нима дейсизлар? У уч йилдан бери Эргашбойга сидқидилдан хизмат қилаётганидан мен яхши хабардорман!

— Ёмон йигитга ўхшамайди, — деди Чегечи менга кўзларини қадаб. — Бироқ яна бир оз муддат синааб кўрсакмикин?

— Уч йилдан бери синалгани етмайдими? — асабийлашди Башир.

— Сафимизнинг кенгайиши, бу албатта, ишимизнинг яхшиланишига хизмат қиласи, — гап қўшди ёнимдаги нотаниш йигит.

— Эргашбой жаноблари топган йигит ўйлайманки, ҳаммамизнинг ишончимизни оқлади! — деди Абдуллоҳ.

— Шундай! — дея бош ирғади Туркон хоним.

— Бўронни аъзоликка қабул қилишни овозга қўяман!

Амирийнинг бир оғиз сўзи қўл кўтаришга чоғланниб турган одамларнинг шаштидан қайтарди.

— Эргашбой жаноблари, бу йигит лагерда сизнинг ёдингизда қоладиган бирорта топшириғингизни бажарганми?

Эргаш талмовсираб қолди. Агарда йўқ дейдиган бўлса, менинг номзодимни маъқуллаб қўтариладиган кўллар ҳеч қачон кўтарилмаслигини тушунарди. Хонага сукунат чўкди. Ҳамманинг кўзи тўдабошида эди. Эргаш Башир билан ўғринча кўз уриштириб олишди. Улар бир-бирларини кўз қарашларидан тушунишганди.

— Қочиб кетаётган одамларимнинг иккитасини тутиб берган! — деди ёлғондан. Гарчи менинг бу «хизматим» Амирийни қаноатлантирса-да, у бош ирғаб қўйди.

— У бажарадиган ишлар ҳали олдинда, — деди Башир.

— Сизлар кафолат берар экансиз, менинг ҳеч қандай эътиrozим йўқ! — Амирий биринчи бўлиб кўл кўтарди ва менга қаради.

— Гуруҳимизга киришдан аввал қасамёд қиласан, бўтам!

Мен уларнинг қисқа муддатли синовидан ўтганимни тушундим.

Мехмед Чегечи қўлимга икки тифли ханжар тутқазди.

— Нима десам, шуни такрорлайсан!

Бош ирғадим.

— Бугундан бошлаб кенгашга аъзо бўлиб кирав эканман, ўзимни сизлар билан бир сафда эканлигимни ва менга ишонч билан қарашларингни сўрайман! (Мен унинг сўзларини такрорладим.) Кенгаш сирларини, аъзоларнинг исмини ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ошкор қилмасликка онт ичаман. Агар қасамёдимни бузсам, берилган топшириқларни бажармасам, кенгашнинг маҳфий маълумотларини фош қилсам, ўзимдан юқори мартабали бошлиқла-

римнинг буйругини бажаришдан бўйин товласам,
ҳар қандай жазога лойиқман.

Қасамёд қилиб бўлгач, ханжарни ўпдим. Лабим-
ни тифга теккизаётган пайтимда дилимдан шу сўзлар
кечди. «Дунё тинчини бузаётган, бегуноҳ одамлар-
нинг қонини тўкаётган сендек кимсаларнинг жонини
олмасам, ўз ватанимга ва халқимга муносиб фарзанд
эмасман».

Кенгаш аъзолари мени бағриларига босиб,
кутлашди.

— Тасанно!

— Баракалла!

— Сиздан шуни кутгандик!

— Мана, энди оға-инимиз! Бир мақсад йўлида ку-
рашамиз, — дейиши.

Абдуллоҳ олдимда ўтирган бақалоқ кимсага ўги-
рилди.

— Хўш, мулла Мирзо, Қоратегин водийсида не
гаплар? Одамларимизнинг кайфияти қандай?

— Йигитларимнинг кайфияти ёмон эмас, топши-
риғингизни кутишмокда, тақсир!

— Мен жўнатган совфаларни қабул қилдингизми?

— Ҳақингизга дуодамиз, тақсир!

— Тожикистондаги базамиз ўз ўрнида қоладими?

— гап ташлади Мирзо.

— Ҳозир базамизни ташлаб чиқсан, ҳукумат буни
мағлубият, деб қабул қиласди. Шу сабабли, ўз жо-
йимизда туриб, сўнгги қонимиз қолгунча ҳукумат
қўшинларига қарши жанг қиласми!

— Менимча, жанг қилиб, қон тўкиш ўрнига, ҳуку-
мат тепасига келган янги раҳбар билан хўжакўрсин-
га ярап шартномасини тузишимизга тўғри келар!

— Афсуски, янги раҳбар билан сулх тузиш осон кечмайдиган кўринади. У лафзи бутун, айтганидан қайтмайдиган одам. Одамларимизни битта қўймай хибсга оляпти. Тоғлардаги форларга яширинган юзлаб аскарларимизни ўлдирди! Халқ унинг ортидан эргашмоқда.

— Кўнмаса ўзидан кўрсин, — Абдуллоҳ қўл силтади. — Биз унга ҳам ўзимизни нималарга қодир эканлигимизни кўрсатиб қўямиз! Истасам, буғуноқ Душанбенинг ҳар бир кўчасига юзтадан «гул» ўтқазаман. Уни одам боласи танимайдиган вайронага айлантираман!

— Ҳақ гапни айтдингиз, муҳтарам Абдуллоҳ, яна бир нарсага сиз, кенгаш аъзоларининг эътиборини қаратишни истардим (Меҳмедин Чегечи қандайдир муҳим гапни айтса керак, деб ҳамма унга қаради). Муқаддас қасамёдини бузиб, ҳукумат томонига ўтиб кетган хоинларни жазосиз қолдирмасликни талаб қиласман. Улардан қасос олинмас экан, Қоратегин ва Самангандаги дўстларимизга хавф туғилиші табиий!

— Сиз айтган одамларнинг ҳаммаси туятиш! — деди Башир.

— Ўша туятишни сиз суфуринг! — жавоб қилди Абдуллоҳ.

— Қоратегин водийсида қочоқлар, хоинлар кўпаймоқда, интизом издан чиқсан. Кейинги олти ой давомида сафимизни тўлдирадиган бирорта одам қўшилмади, — Меҳмедин Чегечи кенгаш аъзоларининг фикрини олиш мақсадида уларга қаради. Ҳаммалари водийдаги ахволдан огоҳ эдилар. Ўйланиб қолишли.

— Қандай таклиф киритасиз? — сўради Амирий.

— Ҳар икки лагердаги одамларимизни зудлик билан Помир тоғларига кўчириш зарур!

Баширнинг бу гапида ўз мақсади яшириниб ётарди.

– Бошқа чораси йўқми?

Ўтирганлар ўйланиб қолищди.

Мен Ўзбекистон учун хатарли муаммо ўртага ташланганини тушундим. Бунга йўл қўйиш мумкин эмасди. Жангарилар тоққа кўчадиган бўлса, ўз-ўзидан Ўзбекистон ҳудудига яқинлашиб қолишлари мумкин. Бу таклифни кейинга қолдириш зарур эди. Кенгашда илк бор иштирок этаётганим боис, таклиф киритиш ҳуқуқига эга эмасдим.

– Бу ҳақда янги аъзомизнинг фикрини билайлик-чи, – сўраб қолди Чегечи. Ҳамма менга юзланди.

– Аввало, қочоқлар сафининг кўпаяётганини таҳлил қилишимиз керак! Фикримча, ҳар икки лагерда ҳам интизом издан чиққан, шароит етарли эмас. Очлик ва зерикиш оқибатида йигитларимиз қочишига мажбур бўлишаётган! Иккинчидан, биз одамларимизни ҳозир Помирга кўчирадиган бўлсак, ҳукумат буни ўзининг ғалабаси, деб баҳолайди! Мамлакат ичкарисида туришимиз эса уларнинг хотиржам бўлишига йўл қўймайди.

– Таклифингиз?

– Одамларимизни Помир тоғларига кўчиришни кейинга қолдириш! Лагерда темир интизом, моддий рафбат, шароитни яхшилаш! Шунда ҳам вазият ўнгланмаса, ҳар икки лагердагиларни Помирга кўчириш!

Сўзларим Абдуллоҳга маъқул келганлигини унинг юзидан пайқадим.

– Мухтарам Эргашбой, сиз қандай фикрдасиз?

– Таклифда жон бор. Помирга кўчишни кейинга қолдирсак, қиши кириб келмоқда, совукда одамларимиз қийналиб қолишиади.

— Бизни паноҳида асрайдиган горлар бор! — Абдуллоҳ унинг жавобидан аччиқланганини пайқадим.

— Менинг қўлимдаги маълумотларга қараганда, кейинги олти ой давомида ҳар икки лагердан олтмиш йигит қочишга урингани сабабли йўқ қилинганд. Афсусланарли томони шундаки, уларнинг ўрнини тўлдирадиган бирорта одам келмаган.

Баширнинг бу аччиқ гапи Меҳмед Чегечига қаратилганини ҳамма билди. У бу фикрга жавоб бериш мақсадида ўрнидан турди ва ҳамёнидан бир парча қофоз чиқарди.

— Гапингиз ўринли, муҳтарам Башир жаноблари. Ўзингизга аввалги йифиндан маълумки, тарафдорларимиз лагерларга Тожикистон орқали кириб келарди. Афсуски, ҳукумат қўшинлари одамларимизни чиқариб юборди. Чегара мустаҳкамланди. Йўқолган йигитларимизнинг ўрнини тўлдириш мақсадида муҳтарам Амирий жаноблари билан янги лойиха ишлаб чиққанмиз. Маълумингизким, тўқсонинчи йилларда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг бошқа жумҳуриятларида таълимни йўлга қўйиш мақсадида Туркия ҳукумати томонидан «маорифчилар» жўнатилган. Улар таркибига ўзимизнинг ишончли одамларимизни киритганмиз. Улар таълим-тарбия бериш аноссида ёшлар ўртасида Саид Нурий жаноблари томонидан ишлаб чиқилган foяларни кенг қўламда тарғиб қилиш, Марказий Осиёда ягона туркий давлат барпо этиш фикрини сингдириш билан шуғулландилар. Бундан ташқари, бизнинг одамларимиз Тожикистонда, Қозогистонда, Қирғизистонда ва Россиянинг мусулмонлар яшайдиган худудларida иш олиб боришишмоқда. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистондан келган минглаб ёшлар давлатимиз-

нинг турли олийгоҳларида таҳсил олишмокда. Уларнинг ҳар бири билан махсус тайёргарликдан ўтган одамларимиз ишлашмокда. Ишончингиз комил бўлсинки, саксон фоиз ёшларнинг онгига ўз фояларимизни сингдирдик. Уларнинг қалбида туркпаратстлик алангаси ёнмокда. Бу ўтни ҳеч ким, ҳеч қачон сўндиrolмайди. Мана бу қофозда бизга содиқ ёшларнинг исм-шарифлари, яшаш жойлари битилган. Истаган пайтда улар биз томонга ўтишади, сафимизга қўшилишади! Ўзбекистондаги қўшма корхоналарда ишлаётган одамларимиз ҳам бекор юришгани йўқ. Ахборот учун яна шуни маълум қиласманки, одамларимиз Фарфона водийсида рўзнома очишга муваффак бўлишди. Тез кунлар ичида ўзимизнинг радиостанциямиз ҳам ишга тушади.

Мехмед Чегечининг сўзларига эътиroz билдирадиган одам топилмади. Унинг гаплари мен учун янгилик эди. Қофозни қўлга киритишни ўйлардим.

– «Гул» операцияси бир йилдан бери турли сабабларга кўра чўзиб келинмокда. Тайёргарликдан ўтган одамларимизнинг ҳафсаласи пир бўлмасдан бу ишни тезроқ амалга ошириш керак, – деди Эргаш.

– Бу Тожикистондаги вазиятнинг ўзгариши билан боғлиқ, – жавоб қилди Мехмед Чегечи. – Портловчи мосламалар айтилган жойларга етказиб берилган. Ўзбекистон хукумати чегараларини мустаҳкамламокда. Одамларимизнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, улар мамлакат ичкарисига ўтиши учун хатарсиз йўлак очиш зарур!

– Чегарачиларнинг қўлида биз тайёrlаган камикадзеларнинг суратлари бор! – ахборот берди Башир.

Мехмед Чегечи андак ўйланиб, Эргашга ўгирилди.

– «Гул» операциясига жалб этилган йигитларни қайта тайёргарликдан ўтказамиз. Кўпчилик фикридан қайтган бўлиши мумкин. Шу сабабли мен Англиядан малакали рухшуносларни чақирганман. Улар бир ой давомида йигитларингиз билан ишлайди.

Амирий жаноблари бу ерга бежиз келмаганлигини билдириш мақсадида тилга кирди:

– Хар икки лагердаги ахволни яхшилаш, қурол-аслаҳа сотиб олиш ва камикадзеларни тайёрлаш мақсадида мен ўз ҳисобимдан уч миллион доллар маблағ ажратдим!

– Тасанно!

– Ҳимматларига офарин!

Эргаш ялтираган кўзларини Амирийга тикиб, миннатдорчилигини таъзим билан изҳор айлади.

– «Гул» операцияси қачон амалга оширилади? – сўради Мирзо Баширдан.

– Бунинг учун йигитларимиз Ўзбекистон худудига кириб чиқадиган хавфсиз йўлак очиш керак, – деди Башир.

– Қайси давлат ичидан? – савол ташлади Чегечи.

– Қирғизистондан!

– Бунга Қирғизистон хукумати розилик берармийкин, афандим?

– Хукумат тепасида ўтирганлар ичida ўз яқинларимиз бор!

– Қанча маблағ ажратишни таклиф қиласиз? – сўради Амирий Баширнинг сўзини кесиб.

– Кенгаш аъзолари рози бўлса, юз миллион доллар!

Ҳамма бир-бири билан кўз уриштириди, лекин ҳеч ким бу таклифни инкор қилмади.

– Одамларимизни Ўзбекистон ўлкасига bemalol киришлари учун сарфланажак маблағнинг юзи-

га қарамаслигимиз лозим! Бирок бу вазифани ким улдалайди?

Кўзлар Баширга тикилди.

— Полковник Мурод Эржигитов! У билан Москва-да бирга ўқиганман.

— Демак, полковникка ишонасиз?

— Албатта, қолаверса, мулла ўз одамлари билан ишорамни кутиб турибди.

— Эртагаёқ олдига ўз одамимни жўннатаман!

— Умидимиз сиздан! — Чегечи унга ишонч билдириди.

Абдуллоҳ «бу масала ҳал», дегандек кафтини столга уриб қўйди. Унинг маккор кўзлари Туркон хонимда тўхтади.

— Хоним афандим, эшитишинг қараганда, аёлларни жиҳодга тайёрлайдиган лагерингизни Кара-чидан кўчирмоқчи экансиз?

— Мамлакатдаги вазият шуни тақозо қилмоқда, афандим, — деди Туркон хоним. — Ўзбек миллий хавфсизлик хизмати қароргоҳимизнинг яширин ишларини фош қилди. Кўплаб одамларимизни қўлга олди. Ҳатто, ўз айғоқчиларини орамизга киритишга муваффақ бўлди. Бундан кейинги фаолиятимизни Афғонистонда давом эттироқчимиз.

— Бу таклифни рад этаман, хоним афанди, — деди Башир бош чайқаб.

— Сабаб?

Ҳамма нигоҳини Баширга қаратди.

— Афғонистонда сиз аёлларни жиҳодга тайёрлай олмайсиз. Мамлакатдаги вазият, унинг ташки кўриниши бу ерга келган аёллар қалбида ўз юртларига соғинч ҳамда меҳр уйғотади.

— Таклифингиз?

— Уларни Туркияга кўчирасиз!

Таклиф қабул қилинди.

Амирий ўрнидан турди. Ҳамма унинг муҳим гап айтишини кутди.

– Одамларимизни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминламас эканмиз, биз ҳеч нарсага эришолмаймиз. Эшитиш имга қараганда, яқинда руслар одамнинг асабига таъсир қиласидиган, бир неча соатга қўл-оёғини фалажлаб, фикр-мулоҳаза юритишдан маҳрум қиласидиган, четдан берилган буйруққа, сўзсиз итоат қилдира оладиган, бир сўз билан айтганда, манқуртга айлантирадиган антиқа қурол ишлаб чиқишиганиши. У оддийгина мушак шаклида бўлиб, оломон ўртасига ташлаб юборилса, ҳиди етиб борган жойдаги одамлар гипноз ҳолатига тушиб қоларкан. Шу мосламани қандай қилиб бўлса-да, қўлга киритишимиз зарур. Усама жаноблари билан мулла Умар ҳазратлари ҳам шу қуролга қизиқиб қолганлар!

– Вадим Вольфович билан алоқа яхшими? – сўраб қолди Мехмед Чегечи ёнида тасбех ўгириб ўтирган Абдуллоҳга қараб.

– Алоқамиз айтарли яхши эмас, у қимматсираб, бизнинг «мол»ларимизни олишни истамай қолган кўринади, – деди.

– Бунинг йўли осон, – деди Чегечи. – Мендаги маълумотларга қараганда, яқинда у Англия мафия отаси жаноб Карлсон билан беш юз килограмм тоза героин етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолаган. Ўзларингизга маълумки, Карлсон жаноблари фақат тоза ва таъсири кучли бўлган «дори»ларнинг шайдоси.

– Бундан ташвишланманг, – қўл силтаб қўйди Амирий. – Истаган пайтимиизда ўртадаги шартномани бузиш қўлимиздан келади. Мабодо, рус ма-

фиясининг отаси биздан юз ўгирса, уни кафангадо қиласиз!

– Назаримда бу оғир иш, – эътиroz билдириди Мирзо. – Кучимиз етмайди!

– Ташвишланманг! – боягидай паст овозда сўзида давом этди Амирий. – Русияга барча «юк»лар Ўрта ер денгизи орқали кириб боради, шундайми?

– Шундай, – деди Абдуллоҳ жаноблари Амирийнинг мақсадини тушунмай.


– Денгизда бизнинг ишорамизга маҳтал бўлиб турган кемаларимиз, одамларимиз, favvoslarimiz керагича топилади.

– Кема тасодифан минага дуч келади, шундайми? – кулди Чегечи.

– Хўп зийрак одамсиз-да, – уй эгасини олқишилди Амирий. – Унгача сиз бошқа йўллар билан мафия отасининг қўлига борадиган «мол»ларни сотиб оласиз, уларнинг ўрнига сохталарини жойлаб, Вольфовичга жўнатасиз. Караб турибсизки, мижозлар ўртасида даҳанаки жанг бошланади. Шериклари ва харидорлари ундан юз ўгиришади. Бозори касодга учраган Вольфович яна бизнинг «мол»имизга харидор бўлади-қолади.

– Бундай доно фикр билдирган Амирий жанобларининг ҳақларига дуо қилишимиз керак, – Чегечи чапак чалиб қўйди.

– Мен рус мафиясининг отасини ўз томонимизга оғдириш мақсадида Эргашбойнинг одамлари орқали омборимда сақланаётган энг сара «дори»лардан икки-уч килограмм жўнатдим. Вольфович уни олган заҳоти биз билан алоқа боғлайди! – Абдуллоҳ рўпарасида турган Эргашга маъноли караб қўйди.



– Бизнинг асосий мақсадимиз – русларнинг янги ишлаб чиққан қуролини қўлга киритиш! – деди Амирий баҳсга яқун ясаш мақсадида.

– Шундай!

– Менда бир таклиф бор, – деди Чегечи ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб. – Бугун-эрта Вольфовичнинг ёрдамчисини бу ерга чақириб, ўзаро келишиб олсан-чи?!

– Қаршилигимиз йўқ! – қўл кўтарди Амирий. Бироқ Абдуллоҳ индамади. Вакилнинг бу ерга чақирилиши унга ёқмаганди.

Шундан кейин иккинчи масала кўтарилди.

– Абдурашид Дўстум ва Шоҳ Маъсуднинг айғоқчилари Тора-Бора горига яширинча кириб, бир тонна уранни ўғирлаб чиқиб кетишган.

Ҳамма Абдуллоҳга қаради.

– Наҳотки?!

– Фанимларимиз кўпаймоқда, – гапида давом этди Абдуллоҳ. – Дўстум билан Шоҳ Маъсуд кун сайин ҳаддиларидан ошиб, қутуришмоқда. Бир ой ичидагитита қурол-аслаҳа омборимизни, Кундуз ва Жалолобод шаҳарларида маҳсус тайёргарликдан ўтаётган икки юз нафар хорижлик йигитимизни ўлдиришди. Етмиш гектар майдондаги нашазорларимизга, кўкноризорларимизга ўт қўйишди. Буларни пулга чақадиган бўлсак, кўрилган зарар бир триллиондан ошиб кетади. Ҳар икки қўмондонга нисбатан шошилинч чора кўрилмас экан, биз мамлакатни ўз тасарруфимизга ололмаймиз!

– Белимизда қурол бор экан, инсон зотидан қўрқмаймиз, – гап ташлади Амирий. – Мен ўзимнинг барча бойликларимни қўзлаган мақсадим йўлига тикканман! Эртагаёқ Дўстум ва Маъсуднинг боши

учун кенгашнинг ҳисобига юз миллион доллар маблағ ўтказаман.

– Ҳимматларига тасанно, тақсир! Аллоҳ әзгу ишларимиз йўлида сарф қиладиган бойликларингизга барака ато этсин! Ўйлайманки, яқин кунлар ичидаги юрагингизга шодлиг-у кувонч баҳш этадиган хабарни эшитасиз!

Бу олқишилар Амирий жанобларининг тилига эрк берди:

– Келгуси ҳафта Арабистондан икки юз нафар ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган йигит Афғонистонга етиб келишади. Улар Африка давлатларида катта жанговар тайёргарликдан ўтишган. Бу йигитларнинг ҳар бири Дўстум билан Шоҳ Маъсуднинг юзлаб аскарларига бас кела олади! Афсуски, уларнинг юз эллик нафари Хаттоб жанобларининг илтимосига биноан Гуржистон тоғлари оша Чеченистонга ўтиб кетади!

Башир жанобларининг қўлида бир қанча маҳфий маълумотлар жамланиб қолганди. Ўшалар тўғрисида кенгаш аъзоларини хабардор қилиш учун ўрнидан турди.

– Маҳмуд кенгаш аъзоларининг ишончини оқламади. Қасамёдини бузиб, Мисрга қочиб кетди. Одамларимиз ўша куниёқ унинг изига тушиб, ўлдиришди. Эргашбой жанобларининг маҳфий хабарномаси қандай қилиб унинг қулогига етиб боргани ҳам аниқланди. Айғоқчиларимизнинг маълум қилишича, муҳтарам Эргашбойнинг алоқачиси Маҳмудга маҳфий маълумотни етказиб турган.

Ҳамма тўдабошига қаради.

– Бўлиши мумкин эмас! – деди у аччиқланиб. – Алоқачим энг ишончли ва содик одамим!

Башир унинг сўзига аҳамият бермади. Чўнтағидан диктофонни олиб, тугмачани босди. Маҳмуднинг овози эшитилди. «Лаънати Эргаш мени ўлдириш учун Русланга топшириқ берибди». Биргина калима Эргашни ўт устида ўтиргандай типирчилатиб қўйди. Далилий ашёни инкор этолмади.

– Борган кунимоқ унинг кўзларига мил тортаман, тирнокларини суруриб оламан, тириклай қабрга тиқмасам, эркак әмасман! – деди алам билан қўлларини мушт қилиб. Туркон хоним тўдабошининг қўлидан ушлади ва киши билмас ҳаракатлар ила сонига қўйди.

– Иккинчи маълумот Шариф исмли қочоқ йигит тўғрисида. Хуфияларимизнинг аниқлашича, у хукумат ишончини қозонган, мамлакатнинг энг нуфузли, донгдор фермерига айланган. Рўзномаларда, «энг катта орзуим – мени тарбиялаган ватанимга хизмат қилиш. Бу йўлда ўз жонимдан кечишга ҳам тайёрман», деб жар солган. Икки йил ичида қилган ишлари билан хукумат раҳбарларининг эътиборига тушган. Уни таниган, билган одамларимиз ўртасида иккиланиш, хукумат тарафига ўтиб кетиш ҳоллари кўпаймоқда. Саманган, Қоратегин водийсидаги йигитларимизнинг қўлига у ҳақда ёзилган рўзномалар яширин йўллар билан келиб тушмоқда. Қочоқларнинг кўпайишига айнан Шарифнинг эришаётган ютуқлари ҳам сабаб бўлмоқда. Қочоқлар хукумат идораларига бориб, афв этишларини сўрашмоқда. Кейинги олти ой давомида йигирма нафар қочоқ иш билан, уй-жой билан таъминланган. Шариф зудлик билан ўртадан олиб ташланмас экан, одамларимиз ўртасида хукуматга бўлган ишонч кучаяди, қочоқлар эса кўпаяди!

— Мен ханжаримни қиндаң суғурганман. Унинг боши учун ўн минг доллар ажратдим!

— Ўн минг доллар нима бўлади, муҳтарам Эргашбой! — мийигида кулиб қўйди Амирий. — Хоин ва қочоқларнинг, айникса, ҳукуматнинг ишончини оқлаётган Шарифнинг боши учун пулнинг юзига қараманг. Кенгаш ўша йигитнинг боши учун юз минг доллар ажратади!

Бир одамнинг боши учун бу қадар катта маблағ ажратилганини ҳеч бирлари эслай олмасди. Ўтирганлар Абдуллоҳга, кейин Эргашга маъноли қарашди. Кенгаш раиси изоҳ берди.

— Катта пул тикилганига ҳайратланманг, жаноблар! Қочган одам давлатнинг ишончига кириши сиз-у бизнинг мағлубиятимиз ҳамда фоямизнинг халққа таъсир қилмаганлигининг нишонаси. Биздан қочган одамнинг тавба қилиб, юрт остонасига бош уриб кириши ҳукуматнинг ғалабасидир. Фоясининг устунлигидир! Ҳеч қачон сиёsat пулдан устун турмаслиги керак!

Абдуллоҳнинг сўзларига ўтирганлар бош ирғаб қўйишиди.

— Кенгаш аъзоларига айтадиган яна қандай маълумотларингиз бор? — Чегечи Баширга юзланиб сўради.

— Бундан бир ой муқаддам Fafur муҳтарам Эргашбойга Эронга ўтиб келаман, деб чиқиб кетган. Бироқ у йўлини ўзgartириб, Кирғизистон орқали Москвага жўнаган. Кетиш олдидан Вадим Вольфовичнинг ёрдамчиси Понамарёвни огоҳлантирган. Fafur «мол»нинг ҳақига хиёнат қилганлиги Вольфовичга аён бўлганди. У меҳмонни ўрмон четидаги кўл бўйида кутиб олишини маълум қиласди. Понамарёв

уни айтилган жойга олиб келади. Учрашув чофида Faфур хиёнат қылганини тан олмайди. Эргашбой жанобларининг Ҳикмат орқали жўнатган мактубини кўрганида айбига иқрор бўлади. Вольфович уни тимсоҳларига едириш мақсадида сувга ташлайди. Тасодиф туфайли Faфур омон қолиб, қочади. Бироқ шаҳардан чиқиб кетмайди. Мафия отасининг изига тушади. Пайт топиб, ярим тунда уни ўғирлаб, кўлга олиб боради. Вольфович катта маблағ эвазига жонини сотиб олади. Faфур пулни олиб, яширинади!

Баширнинг сўзларини эшитиб, Эргаш донг қотиб қолди. Қандай қилиб бу маълумотлар Баширнинг кўлига тушди? Faфурнинг қочганини, Вольфовичнинг жонига қасд қилмоқчи бўлганини билар экан, нега тутиб келмади, нега ўлдирмади?

– Нега ўша итнинг боласини менинг кўлимга топширмадингиз? – деди қалтираб.

– Менинг вазифам – тутиш эмас, маълумот йифиш!
– жавоб қилди босиқлик билан Башир.

Бу маълумот Абдуллоҳ учун ҳам янгилик эди. Башир билан ёнма-ён юрган бўлса-да, бу тўғрида гаплашишмаганди.

– Нималар бўляпти, ахир?! – деди у мушти билан столни уриб. – Қачонгача жосуслар одамларимизнинг кирдикорларидан бизни огоҳ қиласди-ю, тутиб кўлимизга топширмайди? Улар дўстми-душманми?! Биз қаёққа қарайпмиз? Айгоқчиларимиз нима иш қилишяпти?! Назаримда америкаликлар бизни ўз одамларимизга қарши кўйиб, устимиздан кулиб, ишончли кишиларимизни йўқотишга уринмоқда. Менинг таклифим – бундан кейинги ишларимизга уларни аралаштирумаслик ва бажараётган ишларимиз хусусида ҳисоб бермаслик!

Абдуллоҳнинг бундай қарорга келишига кенгаш аъзолари воқиғ бўлмаган сабаб бор эди. Инглиз разведка агентлигининг Шарқ мамлакатлари бўйича махсус вакили Гуд у билан махфий учрашув ўтказиб, ««Толибонлар»» етакчиси мулла Умарни жосуслик бошқармаси хизматидан воз кечишга кўндириш вазифасини топширганди. Катта бойликка умид қилган Абдуллоҳ бу топширикни қойилмақом қилиб удалади. Сохта маълумотлар ёрдамида мулла Умарнинг кўнглида разведка бошқармасига нисбатан ишончсизлик уйғотди. ««Толибонлар»» томонидан қўлга олинган ҳукумат раҳбарлари ва унга қарши курашган гурӯҳ етакчилари яширинча турмалардан қочирилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари заҳарланди. Бу ишда уларнинг қўли бор, деган мишишлар тарқатилди. Мулла Умар Усама бин Ладенга қаттиқ ишонар, унинг бевосита топширифи билан ўз ҳомийларидан олиши мумкин бўлган қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва кийим-кечаклардан бош тортганди. Усамани тутиб бериш таклифини айтишгандан кейин эса бошқарманинг ходимлари билан учрашишдан бош тортди. Туркияда ўтказиладиган кенгаш эса Англия жосуслик агентлиги ходимининг топширифи билан ташкил этилганди. Абдуллоҳга кенгаш аъзоларининг қалбида марказий разведка бошқармаси ходимига нисбатан ишончсизлик уйғотиш ва унинг хизматидан воз кечиш вазифаси юклатилганди. Куттимаганда кенгаш аъзосининг марказий разведка бошқармасига ишончсизлик билдириши Баширдан бошқаларни ҳайратга солиб қўйди. Амирий ўрнидан туриб кетишига бир баҳя қолди. «Нега бундай қарорга келди?» деган савол ўтирганларнинг бошида айланган бўлса-да, ҳеч ким оғиз очишга журъат этолмади.

Амирийнинг боши эгилганди. Мехмед Чегечининг сабр косаси тўлганди.

– Биз разведка ходимининг хизматидан воз кечадиган бўлсак, ишлаб чиқилган тизимлар душманларимиз кўлига етиб боради, – деди у хавотирланиб.

– Тизим аллақачон фош бўлган! – деди Абдуллоҳ алам билан қўл силтаб. – Кейинги икки ой ичида ўнлаб ишончли одамларимиз қўлга тушди. Ўта муҳим объектларни портлатиш, давлат бошлиқларининг машинасига бомба қўйиш, элчиларни ҳайдаб чиқариш тўғрисидаги режаларимиз барбод бўлди. Душанбеда, Олмаотада, Кобулда элчихоналарга қўйилган бомбалар портламади. Россияга жўнатилган камикадзеларнинг ҳаммаси қўлга тушди. Туркон хонимнинг ўн йилдан бери яширин фаолият юритаётган Покистондаги қароргоҳи ўзбек маҳсус хизмати томонидан фош этилди. Дунё ҳамжамияти олдида юзимиздаги ниқоб олиб ташланди, шарманда бўлдик. Чеченистонга жўнаб кетаётган йигирма нафар ўтда ёнмайдиган йигитимиз осмонда портлатиб юборилди. Бу нимаси, ким бизнинг сирларимизни фанимларимизнинг қулогига етказяпти?! Ўйлаб кўринглар, амалга оширмоқчи бўлган ишларимиздан разведка бошқармаси ходимидан бошқа бирорта маҳфий хизмат маҳкамасининг агенти хабардормиди? Бизнинг хавфсизлигимизни таъминлайдиган, сидқидилдан ёрдам берадиган бирорта ишончли ташкилот борми? Башир жаноблари, сизни ахборот билан таъминлаётган агентлар нега бу ишларни била туриб, олдини олмаяпти?! Нега эркин ишлашимиз учун шароит яратиб бермаяпти?! Фанимларимиздан ўч олмаяпти? Уларни тутиб қўлимизга топширмаяпти? Назаримда дунёни титратиб турган разведка идораси ўзбеклар

олдида ўзининг сариқ чақага қимматлигини сездириб қўйди. Сизларни ишонтириб айтаманки, Самангандада ҳам, Қоратегинда ҳам бизга қарши кучлар иш олиб боряпти. Улар бизнинг ичимиизга шу қадар кириб кетганки, олаётган нафасимизни ўз идораларига бемалол етказиб турибди. Бу кетишда бадном бўламиз, битта қолмай қўлга тушамиз ёки қирилиб кетамиз. Билиб қўйинглар, биз қонли қўйлак билан олов ичига кирганимиз, мана шу кўйлак бизни ёниб кетишдан асрайди. Уни фақат ўлганимизда ечиб олишади!

- Таклифингиз? – сўради Мехмед Чегечи.
- Таклифим – разведка бошқармаси хизматидан воз кечиш!

– Унда ким билан ҳамкорлик қиласми? – сўради Амирий.

– Менимча, разведка бошқармасининг биз билан ишлаётган агентларига сездирмаган ҳолда инглизлар билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз керак.

– Биз кенгашнинг кейинги йиғилишида бу масалани кўриб чиқамиз. Ҳозирча ўзимизнинг кучимизга ишониб ишлаймиз, – деди Башир. Унинг гап оҳангидан американлик ҳамкасларидан норозилигини билиш мумкин эди.

– МенгаFaфур керак! – Мехмед Чегечи Баширнинг олдига келиб, унинг кўзларига тикилиб, шундай деди: – Бисотимдаги бор пулимни унинг жони учун тикдим. Ўша, сизга маълумот жўнатган дўстларингизга қимор ўйинига кирганимни айтинг! Faфур менга тириклай керак! – Мехмед Чегечи бармоқларини мушт қилиб столга урганида, қўлидаги қофоз оёғим остига келиб тушди. Кўзимнинг қири билан унга қарадим. Араб имлосидаги ёзувларни ўқиш мумкин эди. Мен «Нурчилар» ташкилоти етакчилалининг исмларини хотирамда сақлаб қолдим.

— Сирларимизнинг фош бўлишидаFaфурнинг
қўли бор, демоқчимисиз, афандим? — сўради Башир.

— Сирларимизнинг фош бўлишида эмас, у Эргаш-
бой жанобларининг ихтиёридаги эллик килограмм
тоза героинни олиб қочган. Унинг пули билан Эр-
гашбойнинг одамларини бир йил боқиш ва кийинти-
риш мумкин!

Бу сўзларни эшитган тўдабошининг юзи қизариб
кетди.

— Сиз шуни истар экансиз, талабингизни бугун-
даноқ бажаришга ҳаракат қиласман. Иншооллоҳ,
яқин кунлар ичида Faфурни шу ерда кўрасиз! — деди
Башир.

Хаёлига келган фикрдан кўзлари чақнаб кетган
Чегечи Амирийга қараб қўйди. Қария унинг кўзла-
ридан нима демоқчилигини билгандек бош ирғади.

— Муҳтарам Эргашбой, маълумингизким, сиз
Кирғизистон худудидан чиқиб кетаётганингизда
оғир қурол-аслаҳаларни тоғларга яшириб ўтган
эдингиз. Мен уларни қайтариб олиб келиш тўғри-
сида сизга икки маротаба маълум қилдим. Афсуски,
тоғларга қалин қор **тушганлиги** сабабли қуролларни
айтилган муддатда олиб ўтмадингиз.

— Шундай тақсир! Қуроллар ишончли жойда. Бу
ҳақда ташвишланишингиз ўринсиз.

— Негадир кўнглим безовта. Ўша қуролларни зуд-
лик билан олиб ўтишингиз даркор.

— Лагерга қайтган куним албатта, одамларимни
«Илонгор»га юбораман, тақсир.

— Шундай қилинг, қуроллар ҳали сизга керак бў-
лади!

Тўдабоши қўлини кўксига қўйди.

Мен қуроллар йўқолганлиги ҳақидаги хабар Чегечининг қулоғига етиб келгудек бўлса, ўрталаридағи ишонч «девори» нурашини билдим.

Кенгаш иши якунланди. Жангариларни Помирга кўчириш фикридан вақтинча қайтарганим – дастлабки ютуғим эди.

Эргаш лагерга эртага жўнашини маълум қилди. Колганлар тарқаб кетиши.

– Ҳозир меҳмонхонага бориб, дамингни ол. Ташқарига чиқма. Кечаси эшикни очма! – тўдабоши менга шу сўзларни айтиб, Туркон хонимнинг қўлтиғидан олиб, нимқоронги хонага кириб кетди.

ОКЕАН ОРТИДА

Туркияда бўлиб ўтган кенгаш йиғилиши разведка бошқармасининг Афғонистон ва Марказий Осиё давлатлари билан ишлаш бўлимидан қанчалик сир сақланмасин, бари бир улар бундан хабар топиши. Абдуллоҳ Англия жосуслик агентлигининг ходими Гуд билан махфий равишда учрашганидан Робинсоннинг одамлари хабар топишганди. Абдуллоҳ Гуднинг топшириғига биноан, Чегечининг идорасида бўлиб ўтадиган анжуманда ўз шерикларини разведка бошқармасидан юз ўгиришга даъват этмоғи даркор эди. Робинсоннинг ходимлари ана шу йиғилишда бўлиб ўтадиган гап-сўзларни эшлитиш мақсадида бир нечта қўриқчилар томонидан кеча-ю кундуз қаттиқ қўриқланаётган Чегечининг хонасига киришга ва овоз ёзищ мосламаларини ўрнатиб чиқиб кетишига муваффақ бўлишганди. Бошқарманинг тўртинчи қаватидаги 452-хонасида бўлим бошлиғи минглаб чақирим олисда бўлиб ўтаётган йиғилишда иштирок эта-

ётган кенгаш аъзоларининг сўзларини диққат билан эшишиб қолмай, балки уларнинг кайфиятларини ҳам хис этиб ўтиарди. Робинсоннинг ёнида тўрт йилдан бери Абдуллоҳ билан боғланиб, ундан маълумотларни олиб, ўз навбатида унга керакли топшириқларни бериб турган Петрон тик туарди. У тўрт ой муқаддам мана шу хонага кириб, бошлиғининг қулоғини Абдуллоҳнинг ишидан кўнгли тўлмаётгани, **Тудбилан** алоқага чиққани тўғрисидаги нохуш хабар билан қизитганди. Ўшандо Робинсон унинг сўзларига у қадар аҳамият бермаган, аниқроғи, ўттиз йил алоқада бўлган жосусни инглизларга сотилиб кетишини мутлақо хаёлига келтирмаганди. Абдуллоҳнинг кенгашдаги гап-сўзларини тинглаб ўтиар экан, бир пайтлар Петрон келтирган хабарларнинг ҳақлигига икрор бўлишга мажбур бўлганидан юзлари **кизарганди**. «**Биз разведка бошқармаси хизматидан воз кечишимиз, унинг ходимлари билан алоқани узимиз керак**», деб айтган сўзлари Робинсонга жуда ёмон таъсир қилди. Фазаб билан столнинг қиррасини шу қадар қаттиқ мижфиладики, бармоқлари қирсиллаб кетди. Абдуллоҳнинг хиёнатини ақлига сифди-ролмасди. Рўпарасида турганида, сира иккиланмай пешонасидан отиб ташлаган бўларди. Ахир, унинг қўлида бир қатор хорижий давлатларнинг маълумотларни қизиқтирган маълумотлар бор. Агар у инглизларга сотилган бўлса, ўша маълумотларнинг маҳфийлиги ўз кучини йўқотган. Улар энди унинг ходимларини осонгина қўлга тушириб беришга хизмат қилишдан бошқа нарсага ярамайди. Робинсон унга қаттиқ ишонганидан, ҳужжатларни топширганидан илк бор пушаймон бўлди. Кекса полковникнинг олдида биргина йўл қолганди.

Бу ҳам бўлса, ҳаммаларини бир-бирига душман қилиш ва бир-бирларининг қонини ичдириш.

Бошликлар Абдуллоҳнинг зиммасига нафақат Афғонистон билан боғлиқ, балки Марказий Осиё давлатларидағи ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларнинг чизмаларини тўплаш вазифасини ҳам юклаганди. У бу топшириқни Робинсон кутганидан зиёда ўддалади. Тавилдара, Қоратегин ва Саманган водийларига жангариларнинг жойлаштирилиши ҳам Абдуллоҳнинг кўрсатмасига асосан амалга оширилди. Улар билан алоқа ўрнатилиши жосуслик бошқармасининг муваффақияти эди. Робинсоннинг сценарийси асосида Эргашга ўхшаганлар Марказий Осиё давлатларида бир қатор кўпорувчилик ишларини амалга ошириши, тинчлик ва барқарорликни издан чиқариши, одамларда ваҳима уйғотиш, тушкунлик кайфиятини вужудга келтириши, янги қурилаётган биноларни, завод-фабрикаларни портлатиб, давлатларнинг иқтисодига жиддий заар етказиши ва шу йўл билан «қудратли» давлатга қарам қилиш эди. Айрим давлат раҳбарларига, консулхона ва элчихона ходимларига нисбатан суиқасд уюштириш ҳам ана шу режага киритилганди. Айнан Робинсоннинг топшириғи билан ҳар икки лагерда ашаддий кўпорувчилар тайёрланди.

Жосусини йўқотиш Афғонистон ва Марказий Осиё давлатларидағи алоқаларнинг узилиши билангина чекланмай, бошқа давлатларга қарши режалаштирилган фитналарнинг барбод бўлишига олиб келарди. Петрсон айтганидек, Абдуллоҳ инглизлар томонига оғиб кетса, маҳфий системалар фош бўлади. Булар Робинсон учун жуда катта йўқотиш бўлиб қолмай, балки унинг обрўсига путур етказарди. Кўз-

ларини бир нуқтага қадаб ўтирган полковникнинг хаёлига Абдуллоҳнинг бундан кейинги тақдирини ҳал қилиш масаласи келди. Энди у билан узилган риштани тиклашга бўлган ҳаракат фойдасиз эди!

— Зудлик билан Абдуллоҳнинг ўрнини босадиган ишончли одам топишимиз керак! — деди Робинсон ходимига юзланиб. — Унинг кўзлари фамга ботган, юзларига ташвиш из солганди. Петрсон бошлиғининг мақсадини тушунди.

— Мулла Умарнинг одамлари ичида агентларимиз бор. Бироқ Мирзо билан Эргашга чиқадиган алоқачимиз йўқ!

— Топасиз! Бугундан қолдирмай, Абдуллоҳни ўртадан олиб ташлайсиз! Унинг тирик қолиши биз учун хатарлидир.

— Кўлида биз ишлаб чиқсан система механизмила-ри бор. Йўқотишдан олдин уларни қайтариб олиши-миз керак!

— Улар аллақачон Гуднинг кўлида эканлигига шубҳам йўқ!

— Балки у билан сўнгги бор гаплашиб кўрармиз?

— **Фойдасиз!** Кенгашга янги аъзо бўлган Бўрон билан қизиқдингизми?

— Қизиқдим.

— Нималарни аниқладингиз?

Петрсон кенгашнинг янги аъзоси тўғрисида бир ой муқаддам Баширдан эшитганди.

— Бўрон уч йилдан бери Эргашнинг кўлида хизмат қиласи. Баширнинг текшируви ва синовларидан ўтган. Бир ярим йил муқаддам шу ерда яшовчи Зебо исмли қизга уйланган. Аёли туғиши пайтида вафот этган. Боласини қўшни аёллардан бири тарбияламоқда.

— Жуда яхши, биз Бўронни тарбиялаймиз! У нафақат мулла Умарга, балки бизга ҳам хизмат қиласди. Абдуллоҳнинг ўрнини шу йигит босади.

— Таклифимизни қабул қиласмикин? — ишончсизлик билан сўради Петрсон.

— Фарзандини яхши кўрса, албатта, бизга хизмат қиласди, — деди Робинсон.

Петрсон маъноли бош иргади.

— Ҳозироқ йигитларингизга хабар жўнатинг. Бўрон биз билан ишлашга рози бўлгунча, унинг боласидан қўз-қулоқ бўлиб туришсин. Афғонистонга қайтган куниёқ, одамларингиз у билан алоқага чиқсин!

— Faфурни ҳам ўртадан олиб ташлаш керак, — фикрини билдириди Петрсон. — У кенгаш аъзоларида шубҳа уйғотди.

— Бу масалада шошмаслик керак. Айнан ундан шубҳаланишлари бизнинг ишимизга қўл келиши мумкин. Faфурнинг Москвада эмин-эркин ҳаракат қилиши учун Вадим Вольфовични йўқотамиз. Менинг фикримча, кенгаш яқин кунлар ичida Эргашни ўртадан олиб ташлайди. Агар Чегечининг гапига эътибор берган бўлсангиз, Тавилдара ва Самангандаги жангариларни бирлаштирмоқчи бўлмоқда. Бўроннинг фикрида жон бор. Улар қўшиладиган бўлса, албатта, Мирзо Эргашнинг ўрнини эгаллайди. У эса бизга хизмат қилолмайди. Шунинг учун қандай қилиб бўлмасин, биз Faфурни қўлга олишимиз ва у билан ишлашимиз керак. Сизнинг вазифангиз — Башир билан алоқага чиқиб, Faфур тўғрисидаги барча гапларни миш-мишга айлантириш. Лозим бўлса, эллик килограмм героини Эргаш лагер атрофидаги форлардан бирига яшириб қўйганлигини Баширнинг

кулоғига шипшитиб қўймоқ лозим. «Илонфор»даги қуролларни ёрдамчиларимиз олиб чиқиб кетишса соз иш бўларди, Эргаш билан Чегечининг ўртасига «девор» қўйган бўлардик.

– Бунинг учун бошқа далил ва исботлар ҳам керак!

– Далил ва исботларни мен керагидан ортиқ топиб бераман. Одамларимнинг маълум қилишича, Эргаш Швейцария банкига беш-олти миллион доллар маблағ қўйган. Бу ҳакда Башир ҳам, кенгашнинг бошқа аъзолари ҳам ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Бу пуллар Усама томонидан жангариларнинг озиқ-овқати ва кийим-кечаги, Марказий Осиё давлатларида қўпорувчилик ишларини амалга ошириш мақсадида берилган пуллар бўлиб қолмай, балки Башир билан Абдуллоҳ томонидан рус мафиясининг **отасига** сотиш учун берилган наркотик моддаларнинг ҳақидан яшириб қолгани ҳамдир.

– Агар бу гапларингиз ҳақиқат бўлса, ўша заҳоти-ёқ Башир Эргашнинг терисини шилиб олади.

– Эргаш Fafurning қочиб кетганидан фойдаланиб, Башир томонидан Россияга сотиш мақсадида берган юз эллик **килограмм** соф героинни «Ўлик до-вон»даги фор ичига яширганлигига ишора қилинг. Лекин бу гапларни эҳтиёткорлик билан тушунти-ринг. Жаҳл устида Эргашни ўлдириб қўйса, билингки, биз Fafurни унинг ўрнига қўя олмаймиз. Аввал Fafurning айбиз эканлигини тушунтиришга ва унинг ишончини оқлашга урининг. Шунда биз ютамиз.

– Вольфович масаласини қандай ҳал қиласиз? Ахир у жангариларни наша эвазига қурол-аслаҳа билан таъминлаб турибди.

- Энди таъминлай олмайди. Унинг ишонган одами бугун эрталаб мудофаа вазири лавозимидан озод этилди. Қуролларни руслардан олишолмаса, албатта, яна бизга мурожаат қилишга мажбур бўлишади.
- Вольфовични Москвада йўқотиш хатарли, — эътиroz билдириди Петсон.
- Шундай бир «сценарий» ишлаб чиқингки, инглизлар уни Лондонга чақиришсин. Ўша жойда мафия сардорлари бизга кўмаклашиб юборишади.
- Кенгаш Fafurning бошига катта миқдорда маблағтиқди. Уларнинг одамлари бугунданоқ унинг изига тушишади.
- Хавотир олманг, уларнинг қўлидан иш келмайди. Чегечи бу ишда бизнинг ёрдамишизга муҳтожлик сезади. Унинг топшириғини бажариш эвазига биз эски алоқани тиклаб олишимиз ва мулла Ўмарга чиқишимиз учун йўлак очилиши ҳам мумкин. Шунинг учун Fafurни ҳимоямизга олишга мажбурмиз. Агентларга тайинланг, унинг қаердалигини аниқлашисин ва қўз-қулоқ бўлиб туришсин! Вақти келиб, бизга дастёрлик қиласди.
- Кенгаш унинг бошига катта маблағ тикканини унутманг!
- Тушунарли! — бош ирғади Петсон.
- Абдуллоҳ қачон ватанига қайтади? — асаблари толиқкан Робинсон ўрнидан турди ва дераза ёнига келди.
- Эрталаб Эронга учади. У ерда бир кун туриб, кейин юргита қайтади.
- Башир-чи?
- У Арабистонга жўнайди.
- Қандай иш билан?
- Хаттоб Чеченистонга жангарилар жўнатишини талаб қилмоқда. Юз нафар одам олиб келмоқчи!

— Яхши! Унинг ҳаракатлари рағбатга лойиқ! Лекин у билан ҳам яқин кунлар ичида алоқани узамиз Ишончни оқламади!

— Абдуллоҳ-чи?

— Ўқиган хукмимни эшитмадингизми? Ҳозироқ одамларингиз уни ресторандан «шарқона усул»да меҳмон қилишсин!

Петрсон бошлигининг мақсадини тушунди ва хонадан чиқиб кетди.

ИСТАНБУЛ

Мени меҳмонхонага ташлаб қўйиши. Хонага кирганимда димофимга сигарета ҳиди урилди. Яқинда кимдир хонада бўлганини сездим. Деразаларни очдим. Денгиздан эсаётган салқин эпкин ичкарига урилди. Бир ҳафта бурун мен билан учрашувга чиқкан ходимга йиғилиш ўтказиладиган жойнинг манзилини эслатгандим. Учрашишга кимдир чиқса керак, деб ўйлагандим, афсуски, мени излаб бирорта одам келмади. Диванга ўтириб, йиғилишда кўрилган масалалар ҳақида ўйладим. Ҳар икки лагердаги жангарилар Помир тоғига қўчириладиган бўлса, биринчидан, улар катта кучга айланади. Иккинчидан, Кирғизистон ҳукумати йўлак очишга рухсат берса, бу Ўзбекистон учун ўта хавфли. Наркотик моддаларга айирбош қилинган қурол-аслаҳалар айнан шу йўлакдан мамлакат ичкарисига кириб келади. Башир ва Абдуллоҳ шуни ҳисобга олишган. Бунга йўл қўйиши мумкин эмасди. Амирий томонидан жангариларни қўллаш учун ажратилган маблағ, Шарифнинг бошига тикилган доллар, Вадим Вольфовичнинг қурол-аслаҳа жўнатиши – буларнинг барчаси

ўта жиддий масала эди. «Гул» операциясини амалга оширмоқчи бўлган камикадзеларни шу ернинг ўзида йўқотиш керак, деб ўйладим. Уларни чегарадан ўтиши кутилмаган фалокатларни келтириб чиқаради. Лекин қандай қилиб, уларни шу ернинг ўзида ушлаб қолиш мумкин? Бир ўзим бу ишларнинг уdda-сидан чиқолмайман. Ҳар икки лагердан ишончли ёрдамчилар топишим керак! Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари Қоратегиндаги жангариларнинг ҳарака-тидан огоҳмикин? Ҳаёлимга бир-биридан даҳшатли саволлар ёпирилиб келарди. Эшик тақиллаётганини анчадан кейин билдим. Остонага келганимда Эргаш-нинг гапи ёдимга тушди. Энди орқага қайтишнинг иложи йўқ эди. Оёғимнинг товушини ташқарида-ги одам эшитганига амин ёдим. Калитни бурадим. Остонада хизматкор туради.

— Бей афандим, акшам еиегини гетирдим!

— Ташаккур, яқинда овқатландим, кераги йўқ!

Хизматкор сўзимни эшитмагандек аравачасини судраб ичкарига кирди. Егуликларни стол устига қўяётганда, бармоғидаги узукда кўзим тўхтади. Мен билан алоқага чиқадиган ходимнинг чап бармоғида-ги узукнинг кўзида араб имлосида Али сўзи ёзилган бўлиши керак эди.

— Аркадашингиз гелдими, эфендим? — сўради хиз-маткор турк тилида.

— У киши Меҳмад Чегечининг уйида қолди! — унга аниқ жавоб беришга уриндим.

— Гелмейежекми? — хизматкор бирдан менга қара-ди. Кўзларимиз учрашди. Нигоҳларимиздан бир-би-римизни тушунгандик.

— Шундай!

Хонада бегона одам бўлмаса-да, очик гаплашиш мумкин эмасди. Кўз илгамас жойларга овозёзгичлар ўрнатилган бўлиши эҳтимоли йўқ эмасди. Аввалдан маълум бўлган сўз ўйинларини ишлатдик.

- Емеги биракаймми?
- Рус ароғи йўқ экан!
- Турк ичкilerини бетенмиёрмусунуз?
- Грузинларнинг чачасидан икки юз грамм ичгим бор!
- Бираз экши олурму?
- Бўлаверади...
- Ийи гежелер, эфендим.
- Овора бўлманг, афандим. Ўзим телефон қила-ман!
- Тунингиз хайрли ўтсин, эфендим!
- Сизга ҳам яхши тун тилайман!

Хизматкор аравачасини судраб, хонадан чиқиб кетди. Ўтамиздаги сирли савол-жавоблар орқали мен йиғилишда кимлар қатнашганини маълум қилгандим. Хизматкор эса кўрилган масалалар юзасидан Саманганга боргач, ахборот жўнатишими тайинлади.

Оқшомни Туркон **хонимнинг** қучоғида ўтказган Эргаш **арталаб** меҳмонхонага шошилиб кириб келди. Руҳи тушиб кетганди.

- Мени ким сўради? – деди ичкарига кирибօқ.
- Бирорта танишингиз келиши керакмиди?
- Эшикни нега очдинг?
- Хизматкор овқат олиб кирганди.
- Унга ҳам очмаслигинг керак эди, – сўзимни бўлди Эргаш. – Ташқарида машина кутиб турибди. Тезда юкларни олиб, пастга туш!

Тўдабоши нимадандир қаттиқ безовта эди...

* * *

Йиғилиш поёнига етгандан сўнг Мехмед Чегечи Амирий жаноблари билан Абдуллоҳни хонада қолишиларини илтимос қилди. Одатда бу учлик йиғилишлардан сўнг кўпинча бирга қолишар, бажарилиши лозим бўлган муҳим ишларни маслаҳатлашиб олишарди. Башир сухбатда иштирок этолмаслигини маълум қилди. Унинг шошиб тургани шерикларига аён эди. Кирғизистонга ўз одамини юбориб, у ердан Ўзбекистонга кириб чиқадиган йўлак очишга ҳукумат раҳбарларининг руҳсатини олиши ва бир ҳафта ичидаги кенгаш раҳбарига бу ҳақда маълум қилиши шарт эди.

Чегечининг назарида йифинда кўтарилилган масалалар етарли ҳал бўлмаган, аниқроғи, айтилган гаплардан унинг кўнгли тўлмаганди. Катта пулларни ваъда қилган Амирийнинг юрагини бошқа нарса кемираради. Шу кунгача миллионлаб пулларни гурух фаолиятини жонлантиришга сарф қилди-ю, бироқ натижага чиқмади. Айниқса, Эргашнинг тўдасидан кўплаб қочоқлар чиқаётганидан қаттиқ ташвишга тушганди. Тўдабошининг лақмалигини билар, балки унга ишонавермаслигининг боиси шу бўлса, ажаб эмасди. Бугунги йифинга Қоратегиндаги жангариларни кўчириш, тўдабошининг ўрнига Мирзони бошлиқ этиб тайинлаш мақсадида келганди. Қирғизистон ҳукумати йўлак очишга ижозат бергунча бу масалани кейинга қолдиришга мажбур бўлди. Тўданинг энг ишончли одамларининг қочаётгани, айниқса,Faфурнинг қочиши, Шарифнинг юртга қайтиб, ҳалқ ўртасида обрў-эътибор топиши, Исмоилнинг тўйига жўнатилган «гулдаста»нинг портламаганли-

ги, катта маблағлар эвасига тайёргарликдан ўтган одамларнинг қўлидан иш келмаётганданлиги, беш юз минг доллар эвасига Гули хоним «сабоини» олган аёллар топшириқни адо этмай қўлга тушганлиги кенгашнинг инқирозга юз тутаётганидан далолат эди. Қолаверса, Эргаш энг ишончли, деб эътироф этган одамларининг форда қўлга тушишига ҳам Амирый тоқат қиломасди. Энди нима қилиш керак? Бу ишлардан воз кечиш лозимми? Маблағларни ҳавога совуришдан фойда борми? Мана шу савол Амирыйнинг юрагидаги оромни қувиб соглан ва қасос ўти билан аланглантирганди. Юрагига оралаган шайтон *унн ҳар турли* йўлларга соларди. Шундай бўлса-да, қўлини кўтариб ўйиндан чиқиб кетишини хоҳламасди. Кўз тикиб турганларга нима дейди? Амирый таслим бўлди, қўлидан ҳеч иш келмади, деб айюҳаннос соладиганлар олдида шарманда бўлмайдими?

«Йўқ, мен таслим бўлмайман, томирларимда қон оқиб, юрагим тениб турар экан, устимдаги қонли кўйлакни ечмайман. Ортга чекиниш йўқ. Менга қарши турганларни, йўлимга ғов бўлганларнинг устига дунё ташвишини соламан. Белимда курол, чўнтағимда пулим бор экан, мақсадим йўлидан қайтмайман!»

Мана шу фикрлар шерикларини тўхтатиб қолишига ун DAGАНДИ. У Абдуллоҳнинг билагидан олиб, кенг залга бошлаб кирар экан, сўради:

– Эргашнинг ишларидан кўнглим тўлмаяпти. Катта маблағ сарфлаб юзлаб одамларини тайёргарликдан ўтказдик. Натижа эса кўринмаяпти. Одамлари қочиб кетмоқда. Форга яширган қуролларини ҳалигача олиб ўтмади ёки яширилган жойни мулланинг одамларига маълум қилмади. Назаримда у нимани-

дир биздан яширмоқда. Камикадзеларни бизга маълум бўлмаган сабаблар билан ҳамон ушлаб турибди!

– Андак сабр қилинг, азизим. Башир жаноблари Қирғизистон масаласини бир томонга сурган куни Эргашни ўйиндан чиқарамиз. У бизнинг ишончимизни оқламаяпти!

– Каминанинг фикри ҳам шундай. Мақсадимиз бир жойдан чиққанини қаранг!

– Аллоҳ бизларни бир мақсад йўлида бирлаштирган, тақсир!

Иккалалари кулишди.

– Бўронни кенгашга бу қадар тез аъзо қилишингизнинг сабабини тушунмадим? Назаримда у тўдада кўзга кўринадиган, ҳаммамизнинг эътиборимизни тортадиган бирор иш қилмади! Эшитишмча, оддий аравакаш экан. Мақсад не эди?

– Мақсад – Саманган ва Қоратегин водийсида бўлаётган ишлардан огоҳ бўлиш. Эргаш ҳам, Мирзо ҳам бизга бегона! Сиздек ҳиммати баланд инсонлар қанчадан-қанча маблағларни эзгу мақсадимиз йўлига тикмоқдасизлар. Бироқ бу пуллар тўғри сарфланяптими? Ёки хиёнат қилишмоқдами? Шуни аниқлаш, қолаверса, лагерга кимлар нима мақсадларда келиб-кетаётганини билиш. Эргашнинг қочиб кетиш хавфи ҳам йўқ эмас. Ҳазратимнинг ундан ҳафсаласи пир бўлди. «Куёнюрак бу одамнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди», – деб айтдилар. Бизнинг одамимиз уни назоратда ушлаб туриши даркор.

– Демак, у бизнинг ишончли «қулоғимиз» экан-да?!

– Шундай!

Иккалалари кулишди.

– Лекин «қулоқ»ларга ҳам у қадар ишониб бўлавермайди!

— Хотиржам бўлинг, бунинг чорасини ўйлаб қўй ганмиз. Яқин кунларда сиримизни фош қиласдиган одамларнинг бошига қандай қулфатлар тушишини ўз кўзлари билан кўришади!

— Ўта ҳушёр одамсиз, мулла Абдуллоҳ!

— Сиздан дуо бўлса бас, тақсир!

— Менинг назаримда ҳар икки лагердаги йигитларни тезроқ бирлаштирсак, қандай бўларкин? — сўради Амирий.

— Адолатли таклиф, назаримда мулла Умар жаноблари ҳам шуни назарда туваётган бўлсалар, ажаб эмас!

— Буни пайсалга солишнинг кимга кераги бор?

Абдуллоҳ саволга жавоб қайтаришга улгурмади. Хонага Чегечи кириб келди ва шерикларининг олдига ўтириди. Унинг ортидан хизматкор лаганда қаҳва олиб кирди.

Амирий боядан бери юрагини кемираётган гапни айтди:

— Анави ювуқсиз юзимизга оёқ қўйди! — деди Туркон хоним кириб кетган хонага ишора қилиб. — Хонани ҳам нас бостириди!

— Нимасини айтасиз, — қўл силтади Чегечи. — Эрсирамай ўлсин, қанжиқ! Эргаш билан бир-бирларига айтадиган яширин сўзлари борга ўхшайди.

— Касофатинг ўзингга ургур, Эргашнинг қучогига кириб, бизнинг айрим сирларимизни «гуллаб» қўймаса, деб ҳавотирдаман. Эсингиздами, бир йил муқаддам Тавилдарага жўнатганимизда овозёзгични унинг тўшагида унутиб қолдирганди.

— Ўша матоҳга ёзилган гап-сўзларни Эргаш эшитган бўлса, нима хаёлга бордийкин?

— Шариат ургурга ишончим қолмади, — гапга қўшилди Амирий. — Уни кенгашдан чиқариш лозим.

— Кенгашдан чиқариш осон, аммо бу унга алам килиб, бизнинг сирларимизни дунёга ёймаса гўрга эди, деб қўрқаман!

— Гапингизда жон бор, аёл зотига ишониб бўлмайди. Назаримда унинг кенгашга кераги ҳам бўлмай колди.

— Тайёрлаган одамлари ҳаммамизни шарманда қилган куниёқ баҳридан ўтишимиз керак эди.

— Ҳали ҳам кеч эмас!

— Ўринли таклиф! Қасамёдига хиёнат қилган одамни ушлаб туриш, барчамизнинг бошимизга бало тошларини ёғдириши мумкин.

— Ундан ҳамма ишни кутса бўлади.

— Бошида қилич ўйнаб турибди.

— Баракалла!

Чегечи паст овозда сўради:

— Кенгаш қандай қарор қабул қиласди, таксирим?

Амирий унинг мақсадини тушунди.

— Фотиха берсангиз, эрталаб унга ўзим ажойиб «совға» жўнатаман.

Қандай «совға» жўнатилишини ўтирганлар тушунишди ва маъкул, дегандай бош иргаб қўйишиди.

— Энди асосий масалага ўтадиган бўлсак, — гап бошлади Чегечи, — биз катта ўйинга кирдик. Бу ўйинда фақат фалабани кўзлашимиз лозим. Ҳар бир қадамимиз учун миллионлаб пуллар совурилмоқда. Афсуски, ўтган бир йил давомида Эргашнинг ишларида силжиш йўқ. Назаримда биз томонимиздан ишлаб чиқилган тизимлар душманларимизга аён бўлиб қолмоқда. Эргашнинг одамлари орасида айғоқчилар борга ўхшайди. Бўроннинг зиммасига кенгаш номидан хуфияларни аниқлаш вазифасини топширмоғимиз лозим. Лагерда тозалов ўтказмас эканмиз,

сирларимиз фош бўлаверади, одамлар қочаверади, юртдагилар эса қўлга тушаверади.

— Мен бир ҳафта ичида бу топширикни Бўронга етказаман!

Ҳаммалари ўринларидан туришди. Бир-бирларини бағриларига босишиб, хайрлашдилар.

Туркон хоним билан Эргаш тонгни уйқусиз қаршилашди. Бир-бирларининг дийдорларига тўйишмагани кўзларидан билиниб туради. Айрилик оғир бўлса-да, Эргаш кетишга мажбур эди. Лагердаги одамларидан ташвишланаётганди. Хоним эса у қадар шошилмади. Тўдабошини кузатиб, ойна олдига келиб ўтирди ва пардоз-андоз қилди. У Покистонга униши лозим эди. Самолётнинг ҳавога кўтарилишига бир ярим соат қолганди. Чегечи унинг сўлиган гулдай буришган юзига нафратли нигоҳ ташлаб қўйди. Шунчаки тил учида хайрлашди.

— Аллоҳ насиб қилса, *бир* ҳафтадан сўнг қайтиб келаман, — деди хоним.

— Керак *бўлганингизда* ўзимиз чақиртирамиз, — деди Чегечи ўзини зўрга қўлга олиб.

Хоним, «Тунни Эргашбой билан ўтказганим учун аччири келаяпти», деб ўйлади.

— Мендан безганга ўхшайсиз?

— Бундай ўйга борманг, хоним! Сиз билан охиратгача биргамиз!

— У дунёга шошаётганим йўқ.

Туркон хоним кўчага чиқди, такси ёллаб, аэропортга жўнади. Машинадан тушиши биланоқ нотаниш одам бир кучоқ гулдаста кўтариб келди.

— Эргашбой жаноблари шахсан сизга бериб юбордилар, — деди.

Гулдаста ажойиб ва қимматбаҳо эди. Бундай совғалар фақат юқори мартабали хонимларнинг туғилган кунларидағина ҳадя қилинарди.

— Мунча чиройли? — хоним гулдастани бағрига босди.

Самолётга йўловчиларнинг чиқиши давом этарди. Хоним совғани кўксига босганча чипталарни қайд этиш бўлимига шошилди. Самолётга чиққанда ҳам унинг икки кўзи гулдастада бўлди. Устидаги юпқа қофозни очиб, япроқларига лабини босди. Ҳушбўй хид димоғига урилди. Кўзларини юмиб, тўйиб-тўйиб ҳидлади. Вужуди яйради. Самолёт фидира-клари заминдан узилганда Туркон хоним вужудида қандайдир ўзгариш содир бўлаётганини пайқади. Ўқчигиси келди, лекин ўқчиёлмади. Кимdir бўғаётгандай ҳаво етишмади. Оғзини очиб, қўллари билан кўкракларини мижғилади. Ранглари кўкариб, кўз олди хиралашди. Чегечининг «Сиз билан охиратга-ча биргамиз», — дегани ва бунга жавобан, «У дунёга шошилаётганим йўқ», — деб айтган гапларини эслади. Наҳотки Амирий...

Стюардесса қиз келди.

— Хоним, сизга нима бўлди?

— Ҳеч нарса, ҳозир ўтиб кетади.

Стюардесса сув олиб келгани кетди. Қайтиб келганида хонимнинг боши кўкрагига осилиб тушган, лабининг бир четидан кўкимтири суюқлик оқиб кўйлагига томар, қучоғидаги гулдаста оёқлари остида ётарди.

Мехмед Чегечининг идорасидан чиққан Абдуллоҳ машинага ўтириб, меҳмонхонага жўнади. Унинг фикри хаёли йиғилишда кўрилган масалаларда эди. Шу сабабли, ортидан кузатиб келаётган машинага аҳамият бермади. Бунинг устига, қорни оч эди. Чегечининг дастурхонида овқатланишни истамади. Йўл ёқасидаги ошхоналардан бирига кўзи тушгач:

— Ресторанда тўхта! — буюрди ҳайдовчига. — Назаримда шу ерда яхшироқ овқат пиширишади.

Ҳайдовчи машинани тўхтатди. Абдуллоҳ ичкарига кирди. Кўп ўриндиқлар бўш эди. У бурчакдаги курсига ўтирди. Хизматкор келди.

- Оқшомингиз хайрли бўлсин, афандим!
- Сенга ҳам!
- Қандай таом буюрадилар?
- Қовурдоқ берсанг!
- Вискими, виноми?
- Юз грамм виски!
- Бош устига!

Хизматкор буюртмани олиб кетди. Абдуллоҳнинг хаёли яна йиғилишда кўрилган масалаларга кетди. Амирий гуруҳ фаолиятини жонлантириш мақсадида катта маблағ ажратгани унинг учун айни муддао эди. Чегечининг таклифига асосан русларга «дори» жўнатиладиган бўлса, албатта, омад эшиклари унинг учун очилади. Баҳт ўз қучогига чорлаб турганда фойдаланиб қолиш даркор. «Тора-Бора форида маҳсус ишлов берилган ўткир «дори»лар жўнатиладиган бўлса-да, албатта, бу иш мен орқали амалга оширилади, ҳеч ким мени четлаб ўтолмайди», деб ўйларди Абдуллоҳ. Амирийнинг ҳам, Чегечининг ҳам қилаётган

ишларининг туби кўринмаяпти. Эргашнинг қўлидан чанг тўзитишдан ўзга иш келмаслиги кўпчиликка маълум-у аён бўлган. Улар худди сичқон-мушук ўй-наётган болаларга ўхшайди. Шундай бўлгач, «дори» савдосидан фойдаланиб, маблағ орттириб олиши зарур. Ўтмай ётган «мол»ини ҳам Эргашнинг ёрдами орқали русларга сотиш даркор.

Абдуллоҳ ўттиз йил жосуслик идорасига сидқидилдан хизмат қилди. Ташкилот ўз айғоқчисининг меҳнатларини Швецария банкига икки миллион доллар қўйиш, Австралиядаги ҳашаматли дала ҳовли билан такдирлаган бўлса-да, кейин сариқ чақа ҳам ажратмай қўйди. Жосуслик хизмати Афғонистон, Покистон ва Ўрта Осиёнинг бир қатор мамлакатларида режалаштирган ишларини айнан Абдуллоҳнинг қўли билан амалга оширди. Марказий Осиёдаги давлатларнинг еости ва устки бойлик захираларининг ҳисобини, давлат ва одамлар қўлидаги бойликларни, давлат бойми ёки ҳалқми, деган саволларга етарли жавобларни олган ва ўзининг кейинги режаларини ишлаб чиқишига киришган. Албатта, тузилган режани амалга ошириш учун Абдуллоҳга ўхшаш айғоқчилар уларга сув ва ҳаводек зарур эди. Шу сабабли ҳам уни эътибордан четда қолдирмай, ҳамиша кўз-кулоқ бўлиб туришарди.

Мамлакат «Толибон»лар қўлига ўтгач, жосуслик идораси ўзи ишлаб чиқсан режаларни бемалол амалга оширишига имкон туғилди. Дунёнинг бир қатор мамлакатларидан ашаддий каллакесарлар, давлат жиноятчилари, босқинчилар Афғонистонга оқиб кела бошлади. Ва янги давлат барпо этиш мақсадида уруш бошлаган ««Толибонлар»» сафига қўшилишиди. Афғонистон жангарилар тайёрлайдиган поли-

гонга айланиб қолди. Жосуслик идоралари ўз режава дастурларини амалга оширишда айнан мана шу жангарилардан фойдаланиб қолишни мақсад қилди. Ўзларининг тажрибали ходимларини, йўриқчилари ни ташлади. ««Толибонлар»»ни курол-аслаҳа, маблағ, озиқ-овқат, уст-бош билан таъминлади. Абдуллоҳ яна уларнинг эътиборига тушди. Узилиб қолган алоқани қайтадан тиклаш лозим эди. Петрсон уни топди. Иккиси узоқ сухбатлашишди. Бу сухбат шу қадар ширин сўзлардан иборат бўлдики, Абдуллоҳнинг юрагидаги гина-кудуратлар пардаси ўз-ўзидан кўтарилиди. Ҳатто, алоқанинг узилишига жосуслик идораси эмас, балки ўзи айбдордек туюлди. Узоқ ва мароқли сухбатдан кейин Петрсон эски айғоқчига арзимас топшириқ берди.

— Мулла Умар билан Эргаш назоратингиздан четда қолмасин!

Абдуллоҳ унинг нима демоқчилигини тушунди ва маъноли бош иргаб:

— Хотиржам бўлинг, жаноб, улар ҳамиша менинг назоратимдадирлар! — деб жавоб қайтарди.

Топшириқ улар кутганидек аъло даражада бажарилди. Ўз мақсадларини унинг тили билан ҳар икки тўдабошига етказди. Барча ишлар ва мақсадлар силлиқина амалга оширилганидан кейин жосуслик идоралари Абдуллоҳни яна унтишди. Тўланётган маблағни бермай қўйишиди. Бу эса ўз навбатида Абдуллоҳнинг ранжишига сабаб бўлди. Навбатдаги учрашувлардан бирида у ўзининг норозилигини аччик сўзлар ила ошкора баён қилди. Ўртадаги гап-сўзлар қандай қилиб ва ким орқали инглизларнинг қулогига етиб борганини жосус шу пайтгача ақлига сифедормайди. Инглизлар худди немислар каби ҳар со-

нияларнинг қадрини ҳисоблаб, аниқ ва кескин ҳаракат қилишни ёқтиришарди. Агентни ўз томонларига оғдириш илинжида у билан яширин алоқа ўрнатишни режалаштиради. Бунинг учун вақт керак эди. Бироқ режадаги ишлар вақт билан ҳисёблашмасди. Тезроқ ҳал этилиши лозим эди. Нихоят, бунга ходимлар тоқат қилишолмади. Уни учрашувга таклиф қилишди. Шинам ресторонларнинг бирида, нимқоронфилатилган хонада учрашдилар.

— Сизнинг бизга қилган меҳнатингизни юксак қадрлаймиз ва бунинг учун пулни аяб ўтирамаймиз, — деди у билан алоқага чиққан инглиз жосуслик хизмати ходими.

— Қандай топшириқни бажаришим керак? — жосуснинг мақсадини тушунган Абдуллоҳ пачакилашиб ўтиришни жини сўймасди. Ахир, пул унга хаводек зарур эди.

— Кўлингиздаги стратегик маълумотлардан, маҳсус тайёргарликдан ўтаётган жангариларнинг исм-шарифларини, уларнинг қайси давлатларга ва нима мақсадда жўнатилишини, қандай ишларни амалга оширишлари тўғрисидаги ахборотлардан бизни хабардор қилиб турсангиз, бас!

— У ҳолда мен ўзим ишлаб турган ташкилотдан юз ўгиришим ва алоқани узишим керак, шундайми?

— Бунга зарурат йўқ. Улар сизни биз билан ишлаттанингизни мутлақо билишмайди. Топшириклари ни бажараверинг. Фақат биз хабардор бўлсақ, бас!

— Адашмасам, икки ташкилотга бирдай хизмат қиласман!

— Бир-биримизни тўғри тушундик!

— Кенгашни хабардор қилишга мажбурман. Ахир, қасам ичганман. Сезиб қолишса, мени ўлимга маҳкум қилишади.

- Ўлимдан қўрқманг. Шу соатдан бошлаб сизни ҳимоямизга оламиз.
- Ишонсам бўладими?
- Шубҳага ўрин йўқ!
- Яна қандай топшириқ берасиз?
- Кенгаш аъзоларига жосуслик бошқармасидан воз кечиш таклифини киритсангиз, ёмон бўлмасди.
- Гапларингиз ҳазил эмасми, жаноб?
- Бизнинг ишимизда адашиш бўлмаганидек, ҳазиллашибга ҳам ўрин йўқ!
- Бунинг учун мен дорга осилишимни ўйлаб кўрсангиз ёмон бўлмасди.
- Буни шунчаки маслаҳат тариқасида ўртага ташланг. Қизишманг. Ўзингизни биз томонимизда эканлигингишга шубҳа уйғотманг. Керак пайтда бизни бемалол ҳақорат қилишингиз ҳам мумкин! Аввалио, атрофингиздаги шерикларингизнинг фикрларини **ўрганинг**. **Ким** қарши, ким биз билан ишлашга тайёр, ким жосуслик бошқармасининг тарафдори, шулардан хабардор бўлиб турсак, ёмон бўлмасди. Ёдингизда бўлсин, бизни ўз ҳамкасларимизга мутлақо қаршилигимиз йўқ.
- **Унда нима** учун мени улардан воз кечишга мажбур қилмоқдасиз?
- Нотўғри тушунманг, азизим, мен қарши қўйиб, сизнинг қўлингиз билан улардан ўч олмоқчи эмасман, фақат уларни нима қизиқтираётганини билиб турсак, ёмон бўлмайди.
- Шундай денг, – мийифида кулиб қўйди Абдуллоҳ.
- Яна бир кичик илтимосимиз, сиз мулла Умар жанобларига ҳам ўзингизни жосуслик хизматидан норози эканлигингишни шунчаки гап орасида сезди-

ринг. Секин-асталик ҳамда эҳтиёткорлик билан уни бу ташкилотдан суфуриб олишимизга йўлак очинг. Агар бу топшириқни бажарсангиз, сизнинг камтарона хизматингизни банқдаги ҳисоб рақамингизга ўн миллион доллар кўйилиши билан тақдирлаймиз, жаноб!

Ўн миллион Абдуллоҳнинг томирида ивиб бораётган қонни бирдан гупуртириб юборди. Бу унга фойибдан берилган иноятдек, фойибдан берилган бойлиқдек туюлди. Таклифни рад этишга ҳеч қандай асос йўқ. Бажонидил қабул қилиш даркор, деб ўйлади. Келадиган даромад уни хавф-хатарларни ўйлаш фикридан худди дengiz тўлқинлари қайиқчани учириб юборгандек олисларга олиб кетди.

Ушбу учрашувнинг бўлиб ўтганига ҳам бир ойдан ўтган бўлса-да, жосуслик агентлиги ходими ундан кўпгина маълумотларни олишга мусассар бўлди.

Бу сухбат шу қадар маҳфий ўтган эди, Абдуллоҳнинг шубҳаланишига асос йўқ эди. Ўзини ўта эҳтиёткор ва ҳушёр одам, деб билган Абдуллоҳ изига жосуслик бошқармасининг ходими тушганидан ва босган ҳар бир қадамини қузатиб бораётганидан афсуслар бўлсинки, бехабар эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Робинсон Абдуллоҳга ўзининг ҳукмини ўқиганди. Уни ижро этиш мақсадида Туркиядаги резидент Абдуллоҳни таъқиб остига олганди. Улар бирин-кетин ошхонага киришди. Бироқ резидент столга ўтирмади. Абдуллоҳнинг ёнига борган хизматкорнинг қайтишини қоронғи йўлакда кутиб турди.

— Хизмат, афандим? — чиройли табассум ила сўради аёл. У қотмадан келган, узун бўйли жосусни яхши танирди.

Резидент ён чўнтағидан бир боғлам доллар олиб, киши билмас ҳаракатлар билан аёлнинг чўнтағига

жойлади. Хизматкор резидентнинг эмас, балки ҳам нига солинган пулнинг хизматини бажариш лозим лигини тушунди. Кўлини кўксига босиб, чиройли табассум инъом қилиб, ўз миннатдорчилигини изход қилган бўлди. Бу, «хотиражам бўлинг, хизматингни бажарилади», деган маънони англатарди. Резидент ҳам ширин табассумга жавобан жилмайди ва иккинчи чўнтағидан кичкинагина шишачани олиб, аёлнинг қўлига топширди.

— Бурчакда ўтирган жанобни менинг ҳисобимдан шарқона меҳмон қилсангиз, бошим осмонга етган бўларди, — деди пичирлаб.

— Сизнинг азиз меҳмонингиз бу ердан хафа бўлиб чиқиб кетмайди.

Резидент аёлнинг ёғ иси анқиб турган чиройли қўлчасини лабига босиб хайрлашди. Хизматкор идишчадаги пуштиранг куқунни овқат устига сепди. У шу заҳотиёқ эриб, таомга сингиб кетди.

Хаёли ўзидан олисларга кетган Абдуллоҳ тепасида хизматкор пайдо бўлганини сезмади. У овқатни мижознинг олдига қўйди.

— Ёқимли иштаҳа, ош бўлсин, бейим!

Овқатни қўриб, Абдуллоҳнинг иштаҳаси карнай бўлди. Кўлини қошиққа узатганда телефони жиринглади. Ўчириб қўймаганидан афсусланди. Лекин кўтармади. Олдига қўйилган таом унинг кўзига жуда чиройли кўринди, таралаётган ис иштаҳасини қитиқларди. Бир қошиқ таомни оғзига солиб, эринмай чайнади. Иккинчи қошиқни олганда кўзи телефондаги рақамларга тушди. Жосуслик идораси агентлигининг ходими қўнфироқ қилаётганини билди ва оғзидаги овқатни чайнамай ютиб, телефонни олди.

— Эшитаман, — деди

— Жаноб, олдингизга қўйилган овқат заҳарланган!

Абдуллоҳнинг юраги товонига тушиб кетди. Ти-
пирчилааб, ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Тез-
гина ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.

— Мехмонхонагами? — сўради ҳайдовчи.

Абдуллоҳ гапиролмади. Ичи чўғдек қизиб борар-
ди. Бўйидан кимдир бўғаётгандай нафас ололмай
қийналарди. Қусгиси келарди, бироқ ўқчигани би-
лан ичидан ҳеч нарса тушмасди.

— Сизга нима бўлди, бейим? — сўради ҳайдовчи.

Кўзлари ола-кула бўлиб кетган Абдуллоҳ жавоб
бермади. Агентлик ходими жосусни изма-из кузатиб
борарди. Йўл-йўлакай Абдуллоҳга қўнғироқ қилди,
бироқ гўшакни кўтартмаганидан аччиқланди. Ниҳо-
ят жавоб берганда, фақат икки оғиз сўзни айтишга
улгурди:

— Зудлик билан касалхонага боринг!

Бу орада жосус кичкинагина кўчага бурилганди.
Йўл коронги эди. Агентлик ходими жосусга етиб
олди. У ортидан келаётган одамни кўриб, изига ту-
шишганини сезди. Ёнида ўзини ҳимоя қиладиган
куроли ҳам, пичоги ҳам йўқлигидан афсусланди.
Рақибининг хужумидан ҳимояланиш мақсадида
кўлларини чўнтағидан чиқарди. Аммо таъқиб қилиб
келаётган кимса унга яқинлашмади. Атрофга қара-
ди, йўлакда одам кўринмади. Шундан сўнг учига
овозиотгич ўрнатилган тўппончадаги ўқдондан икки
дона патронни бўшатиб, ўзини зулмат қаърига урди.

Башир Арабистонга учмади. Мехмонхонага келди-ю, кенгаш раҳбарларига берган ваъдасининг уддасидан чиқиши мақсадида ёрдамчиси Яхёни чақиртириди.

— Ҳозироқ Москва орқали Қирғизистонга учасан. У ерда одамларимиз сени чипта билан таъминлашади. Бишкекда сени Эржигит кутяпти.

— Қандай топшириқ билан? — сўради Яхё.

Башир мақсадини тушунтириди.

— Учрашув натижасини зудлик билан менга мавълум қил!

Яхёни Шереметово аэропортида Баширнинг одами кутиб олди. Қўлига чипта тутқазди.

— Ярим соатдан кейин самолёт учади. Манас аэропортида ўзимизниклар сени кутишяпти. Қўлида димломат, кўзида қора кўзойнак бор. Олдингга келиб, тожик тилида саломлашади. Сен қирғиз тилида жавоб қайтарасан. Тушунарлими? — деди нотаниш кимса.

— Ўша йигитнинг исми Эржигитми? — сўради Яхё.

— Йўқ, у сени Эржигитнинг олдига бошлаб боради.

Самолёт Қирғизистонга келганда тонг ёришганди. Яхёning бу юртга дастлабки келиши эмасди. Тўқсонинчи йилнинг бошларида Баширнинг топшириғига биноан Ўш ва Жалолободда сўнгра Бонкентда бўлган. Жойлар кўзига таниш... Яхё меҳмонхонага жойлашиб, Эржигитга сим қоқди. Ярим соат ўтиб, у келди.

— Ўзбекистонга ўтадиган хавфсиз йўлак очиши миз керак. Хукумат раҳбарларига гапи ўтадиган одам топ! Бу кенгашнинг топшириғи! — деди

— Одам топамиз, аммо ҳукумат раҳбари бунга рухсат бермайди. Ўзбек билан қирғизлар азалдан қуда-анды, қариндош. Йўлак очиб берса, икки халқ ўртасида низо чиқади.

— Бизга шу керак, — тап тортмай деди Яхё. — Ҳозир қариндош-уругчиликни ўйладиган вақт эмас.

— Қийин ишни бўйнингга олибсан, майли, айтган одамингни топаман. Бироқ гарантия беролмайман.

— Бу ёфини менга қўйиб бер. Бизникилар қирғизларга ва ҳукуматнинг дахлсизлигига заарар етказмайди. Ажратилган йўлақдан бир қарич четга чиқмаймиз. Аксинча, ҳукуматга ёрдам берамиз!

— Қандай ёрдам?

— Ҳозир мамлакатнинг иқтисодий аҳволи танг, одамлар ярим йилдан бери иш ҳақи олишолмаяпти. Нарх-наво осмонда. Коррупция авжига чиқкан. Аҳоли орасида ҳукуматга норозилик кучаймокда. Бу кетишида ҳукумат билан халқ ўртасида жанжал чиқиб, қон тўклиши, илиги қалтираб турган ҳукумат парчаланиб кетиши мумкин. Ҳукумат Хитой ва Руссиядан катта микдорда қарздор. Уни ёпишнинг иложи йўқ, муддат оз қолган. Эрта-индин улар ҳақини қисташади. Ҳукумат биз қўйган талабни бажарса, ички базорни озиқ-овқат маҳсулотларига тўлдириб ташлаймиз. Тўланмаган иш ҳақларини ёпамиз. Бу ишнинг тепасида турганларнинг ҳар бирига Швейцария банкида маҳсус ҳисоб рақами очилиб, ўн миллион доллардан маблағ қўйилади. Буларнинг барчасини чўтга соладиган бўлсанг, юз миллиардан зиёдроқ маблағ кетади. Арзимаган йўлак учун давлатингга шунча маблағни ҳайр-эҳсон қилишимизни ўйлаб кўр! Яна бир гап, яқинда бўлиб ўтадиган сай-

ловда бизни қўллаган раҳбарни давлат тепасига келишига кафолат берамиз!

Эржигит ўйланиб қолди. Ҳақиқатан ҳам вазият ташвишли эди. Ишчилар, талабалар, нафақаҳўрлар олти-етти ойдан бери маош олишмаётгани, турли шаҳар ва вилоятларда норозилик митинглари бўлаётгани ана шу вазиятнинг келиб чиқишига ва кескинлашишига сабаб бўлаётганди. Хитой ва Россия ҳукуматлари қарзларни тўлаш вақти келганлиги тўғрисида Ташки ишлар вазирлигига огоҳлантириш хатини жўнатганди. Ҳукумат мана шундай оғир вазиятни бошидан кечириб турган пайтда Яхёнинг таклифи раҳбарларга маъқул келиши мүмkin эди. Зеро, икки қадам йўлак учун бошлиқлар ҳеч нарса ютқазмайди. Қолаверса, Башир йўлакни умрбодга сўраётгани йўқ. Истаган пайтда уларни чиқариб ташлаши мумкин.

— Таклифингизни керакли одамларга етказаман, улар ўйлаб кўришади! — деди Эржигит.

— Канча вақт кутаман?

— Уч-тўрт кунда масала ойдин бўлади.

— Демак, биз яна шу хонада учрашамиз!

— Албатта!

— Унда мен ҳозироқ кенгаш аъзоларига бу тўғрида хабар жўнатишими мумкин!

Эржигит индамади. Яхё буни розилик аломати, деб қабул қилди.

Эржигит ўша куни давлат раҳбарининг ёрдамчиси Оқтойнинг ҳузурига кириб, Баширнинг талабини айтди. Оқтой ўзига тегиши лозим бўлган пулнинг қийматини эшитиб, ўрнидан туриб кетди.

— Икки метрли йўлак холосми, бошқа жой сўрашмайдими? Бизнинг одамларни қийнашмайдими?

Майли, тоғ оралиғидан бўлса, берамиз. Мен ҳозироқ раҳбарнинг хузурига кираман, розилигини оламан!

Оқтой типирчилақ қолди.

— Раҳбарнинг хузурига киришдан аввал ёрдамчи-си Худайбергановга учранг, — ўзича маслаҳат берди Эржигит. — Ҳеч бир масала унинг иширокисиз ҳал бўлмайди. Ота рози — худо рози, деганларидаи, Худайберганов кўнса, албатта, раҳбар ҳам рози бўлади!

Худди гуриллақ ёниб ўчган алангадай Оқтойнинг хафсаласи пир бўлди. Худайберганов давлатлараро масалага жиддий ёндашишини у яхши биларди.

— Уларнинг мақсади — Қирғизистонни иккинчи Афғонистонга — жангарилар тайёрлайдиган полигонга айлантириш. Бу билан икки ҳалқ ўртасидаги азалий дўстликни, биродарликни, қариндош-уругчиликнинг илдизига болта уриш! Ўзбек ҳалқи ҳамиша бизнинг яхши-ёмон кунларимизда ёнимизда турган. Бошимизга мусибат тушганда, еб турган нонини берган. Биз жангариларга ён бериб, уларнинг талабини қондирадиган бўлсак, дунё ҳамжамияти олдида шарманда бўламиз. Биз билан бирорта давлат ҳамкорлик қилмайди. Башир иқтисодий аҳволимиз танг бўлиб қолганидан фойдаланиш йўлини ўйлаб топибида! Хитой ва Россия давлатларидан олган қарзларимизни тўлашга қодирмиз! Имкониятларимиз етарли. Бориб айтинг, қирғиз ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч вақт террорчилар билан ҳамкорлик қилмайди. Ўзининг яқин қўшниси Ўзбекистонни ёлғизлатиб ҳам қўймайди. Ўзбекнинг оёғига тикан санчилса, қирғизнинг вужуди оғрийди. Кимки ўзбекларга қарши турса, у бизнинг ҳам душманимизdir! Жангариларнинг муқаддас тупроғимизни оёғости қилиб, босиб ўтишларига йўл қўймаймиз!

Эржигит ёрдамчининг сўзларини оқизмай-томизмай Яхёning қулогига етказди. Аччик, ҳақ сўзлар унга чаён чаққандек таъсир қилди. Бир неча минг чақирим олисда бўлган Башир ҳам кутилмаганда рад жавобини эшитиб, чўғни босиб олгандай типирчилаб қолди. Бу унинг учун мутлақо кутилмаган янгилик эди. Яхёга ўзининг галдаги топширигини берди:

— Зудлик билан ишончли одамларимизни атро-фингга тўпла! Миллатлар ўртасида қон тўкилишига олиб келадиган низоларни келтириб чикар! Хукумат раҳбарларини гаровга олинглар! Оқтойга айт, амалдаги ҳукумат ағдариб ташланган куни у мамлакатнинг биринчи раҳбари бўлади. Худайбергановнинг уйини ёқиб юборинглар!. Буйруқ бажарилмагунча сен ўша ерда қол! Бугундан эътиборан мен Бишкекка қарши уруш очдим. Уни олов ичида кўргим келяпти!

ҚОРАТЕГИН

Ортиқ совук тоғларнинг қор қоплаган баланд чўккиларидан ошиб ўтди. Бир неча бор йўлдан адашганди. Бироқ бораётган сўқмоқдан қачонлардир ўтган одамлар ўз изларини қор устига муҳрдек босиб қолдирганди. Шу сабабли, ортига қайтмади. Қийинчиликларга бардош бериб, олдинга интилди. Атрофда тошлардан ўзга нарса кўринмасди. Тўртинчи куни ҳолдан тойиб ётиб қолди. Коронги тушди. Шунда унинг кўзлари олисларда ёниб турган алангаларга тушди. Одамлар яшайдиган жойга яқин келиб қолибман, деб ўйлади. Бу умид унинг танасига қувват ато этди. Пастликка тушиб борди. Тонготар пайтида гулханлар нур сочиб турган жойга етиб келди. Одамларнинг юришидан, қулогига чалинаётган

узук-юлуқ сўзларидан ўзи кўзлаб келган манзилга келганини билди. Юрагига ёруғлик кирди. Бир оз юрди. Пастга тушганида тўрт томонидан қуролли одамлар уни ҳалқадек ўраб олишди. Гапиртиргани қўйишмади, кўл-оёғини боғлаб, чодирлар тикилган томонга судраб кетишди. Тошлар устига ётқизиб қўйишди.

— Мен олисдан келдим, бошлиқларингнинг олдига олиб киринглар! — деди Ортиқ соқчиларга. — Унга айтадиган муҳим гапим бор!

— Бошлиқ сени қабул қилмайди, ҳозир бу ерда эмас! У келгунча биз тайёрлаб қўйган жойда «ором» олиб ётасан!

Ортиқни зинданга ташлашди. У бир неча кундан бери оч-наҳор эди. Тинимсиз йўл босиб толиққанди. Зинданга тушган заҳоти ухлаб қолди. Уйғонганида ёнида бегона одамни кўрди. Бу — Жаҳонгир эди. У Ортиқнинг кўзларига тикилиб турди-да, беихтиёр оғиздан «филай», деган сўз чиқиб кетди.

«Мени қаердан таниди?» Ортиқнинг кўнглидан шундай ўй кечди. Рўпарасида турган йигитнинг ўтирихи нигоҳларига қарашга ботинолмади.

— Сени танимадим, кимсан? — сўради сабри чидамай.

Қасоскор адашмаганини сезди ва:

— Сенинг исминг Ортиқми? — деб сўради.

— Шундай, ўзинг кимсан?

Жаҳонгир ўзини зўрға босди. Бир ҳамла билан қашқир янглиғ Ортиқка ташланиб, ғажиб ташламоқчи бўлди. Бирок зиндандан чиқиб кетишни, қаршисида турган қонхўрнинг сир-синоатидан огоҳ бўлишни ўйлаб қолди.

— Нега сени зинданга ташлашди? — деди аламини ичига ютиб. — Ахир сен Эргашбойнинг яқин одамларидансан-ку!

— Сўрама, — деди Ортиқ қўл силтаб. — Мен йўлдан адашиб, Мирзонинг лагерига келиб қолибман. У келгунча шу ерда ётадиганга ўхшайман. Сен-чи? Сен нега бу ерда ётибсан?

— Мени ҳам Мирзо келгунча шу ерда сақлаб турадиган бўлишди.

Жаҳонгир уни гапга солди. Ортиқ бошидан ўтганларини сўзлади. Прокурорни ўлдиришга ким топшириқ берганини, унинг уйига қандай бостириб киришганини ҳамда қийнаб ўлдиришганини сўзлаб берди.

— Мен аёлининг қулоғига сим тикдим. Шундай қилсам, у бақиролмаслигини, қийналиб ўлишини билардим. Шеригим Гулнозанинг пешонасига симни санчди. Прокурорни Маъсуднинг ўзи тинчитди. Қисталоқ мард одам экан, хотини билан неварасини ўлдираётганимизда ҳам аҳдидан қайтмади. Қонун доирасида иш кўрганман, деб туриб олди.

— Шерикларинг кимлар эди, улар қаерда қолишди? — сўради Жаҳонгир ўзини зўрға қўлга олиб.

— Қамбар номардлик қилди, изимиздан одам қўйган экан. Қорасувдан кечиб ўтаётганимизда шерикларимни отиб ўлдириди. Мен сув остига шўнғиб, омон қолдим. Бир амаллаб қирғоқقا чиқдим. Шерикларимни отиб ўлдирган одамни кўриб қолдим. Тошлиарни пана қилиб унинг олдига бордим. Тўпдай келадиган тош билан бошига солиб, ўлдиридим. Кейин шу томонга келавердим.

Сен нима ишлар қилгансан? Гуруҳга қандай қилиб қўшилдинг, кимларнинг жонини олдинг? Шулар тўғрисида гапириб бер! — сўради Ортиқ.

— Мен қасоскорман! — ўрнидан туриб деди зўрға ўзини қўлга олган Жаҳонгир. Унинг важоҳати кўрқинчли эди.

— Қасоскорман?! Кимдан қасос олмоқчисан? — юрагига фулфула тушган Ортиқнинг оғзидан чиққан бу сўзлардан уни қўрқув босганини билиш мумкин эди.

— Сен ўлдирган одамлар менинг ота-онам ва фарзандим бўлади. Мен сенларни излаб, бу ерга келдим! Тополмайманми, деб қўрққандим, ўзинг чангалимга тушдинг!

— Ҳазиллашма, — зўрға тилга кирди «Филай». У ўтирган жойида оёқларини ҳаракатга келтириб, ортига тисарилди. Жаҳонгир унинг юзига қараб тепди. Оғиз-бурнидан кон келган Ортиқ башарасини чангаллаб, ерга ётиб олди. Жаҳонгир унинг бўйнидан ушлаб, ўрнидан турғазди.

— Менда айб йўқ, мени мажбуrlашганди, пул берамиз, деб алдашганди, — тилига келган сўзлар билан Жаҳонгирдан шафқат кутарди Ортиқ. — Ўлдирма!

— Сен менинг отамни, онами, фарзандимнинг оҳ-у зорларига қулоқ согланмидинг?! Уларнинг кўз ёшини қўрганингда, раҳминг келганмиди? Сенлар инсон эмас, маҳлуқсанлар! Маҳлуқдай ўлишинг керак! — Жаҳонгир «Филай»нинг ингичка бўйнидан тутди ва жон-жаҳди билан бўға бошлади. У қасоскорнинг темирдай панжаларини бўйнидан олиб ташлашга бир неча бор уринди, бироқ ожизлик қилди. Кўзлари косасидан иргиб чиқди. Юзи кўкарди. Нафаси ичига тушди. Бир-икки хиқиллади. Оғзидан оқ кўпик чиқди. Кейин кўзларини бақрайтирганча қотиб қолди.

САМАНГАН

Ўғлим соғайиб қолганди. Унга Ёдгор деб исм қўй-
гандим. Куннинг ярмигача у билан бирга бўлдим.
Вақт тифиз эди. Булоқ бошида мени Зокир кутарди.

— Кенгашга аъзо бўлганинг билан табриклайман.
Улар сени сафлариға қабул қилмайди, деб хавотир-
лангандик. Бу ҳам бўлса бизнинг ютуғимиз. Энди
йигин ва мажлислар сенинг иштирокингиз ўтмайди.
Кизишка, сустлашиб ҳам кетма. Берилган топ-
ширикларни **вақтида бажар**. Таклиф ва мулоҳазала-
ринги дадил айтавер. Жангариларнинг бирикиши-
га, Помир тоғларига кўчиб ўтишига йўл қўйма.

— Баширнинг одами Бишкекка ўтиб кетди.

— Қирғизистондан қандай хабар жўнатишини
зудлик билан бизга маълум қил! Туркон хонимнинг
шахсиға оид маълумотларни жамла. Қоратегин во-
дийсидаги жангариларнинг исм-шарифи, яшаш
жойи, **нима** мақсадда ўтиб кетгани тўғрисидаги аниқ
маълумотлар бизни қизиқтирумокда.

— Эргаш ўша куни нимадандир хавотирланди.
Мехмонхонадан тезроқ чиқиб кетишга шошилди.

— Изига одам тушганини сезиб қолганди.

— Сен айтган одам билан учрашдим, аммо у гапирмади.

— Хонага овоз ёзиш аппаратлари ўрнатилганди.
Гапирмаганинг яхши бўлибди. Биз Эргашни хонада
қўлга олишни режалаштиргандик, афсуски, у меҳ-
монхонага қайтмади.

— Балки уни шу ерда қўлга олармиз?

— Бунинг иложи йўқ.

— Эргаш ойда бир маротаба яширин йўлдан Қора-
тегинга ўтиб туради. Снайперларнинг ишидан фой-
даланиб қолинса, чакки бўлмасди.

- Буни марказ билан маслаҳатлашиб кўраман!
- Яқин кунларда лагерга хориждан бир гуруҳ мутахассисларнинг келиши кутилмоқда. Улар камикадзеларни руҳий тайёргарликдан ўтказишади.
- Уларни юртга ўтказмаслик чорасини кўр. Иложини тополмасанг, чегаранинг қайси жойидан кесиб ўтишларини аникла! Бутун умидимиз сендан!
- Топшириқни бажаришга сўз бераман!
- Зокир хайрлашиш олдидан шундай деди:
- Энди сен билан учрашувга бошқа ходим чиқади.
- Нега? – хайрон бўлдим.
- Буни кейин тушунасан.

* * *

- Тўдабоши Ҳикматни чақиртирди.
- Нима гап, амирим, кайфиятингиз бузук?! – сўради Ҳикмат тўдабошининг тунд чехрасига тикилиб.
 - Сўрама! – кўл силтади тўдабоши. – Бошлар оёқ, оёқлар бош бўлди.
 - Тушунтириброқ гапиринг, тинчликми?
 - Тинчлик бўлганида юрагимни чанглаб келармидим? Кенгаш анави аравакашни менга ёрдамчи қилиб тайинлади.
 - Шунга хафамисиз, амирим? Бир ҳисобдан унинг ёнингизда юргани маъқул. Нима қилса ҳам шу тупроқнинг эгаси.
 - Биламан, мулла Умар билан Башир бу ердаги гап-сўзлардан хабардор бўлиб туриш мақсадида уни атайин менинг кўйнимга киритмоқда!
 - Сир бой берманг, у шохида юрса, биз баргида юрамиз. Гапимизга кирмаса, бу тоғларда қоялар кўп, жарлар кўп. Бирортасидан «Кулаб» тушиши мумкин.

- Каллангга ёмон фикрларни келтирма. Юрагимни бошқа дард кемиряпти.
 - Айтинг, дардингизни олай, амирим!
 - Алоқачи йигит Маҳмуднинг одами экан!
 - Ривож-а?!
 - Ҳа, ўша ювуқсиз бизнинг сирларимизни унга етказиб турган!
 - Тушунтириброк гапиринг?
 - Маҳмудни ўлимга маҳкум қилганимни айтиб қўйибди.
 - Кимдан эшитдингиз?
 - Баширдан.
 - Балки уйдирмадир?
- Эргаш ёрдамчисига оч бўридай тикилди.
- Хунасанинг овозини диктофонда ўз қулоғим билан эшитдим!
 - Нима қилиш керак? Маҳмуд ўлиб кетди.
 - У-ку ўлди, аммо Ривож тирик!
 - Нима қилмоқчисиз?
 - Ўлдираман, қонини ичаман! Унга, тўданинг сирини ошкор қиласам, ўлимга маҳкумман, деб қасам ичдиранман!
 - Кўплаб одамларимиз ўзимизнинг қўлимида ўляяпти.
 - Кенгашда, «ханжарим қиндан суфурилган, тириклай қабрга тиқаман», деб онт ичдим. Ижро этишим шарт.
 - Бу ишни пинҳона қилсангиз, акс ҳолда, йигитларнинг рухи тушиб кетади, амирим.
- Эргаш бош чайқади.
- Қароримни ўзгартиrolмайман! — деди қатъийлик билан. — Йигитларнинг рухини кўтарадиган нарса олиб келганман! — Эргаш кўрпасининг қатидан

Амирий томонидан берилган икки юз минг доллар солинган тугунни олиб, курси устига ташлади.

— Йигитларнинг ҳар бирига тўрт юз доллардан тарқат!

— Тўрт юз доллардан?

— Айтганимни қил!

— Амирим, ахир... бу катта пул!

— Кўлида катта пул бўлган одамнинг кўнглига шодлик сифади. Ҳеч ким мендан норози бўлмайди. Ошпазларга икки минг доллар бер. Шаҳарга тушиб озик-овқат, ароқ олиб келишсин. Органини олиб қўй, оғир кунимизга асқатиб қолар.

Ҳикмат тугунни олиб, ташқарига чиқди. Яrim соат ўтиб, қайтиб кирди.

— Йигитларингиз хурсанд, амирим. Ҳақингизга дуо қилишяпти.

— Энди ҳаммасини бир жойга йиғ. Шодлик кирган кўнгил томоша истайди. Анави аравакашни ҳам йигитларга танишириб қўяй.

— Ҳозир мавриди эмас, хўжайин. Бир-икки ҳафта аравасини судраб юрсин, кейин танишириарсиз!

— Хомсан, Ҳикмат! Баширнинг кўзи бизда. Сен билан мен танимайдиган одамлари ичимиизда.

Ҳикмат ташқарига чиқиб кетди. Яrim соат ўтиб, тўдабошига ҳамма тўпланганини маълум қилди. Эргаш ташқарига чиқди. У Ҳикматнинг қулоғига, «Ривожни олиб чиқ», — деди. Алоқачини хонасидан судраб чиқишиди. Кўл-оёғини боғлашди. Ерга ётқизишиди. Тўдабоши унинг тепасига келди.

— Қани айт-чи, нега қўл-оёғингни боғладик? — Эргаш қалтираб турган Ривожнинг кўзларига тикилиб сўради.

— Ўлимдан хабарим бор, қилган гунохимдан бехабарман, амирим.

— Шундай, де, — истеҳзоли жилмайди түдабоши. — Ўлимдан хабаринг бор-у, айбингдан бехабармисан, ит?!

— Амирим...

Түдабоши пир-пир учётган юзини Ривожнинг оқарган бетига яқин келтирди.

— Нега менинг маҳфий фармонимни Маҳмудга етказдинг?

— Унга ҳеч нарса демаганман, хўжайин.

— Тонма, қанжиқ!

Эргаш оломонга юзланди.

— Дўстларим, мана бу шайтоннинг боласини нима учун жазолаётганимни билиб қўйинглар. Маҳмуд сизларга ҳар ойда жўнатилиши лозим бўлган беш юз минг долларни ўзлаштириб келган. Оқибатда, сизларнинг қозонларинг вақтида қайнамаган, ҳақларинг тўланмаган. Устиларингдаги могор босган кийимлар ўрнига янгиси келтирилмаган. Оқибатда, сизлар иш ҳақисиз, озиқ-овқатсиз, кийим-кечаксиз қолдиларинг. Мен Маҳмудни бу ерга чақиририб, сизларнинг кўз ўнгиларингда жазоламоқчи бўлганимда, Ривож унга яширинча хабар жўнатган. Маҳмуд пулларни олиб қочиб кетган. Башир жаноблари нинг одамлари эса уни Мисрда тутиб олишган ва ўша ерда жазолашган!

— Вой, абраҳей, бизнинг нонимизни яримта қилган шу экан-да!

— Ўлдириш керак уни!

— Қозиққа ўтқизамиш!

Жангарилар ҳар томондан қичқириб, ўзларининг хукмларини ўқирди. Эргаш оломонни ўзининг сўзларига осонгина ишонтирганидан мамнун бўлди.

Эргаш кўлларини кўтарди. Оломон жим бўлди.

— Азизларим! Бу хоиннинг жазосини ўзим бераман!

Тўдабоши шундай деб Ҳикматнинг қўлига лупа берди. У асбобни нима мақсадда олганини тушуниди. Кўл-оёғи боғланган Ривожнинг юзини қуёшга қаратишиди. Ёруғлик бир нуқтага жамланди. Ундан чиққан юқори даражадаги иссиқлик Ривожнинг кўзига тушди. Бир зумда киприклари куйиб кетди. Кўзи ёшланиб, қорачифи куя бошлади. Ривож типирчиларди, бақираради. Эргашдан раҳм-шафқат сўрарди. Бироқ тўдабоши унинг илтижоларига қулоқ солмасди. Ўн дақиқа ўтиб, Ривожнинг қорачифи куиди. Ҳикмат лупани иккинчи кўзига тўғрилади. Ривож ёруғликни кўрмай қолди.

— Мана энди, қўл-оёғини еч! — буюрди Эргаш ёрдамчисига. — Қаёққа қочаркин, бир томоша қиласиз!

Кимлардир кулди, кимлардир ижирғанди.

Ривож маст одамдек гандираклаб, кўзларини чанглаб, бошини тошларга уриб йиғлади. Тўдабоши ўйлаб топган жазоси билан қаноатланмади. Истанбулда ичган қасамини эслади. «Тириклай қабрга тиқаман!»

— Гўр қазинглар! — буюрди шотирларига.

Тўрт йигит қўлига кирка билан курак олиб, жар томон чопди. Тўпланганлар Эргашни ўзининг ишончли ва содик одамларини ўлдираётганидан хавотирга тушишганди. Улардан бирининг сабр-бардоши етмади, ўртага чиқди.

— Эргашбой, нега ўз йигитларингни қийнаб, азоблаб, ўз қўлинг билан ўлдиряпсан? Булар сени деб келган. Бунақада тўдани тугатасан. Маҳмуд ўлиб кетди, Ривожни шу азобга солишинг шартмиди?

— Шарт! — қичқирди Эргаш. — Кимки тўдага хиёнат қилса, ўлимга маҳкум. Битта бўлсаям содиқ ва вафодор йигит қолиши керак менга!

Ҳамма жим бўлди. Бу жимжитлик узоқ давом эт-маслиги, тўдабоши фурсатдан фойдаланиб, вазиятни тезда ўзгартириши кераклигини тушунди.

— Сизларга айтадиган хушхабарим бор. Биринчиси, кенгаш аъзоларининг тавсиясига кўра, Бўрон **буғундан бошлаб менинг ёрдамчим этиб тайинланди**. Унинг гапи ҳар бирингиз учун қонун! Иккинчи янгилик, Амирий жаноблари билан Абдуллоҳ ҳазратлари қочоқ сотқин Fafur билан Шарифнинг боши учун йигирма минг доллардан тикишди. Ҳар иккисининг бошини шу ерга **келтирадиган мард ичларингда борми?**

— Бор, амирим!

Икки жангари тўдабошининг олдига келди.

— Баракалла, шунқорларим! Фам-фусса босган кўнглимни тоғдек кўтардингиз. Мен бошлиқлар билан кенгашиб, қачон жўнашларингни айтаман!

Қабр кавлагани кетганлардан бири қайтиб келди.

— Гўр тайёр, амирим, — деди қўлини кўксига босиб.

— Тайёр бўлса, анави сотқинни тириклайнин кўминглар! — амр қилди Эргаш баланд овозда.

Йигитлар Ривожнинг қўлтиғидан тутиб, оёғини ерга теккизмай, олиб кетишиди. Уларнинг ортидан ҳеч ким эргашмади. Жангарилардан бири тўдабошининг олдига келди.

— Кўзини кўр қилдинг, тириклайнин қабрга тиқишинг нимаси? Яхписи от, қийнама, ўлдир!

— Қийналсин, тириклай гўр азобини тортсин, нафас ололмай бўғилсин, шунда танам яйрайди!

Алоқачининг бақиргани эшитилди.

— Итлигингни билганимда, бўри бўлиб ғажирдим, сени Эргаш!

Кўлига пул тушган жангарилар бу томошани тезда унудишиди. Кимнидир ароқ ва гўшт учун шаҳарга жўнатишиди. Бошқалар тўп-тўп бўлиб қимор ўйинини бошлишди.

Эрталаб соқчилардан бири ташқарида ювинаётган Эргашнинг ёнига югуриб келди.

— Амиrim, алоқачининг қабри очик, ичида жасад йўқ! — деди.

— Қашқирлар еб кетмабдими? — сўради Эргаш.

— Қабр кавланган, кимни мурдани олиб кетган!

«Ўлмаган бўлса-я», деган фикр Эргашнинг хаёлидан ўтди-ю, қўлидаги сочиқни улоқтириб, жар томон чопди. Атрофдагилар унинг ортидан эргашди. Тўдабоши қабр атрофини айланиб, кўнглига ёмон ўйларни келтирди. «Ичимиздагилардан бири Ривожни қочириб юборган», деган қарорга келди. У Санжарни чақиришиб:

— Ривожни қочирган одамни топ! — деб буйруқ берди ва унинг оёғи остига бир дона юзталик долларни ташлади. Санжарнинг юраги патиллаб, кўзлари ёниб кетди. Ҳамманинг нигоҳи ўзига қаратилганини кўриб, қаддини букиб, пулни олмади. Жангариларнинг кўнглига фулгула ва қўркув оралади. «Пулни деб, бирортамизни тутиб бермасмикин?» деган хавотирда нафасларини ичларига ютишиди. Санжар тиз чўкиб, кўл-оёқлари билан бурни ерга теккудай энгашиб, тошли тупроқни исқади. Кўзига ташланиб турган пул уни илдамроқ ва чаққонроқ ишлашга ундарди, чўф бўлиб юрагини ёндириди. Қабрни айланиб ўтгач, димогига нотаниш ис урилди. Ўлжа топган

итдай икки қўллаб ерни титди. Қўли ишда бўлса-да, кўзи пулда эди. Юзталик ўзиники бўлишини жуда хоҳларди. Кутилмаганда у тупроқни титиб, бир ку-
лоч йўғон симни топганида ҳамма ҳайратдан қотиб қолди. Санжар қабр ичига тушди. Бир муддатдан кейин яна қайтиб чикди. Тош-у тупроқларни ҳид-
лаб-ҳидлаб, кейин доира шаклида турган йигитлар-
нинг олдига келди. Уларнинг ҳар бирини кўзларига
тикилиб, қўлларини искади. Барчанинг юраги та-
ка-пука эди. Ўзидан кўркарди. Нихоят у қўлини бе-
лига тираб, қош-қовоғидан қор ёғиб турган бошлиқ-
нинг қошига қайтди.

— Амирим, — деди гуноҳкорлардай паст овозда, —
қабрни бизникилар очмаган.

— **Унда ким очган**, менга шуни айт!

— Четдан келишган, амирим, — Санжар қўлини кун
ботиш томон чўзди. — Улар шу томонга кетишган!

— Ривож ўлганми-тирикми?

— Уни тириклай олиб кетишган!

— Ҳм! — Эргаш юрагига ханжар ботгандай инグラб
юборди. Кейин бирдан ўзига келди. Санжарнинг
ёқасидан тутди.

— Сен, хунаса, мени алдама! Бирор четдан келиб
қабрни очмайди. Ривожни қочиргандар шу ерда!

Тўдабошининг fazab чақнаган кўзлари атрофга
бокди. Ҳеч ким унинг кўзига тик қарай олмади. Бош-
лар эгилганди, кўзлар ерга қадалганди.

— Ҳикмат! — овозининг борича қичқирди Эргаш.

— Йигитларнинг орасини ёриб, Ҳикмат чикди.

— Буюринг, амирим?!

— Кеча Ривожнинг ёнини олган Валихўжа қани?!

— Ошхонада, амирим!

— Тезда топиб кел! Бу ишни ўша ифлос қилган!

Ҳикмат ошхона томон чопди. Хиёл ўтмай, Валихўжанинг қўлидан судраб, хўжайиннинг олдига олиб келди.

— Сен, хунаса, қилғиликни қилиб, мени ҳеч нарсадан бехабар, деб ўйлаяпсанми? Ривож қани? Қаёққа қочирдинг?!

Валихўжа турган жойида музлаб қолди.

— Мен... мен...

— Мен-менлама! Мен ҳаммасини биламан. Бу ерда Ривожнинг ёнини оладиган сендан бошқа яқин одами йўқ! Уни қочиргансан тўғрими?!

— Хўжайин...

Эргаш уни гапиртиридади. Ёрдамчиларига буюрди.

— Тириклайн кўминглар!

Беш-олти нафар жангари Валихўжанинг қўлоёғидан ушлаб, қабр олдига олиб боришиди. Унинг тили ҳамон айланмасди. Бирдан ўзига келди. Шерикларини силтаб, туртиб, тепиб ташлади.

— Нима қиляпсизлар?! Ахир мен кечадан бери ташқарига чиққаним йўқ-ку!

У қанчалик кучаниб, типирчиламасин, шерикларининг қўлидан чиқолмади. Сўзига қулоқ соладиган одам топилмади. Ҳатто у билан бирга бўлган дўстлари ҳам бирор гап айтишга журъат этишолмади. Жангарилар Валихўжанинг бўйини қайириб, ерга ётқизишиди. Кимдир устига миниб олди. Кимдир белига ўхшатиб тепди. Шунда Валихўжа оғриққа чидамай, додлаб юборди. Энди у ўрнидан туролмасди. Ерга ёпишиб қолганди. Уни лаҳад ичига ташлашди. Тезда устига тупроқ тортишиди. Катта-катта тошларни юмалатиб келишди. Кўз очиб, юмгунча тирик одамни ўз қаърига олган қабр пайдо бўлди.

Аҳмад Шоҳ Маъсуднинг қўлига араб давлатларидан катта микдорда қурол-аслаҳалар келтирилганлиги ва улар ҳозирда Эргашнинг омборида сақла наётганлиги тўғрисида маълумот келиб тушганди. Кўмондон аниқлик киритиш мақсадида ўз одамларини тўдабоши эгаллаб турган ҳудудга жўнатди. Разведкачилариға ҳар қандай йўл билан жангарилардан бирини асирга олиш вазифаси топширилганди. Улар икки кун тошлар орасида беркиниб ётишди. Ҳудуднинг атрофи кучайтирилган соқчилар билан ўраб олинганлиги туфайли ичкарига киришнинг иложи бўлмаганди. Разведкачилар бу ерда узоқ қолишиболмасди. Озиқ-овқатлари тугаганди. Орқага қайтмоқчи бўлиб турганларида, лагерда тўс-тўполон кўтарилди. Улар ўз шерикларидан бирини тириклай қабрга кўмишаётганини дурбин орқали кузатиб туришди. Жангарилар унинг бошига муштлаб, орқасига тепиб, **худди темирни** буккандай минг азоб билан уни букчайтириб, қабр ичига туширишди. Тупроқни тортиб, устига тошларни бостириб, кейин орқага қайтишди. Улар олислashi биланоқ, Аҳмад Шоҳ Маъсуднинг йигитлари илондай судралиб, қабр ёнига келишди. Гўр ичига симни тикиб, ҳаво кирадиган тешик очишли. Куёш ботаёганди. Қабрни очиш хатарли эди. Тепадаги соқчилар кўриб қолиши мумкин эди. Қоронги тушгач, улар қабр тепасида тўпланишди. Тупроқни суриб, гўрни очишли. Ривож ҳушсиз ётарди. Тешикдан кираётган ҳаво ўнга тириклик ато этганди.

Разведкачилар уни чукурдан чиқариб, сув ичиришди. Оғриқни қолдирадиган дори беришди. Ривож ҳушига келмади, уни кўтариб орқага қайтишди.

Туни билан йўл юришди. Довонлардан ошиб, ирмоқлардан кечиб ўтишди. Қуёш чиққанда улар қароргоҳда пайдо бўлишди. Шифокорлар хастага тиббий ёрдам кўрсатишиди. Эртаси куни Ривож ҳушига келди. Аҳмад Шоҳ Маъсуд унинг олдига кирди.

— Эшитишимга қараганда, яқинда араблар Эргашнинг омборига катта миқдорда қурол-аслаҳа олиб келишибди. Шу гаплар ростми?

Ривож булардан огоҳ эди. Билганларини айтди.

— Номаълум одамлар ўн кун бурун 500 та «Калашников», 250 дона «М-16», 100 дона «УЗИ» автоматларини, 20 дона зенит ракеталарини, мингдан зиёд портловчи мосламани келтиришиди, — деди у.

— Қуроллар кимга тегишли?

— Бунисини билмайман.

— Омборни кимнинг одамлари қўриқлайди?

— «Толибонлар»!

— Қуроллар қандай мақсадда келтирилган?

— Араб давлатларидан юзга яқин калләкесарнинг келиши кутилмоқда.

— Қачон?

— Куни менга маълум эмас.

— Улар қаерга жойлашишади?

— Қурол-аслаҳалар Эргашнинг омборида сақланнишидан уларни шу атрофга жойлашиши мумкин, деб ўйлайман. «Толибонлар»нинг мақсади — сизни ва Абдурашид Дўстумни тўрт томондан ўраб олиш. Бундан бир ой муқаддам Кобулдан келган «Толибонлар»нинг одами, «ҳар қандай йўл билан ҳар икки қўмондонни йўқ қилишимиз керак», деган таклифни Эргашга билдириди. Тўдабоши Абдурашид Дўстумни йўқотишни ўз бўйнига олди. Сизни йўқотишни эса, «ўзимиз ҳал қиласиз», деб айтди.

келмади. Уни аллақачон ўлганлар рўйхатига тиркаб қўйганди.

- Тирикмисан?
- Тирикман, хўжайин, сизга бўлган садоқатим ва вафодорлигим мени ажал гирдобидан қутқариб қолди.
- Шундай де, – заҳарханда жилмайди тўдабоши.
- Шундай, амиirim...
- Каерларда юрибсан? Мен берган топширик нима бўлди?
- Топшириқ... – Рустамнинг тилини тош босди.
- Гапир, ит! Шунча қундан бери қайларда санқиб юргандинг?!

Тўдабошининг дабдурустдан «ит», деб мурожаат қилиши Рустамнинг юрагига ханжар тифидай ботди. Қайтиб келганидан ўқинди. Бироқ энди кеч эди. Эргашнинг кўнглини юмшатадиган жавоб топишни ўйлади.

- Даргоҳингизга қайтиш учун пайт пойладим, амиirim! – Рустамнинг тили зўрға айланди.
- Нега пайт пойладинг, кимнинг қопқонига тушгандинг, қанжиқ?! – Эргаш унга нимадир бўлганини сезди.
- Амиirim... – Рустамнинг оёқлари қалтиради.
- Гапир, ит! Нима гап?! Топшириқ нима бўлди?! – баттар аччиқланди тўдабоши.
- Топшириқни бажаролмадим, хўжайин.
- Бажаролмадим?! – Эргаш ўрнидан туриб кетди.
- Нега бажаролмадинг?!

Рустамнинг юрагини титратган куч ҳақиқатни сўзлашга мажбур қиласарди. Бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир айтиб берди.

- Демак, сотилибсан-да?!Faфур сени шунча қундан бери бекорга ушлаб турмаган. Гап ўргатган, иш ўргатган!

— Астағфируллоҳ, хўжайин, ундај деб ўйламанг.

— Сени бекорга қўйиб юбормаган.Faфур юз эллик кило героинимни ўғирлаб, тўданинг ҳақига хиёнат қилиб, пулларни олиб қочиб кетди. Юрагида ала-ми бор. Сени бу ерга жосус сифатида жўнатган. Акс ҳолда, қайтмасдинг. Сен сотқинсан!

Рустамнинг устига бирор қайноқ сув қуйиб юбор-гандай бўлди.

— Хўжайин, худонинг номи билан қасам ичаман, ишонинг, ўзим келдим. Сизга бўлган садоқатим хур-мати қайтдим.

— Ёлғон гапирма, ит! Кўзларинг ниятингни сотиб турибди! Сени гапга ўргатишибди-да, а?! Шундай десанг, эшак Эргаш лаққа тушади, бағрига олади, меҳрибонлик кўрсатади, одамларига, «кўриб кў-йинглар, мана, менинг содиқ одамим қайтиб келди, деб мақтанади», деб ўргатдими, а?! Мени лақилла-толмайсан! Жазоинг ўзинг билан. Ҳой, Сафар! Қай-дасан, каламуш!

Ташқаридан узун бўйли, юзини паҳмоқ соқол босган, башараси ҳақиқатан ҳам каламушга ўхшаш йигит кирди.

— Буюринг, амирим!

— Манави итни ўрага ташланглар!

Рустам ўрага тушган одамнинг қийналиб ўлишини бошқаларга қараганда кўпроқ биларди. Бир пайтлар шу чуқурни қазишда ўзи ҳам қатнашганди. Остига ва айланасига қирраси пичоқдай ўткир тошларни териб чиқиши айнан унинг таклифи асосида амалга оширил-ганди. Дастлаб энг хавфли одам ташланганда, бада-нини тошлар тилиб, ичак-човоқлари чиқиб, қонига беланиб, азоб чекканини, оғриқка чидамасдан дод солганини ва охир-оқибат юраги ёрилиб ўлиб қол-

ганини кўрганди. Тўдабоши, «ўрага ташланглар», деганда ана шу одамнинг ўлим олдидан чеккан азоб-уқубатлари кўз олдидан ўтди ва бундан қаттиқ қўркиб кетди. Ўзини Эргашнинг оёғи остига ташлаб, йиғлаб юборди.

— Амирим, худо гувоҳ, сизни деб қайтиб келдим. Даргоҳингиздан паноҳ излаб қайтдим. Бундай қилманг!

Эргашнинг юзида совуқ табассум балқиди.

— Мени деб келган бўлсанг, қабул қилдим! Энди мени деб умрингнинг қолган қисмини ўрада ўтказасан!

— Бир умр оёғингизни ялай, хўжайин, елкамда кўтариб яшай, раҳмингиз келсин! Бир қошиқ қонимдан кечинг! Ота-онамни, бола-чоқаларимнинг дийдорини кўрмай ўлиб кетсам, рўзи маҳшаргача қабримда тинч ётолмайман! Минг бор тавба қилдим.

Рустам юзини чанглаб, боягидан қаттиқрок хўнграб юборди. Тўдабоши, елкаси оша ёнбошида қўл қовуштириб турган Сафарга қараб, «топширикни бажар», дегандай бош ирғаб қўйди. У Рустамнинг елкасидан ушлаб тортди. У тўдабошининг оёқларини маҳкам кучоқлаб олганди. Соқчилар ёрдамга келишиди. Кўпчилик бўлиб Рустамни ўрнидан турғазишиди. Кўйлаклари йиртилиб кетди. Шунда қўйнидан бир даста пуллар тушиб, атрофга сочилиб кетди. Жангарилар долларни кўриб, «ув», деб қичқиришиди. Эргашнинг кўзлари косасидан ирғиб чиққудай бўлди.

— Мана, гапимнинг исботи! — деди у пулларга ишора қилиб. — Бунча маблағни ҳеч ким сенга бекорга бермайди. Айтганларим ҳақ бўлиб чиқдими?

— Ҳақсиз! — дейишди атрофдагилар жўр бўлишиб.

Рустам ўғирлик устида қўлга тушган одамдай нима дейишни билмай, тилига ҳақлигини исботлаш-

га бир сўз келмай, бошини чанглаб қолди. Фақат йиғларди, қалтиради. Соқчилар қўлтиғидан олиб, ташқарига судрашганда, қаршилик ҳам кўрсатмади. Унинг оёғини ерга теккизмай, ўра томон олиб кетиши. Тўрт метр чукурликдаги ўранинг туби қорайиб, қирғоғидаги киррали тошлар офтоб шуъласида худди қонга бўялган ханжар мисоли ялтираб турарди. Унинг кичкинагина туйнуги одамни ютиб юборишга шай турган улкан илоннинг оғзини эслатарди.

Рустамни ўра тепасига олиб келишганида у тақдирга тан берди. Ҳеч қандай тавба-тазаррулар, ялиниб-ёлворишлиар жазодан қутқариб қололмаслиги ни тушунди. Кўлини қайириб турган шерикларини туртмади, уларнинг бақувват панжаларидан чиқиб кетишига уринмади ҳам. Ҳамон қон қуйилган кўзларидан аччиқ ва аламли ёшлар оқиб тушарди. Учли тошлар унинг кўзига худди жаллоднинг қонсираган қиличини эслатарди. Шу тошларга бадани теккудай бўлса, этини йиртиб ташлашини кўз ўнгига келтириб, танаси жимиirlаб кетди.

Соқчилар унинг қўлтиғидан ушлаб кўтаришганда Рустам йиғидан тўхтади. Нафасини ичига ютди. Энди ўра ичига тушгунча типирчиламай туриши лозим. У худога нола қилди. «Ўзинг паноҳингда асраргин, Тангрим. Тошларга урилмай, оёғим ерга тегсин. Ишқилиб, ўлиб қолмайин.» Жангарилар тутқуннинг оёқларини ўра оғзига тўғрилашди.

- Сени Яратганнинг ўзи асрасин! – деди бири.
- Илтимос, силкитмай эҳтиёткорлик билан ташланглар, – ялинди Рустам.
- Пешонангга ёзилганини кўрасан!

Улар, «бир, икки, уч», деб санашибди ва бандининг қўлларини қўйиб юбориши. Рустам кўзларини

юмиб олганди. Худодан мағфират қилишини такрор ва такрор сүради. Оёғи ерга тегиб, белида санчиқли оғриқ турганда күзларини очди. Болдири, кейин қуймичи игна санчгандай зирқиради. Тепадаги жангарилар бошларини эгиб, Рустамга қараб туришарди.

- Худо деган экансан, тирик қолдинг!
- Балки хўжайиннинг раҳми келиб, эрта-индин сени озод қиласар!

Жангарилар ўзларича гуноҳкорга маслаҳат бераб, секин-аста тарқаб кетишди.

Ўра ичи Рустам тасаввур қилганидан ҳам тор эди. Одам зўрға айланарди. Ер дақиқа сайин уни қисаётгандек эди. Тошларнинг учи ўсиб чиқаётган тикан мисоли миясига қадалиб турарди. У аста бошини кўтариб, қўкка боқиб, бу ердан чиқишининг иложи **йўклигини тушуниб**, фойибдан мўъжиза содир бўлишини ёки Эргашнинг юрагидаги қаҳр-ғазаб «музи эриб, раҳм-шафқат уйғонишини Тангридан ёлвориб сўради. Ўзи билган дуоларни такрор ва такрор ўқиди. Томоқлари қақшаб, оғзидан нам қочди. Тик туравериб, оёқларидан қувват кетди. Ҳаво етишмасдан бўғилди.Faфурнинг олдига қайтмаганидан афсус ва надоматлар чекди. «Ўлим нақадар қўрқинчли, - деди ўзига ўзи. – Наҳотки шу чуқур ичиди димиқиб ўлиб кетсан? Ҳолимдан хабар олгани, қутқаргани танишларим, дўстларим келмаса? Улар қаерда? Мени ўрага ташлашганини қўришдимикин?»

Қош қорайди. Осмонга ой чиқди. Тутқуннинг оёқлари толикди. Ўтиргиси, бир зумгина дам олгиси келди. Бироқ на ўтиришга, на ётишга имкон бор эди. Ҳатто, айлана олмайди ҳам. У яна йиглади. Овозини баланд қўйиб йиглади.

Ташқаридаги иссиқдан, очликдан паноҳ излаб, чуқурга тушиб, тошлар орасида жон сақлаб ётган илонлар бисёр эди. Улар хандा�ққа тушган одамларнинг қонини сўриб, озиқланиб яшарди. Коронги тушганда уйғонишиди. Тиллари билан одам ҳидини олишиди. Бошларини тошлар орасидан чиқариб, мунчоқдек кўзларини ялтиратиб, шундок қаршиларида турган одамни қўришиди. Судралиб юрувчилар оч эди, ташна эди.

Рустам рўпарасидан чиқаётган илоннинг бошини кўриб қўрқиб, баланд овозда дод солди. Афсуски, товуши тепага эмас, ўра тубига қараб кетаётгандай, тошлар ютиб юбораётгандай туюлди. Илонлардан бири чўзилиб, йигитнинг елкасига ёпишиди. Кейин қизил тилини чиқариб, бўйнига чирмашди. Иккинчи илон эса кўкрагига ёпишиди. Оёғига ҳам илон илашган ва тепага қараб ҳаракатланаётганди. Рустамнинг баданидан мадор кетди. Қўрқув бутун вужудини қуршаб олди. Илонларга ҳеч қандай қаршилик кўрсатолмасди. Бир пайтнинг ўзида уч илон заҳар томиб турган ўроқ тишларини Рустамнинг баданига ботирди.

Жангарилар сафдошларини унутишганди. Ўрадан яқин жойда беш-олтитаси дайдиб келган итни тутиб келишган, бошини узиб, гўштини симга тиқиб, оловга тоблаб пиширишарди. Бирининг сабри чидамай, ханжари билан қорайиб кетган этнинг бир бўлагини кесиб, оғзига солиб чайнаб ўтиарди. Ўрадан чиқаётган овоз ҳаммаларининг қулогига эшлитилиб турса-да, парво қилишмади. Уларнинг фикри зикри корин тўйдириш эди...

Рустам жон олиб, жон бераётган тунда Самангандан бир неча минг чақирим йирокда бўлган Москва

ўрмонзорларида ўқ отилди. Рустамнинг овозини тошлар ютган бўлса, ўқ товушини дарахтлар ютди. Ўқ кимга қарата узилганди, кимнинг фарёди сокинликни бузганди?! Бу тўғрида китобимиизнинг кейинги сахифаларида баён қиласиз.

АФГОНИСТОН

Усама бин Ладен разведка бошқармаси ходими томонидан берилган топшириқларни бажаришни очикдан-очик рад этиб қолмай, балки у билан учрашишни ҳам ёқтирасди. Дунёнинг бир қатор мамлакатларида бўлган портлатишлар, давлат раҳбарларига уюштирилган сунқасдларда, одамларининг қўлга олиннишида унинг қўли борлиги секин-аста ойдинлашиб бораётганидан ташвишга туша бошлаганди. «Булар айнан мен билан учрашиб юрган ходимлар томонидан фош этилаётган», деб ўйларди. Матбуотларда босилиб чиқаётган ўзи ҳақидаги турли-туман хабарларни ўқиганида Усаманинг ғазаби ўн чандон ошиб кетарди. У ғазабларини ошкора баён қила бошлади. Хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тураржойларини тез-тез ўзгартириб турди ва буни ўзгалардан *сир сақлади*. Разведка бошқармаси билан *уланган* алоқа воситаларини улоқтириб ташлади. Келган сигналларни жавобсиз қолдирди. Покистонлик тележурналист Ҳамид Мирга берган интервьюсида: «Мен ўз нигоҳларимни Америкага қаратдим. Америка бутун мусулмонларнинг душманидир», - деб очикдан-очик баёнот берди.

Разведка бошқармасининг ходимлари хатоларини кеч тушунишди. Собиқ агентининг туаржойини аниқлаш мақсадида қилинган ҳаракатларнинг бар-

часи самарасиз якунланди. Охир-оқибат, уни йўқотишига қарор қилинди. Бироқ кимнинг қўли билан? Ким уни яшаётган манзилини аниқлаб беради? Жосуслар бу тўғрида узоқ бош қотириб, мулла Умарни ишга солишга қарор қилишди. Биргина умид ундан эди. Одамларидан бирини унинг олдига жўнатишиди.

— Арзимаган топширифимиз бор, — деди у билан учрашувга келган ходим.

— Қандай топшириқ? — сўради мулла Умар.

— Бизни Усаманинг қаерда яшаётгани қизиқтиради.

Мулла Умар ёмон туш кўрган одамдай сесканиб, чап кўзи билан қаршисидаги одамга фазаб билан қаради.

— Адашмасам, Усама жаноблари сизлар билан ишлашни истамай қолган.

— Гап бунда эмас, унинг одамлари тинч аҳолини ўлдирмоқда. Биноларни портлатмоқда.

— Хавотирләнманг, бин Ладен жаноблари инсониятнинг эмас, балки динимиз душманларининг душманидир!

— Наркотик моддалар савдоси билан шуғулланмоқда.

— Дунёни ўз измига солмоқчи бўлган инсонларнинг қайси бири қурол-аслаҳа, қора дори савдоси билан шуғулланмаяпти!

Дастлабки вариант иш бермаганига тушунган жосус иккинчи вариантни ишга солди:

— Бу ўлкада фақат сиз ҳукмронлик қилишингиз керак. Биз сиз томондамиз. Қолаверса, Усаманинг дунёning бир қатор йирик банкларида музлатилган миллиардлаб пулларини сизнинг ҳисобингизга ўтказиб беришга ваъда берамиз.

— Усама менинг азиз меҳмоним, қолаверса, қариндошлигимиз бор. Сиз бу гапингиз билан ўғилга ўз отасини тутиб бериш вазифасини қўймоқдасиз!

Жосус совуқ жилмайды. Бошқа таклиф ўртага сиғмасди. У мулла Умар билан тил учида хайрлашиб, орқага қайтишга мажбур бўлди. Мақсадига етолмаган жосус Усамадан ўч олиш йўлларини излай бошлади. Кўплаб резидентлар Афғонистонга ва бошқа мамлакатларга ташланди. Улар Усама билан яқин алоқада бўлган одамларни, уни қачон, ким билан овқатланишини, қаерда дам олишини, қайси пайтда ухлашини, куннинг қайси соатларида қаҳва ичишини ўрганишди. Тўпланган маълумотлардан террорчилар етакчиси бир кунда тўрт маҳал қаҳва **ичиши маълум** бўлди. «Усама қайси давлатнинг қаҳвасини ёқтиради?» «Бу ичимлик қаердан, қачон ва ким **оркали келтирилади?**» деган саволларга жавоб топиш зарур эди. Бутун диққат-эътибор шу масалага қаратилди. Ниҳоят, Бразилиядан жўнатилган маълумотномада бу саволга ойдинлик киритилди. Резидент Усама Бразилия кофесини хуш кўришини маълум қилганди. «Бу мамлакатда қаҳва ишлаб чиқариладиган юзлаб корхоналар мавжуд, бироқ бин Ладен ёқтирган қаҳвани қайси корхона ишлаб чиқаради?» Энди шу саволга жавоб топиш лозим эди. Резидентлар қаҳва ишлаб чиқариладиган корхоналарга ишчи, харидор ниқоби остида суқилиб киришди. Бошқарма ўз одамларидан деярли ҳар соатда маълумот кутарди. Ниҳоят, улардан бири бин Ладен ёқтирган қаҳва айнан «Тимо» компаниясида маҳсус тайёрланиб, жўнатилиши тўғрисида хабар топди. Қолган маълумотлар ушбу ҳабарнинг ҳақиқатга яқинлигини тасдиқлади. Резидентнинг кейин қўшимча қилишича, қаҳва ҳар ойнинг охирги пайшансасида маҳсус самолётда Покистонга жўнатилиши ва

у ердан Усаманинг ишончли одамлари олиб кетиши ҳам маълум бўлди.

Жосуслик бошқармасининг ходимларидан бири «Тимо» компаниясига ишга жойлашди. Бир неча ойдан сўнг топшириқ бажарилди. Резидент алоқага чиқиб, Усама учун тайёрланган маҳсус қаҳва йўлдалигини маълум қилди.

Бин Ладен хақиқатан ҳам Бразилия қаҳвасини хуш кўради. Чарчаган пайтларида шу ичимликдан истеъмол қилиб, ҳордик чиқаарди. У ўзининг шахсий ошпази ва яқин қариндоши Зухрийнинг қўлидан таом ерди. Соқчилар бошқа одамни ошхонага қўйишмасди. Янги келтирилган ичимликни сутга аралаштириб, олиб киришди. Икки ҳўплам ичгандан сўнг Усаманинг боши енгил айлангандек бўлди. Кеинин қусгиси келди. Соқчилар шу заҳотиёқ шифокорларни чақиришди. Улар Усамани овқатдан заҳарланганини аниқлашди. Истеъмол қилган овқатлар маҳсус лаборатория текширувидан ўтказилди. Заҳар Бразилиядан келтирилган қаҳвадан топилди. Улар, «бу ишда марказий разведка бошқармаси ходимларининг қўли бор», деган хулосага келишди ва шубҳаланиб, Зухрийнинг бошини ўша заҳотиёқ ошхонада узиб ташлашди.

Қаҳвага қўшилган маҳсус кимёвий дори аввало жигарга таъсир қилиши, уни бир хафта давомида эритиб юбориши лозим эди. Ҳар соатда жигарда маълум ўзгаришлар кузатиларди. Усамани шошилинч даволаш лозим эди. Лекин қайси давлатда? Ёрдамчилар бу ҳақда бош қотириб, Германияни танлашди. Усаманинг бу ўлкадаги одамлари керакли идоралар билан алоқага чиқишли. Катта маблағлар тикилди. Ниҳоят, уларнинг розилиги олинди. Мутлақо бего-

на одам қиёфасига киритилган Усама маҳсус рейсда Покистон орқали Германияга учиб келди. Машхур шифохоналардан бирига ётқизилди. Бир хафта давомида унинг жигари ювилиб, керакли дори-дармонлар ёрдамида эриб кетиш хавфи туғилган жигар фолияти тикланди. Усама саломатлигини ростлагач, яна Покистон орқали Афғонистонга қайтиб келди. Разведка бошқармаси бундан эртаси куни хабар топди. Улар бин Ладеннинг ўлимини кутишаётган бир пайтда «Ал-Жазира» телекомпанияси Усамани Германияга келиб, даволаниб кетгандигини, соғлиғи у қадар хавф остида эмаслигини маълум қилди.

— Наҳотки Усама германияликларга боши учун тикилган йигирма беш миллиарддан кўпроқ ҳақ тўлаган бўлса? — деб ажабланишди жосуслар.

— Бизнинг сирларимиз фош бўлди. Энди кескин чоралар кўришга мажбурмиз, — деди бин Ладеннинг изига тушган бўлим раҳбари Ричард ва шошилинч равища ўз одамларига навбатдаги топшириқни берди...

ЮРТДА

Маълумингизким, бир пайтлар Червон хонимнинг хонасида хорижлик даъватчилардан «таълим» олган аёлларнинг айримлари ҳали ҳамон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан яшириниб юришарди. Айримлар хонимни Афғонистонга ўтиб кетгандигидан бехабар эди. Ўз айбларини тушуниб етмаганлари, тавба-тазарру қилмаганлари, ўз ғояларининг таъсир кучига берилиб, ҳали ҳам оғизларини кўпиртириб, айюҳаннос солаётганлар катта пулларни ваъда қилган, қулоқ ва бармоқларига тилла тақинчоқларни илиб қўйган кимсаларнинг қайтиб келишидан

умидвор эди. Шулардан бири ўттиз беш ёшлардаги Зулайҳо исмли аёл эди. Табиат ундан гўзалликни аямаган бўлса-да, ақл, фаросат деган буюк неъматдан андак бенасиб қилганди. Гарчи олти ойдан бери бирор йўқлаб келмаган бўлса-да, кўнгли хонимнинг «муборак» хонасида томоша қилган Фарбнинг шармсиз видеоларидан олган таассуротларни қўмсарди. Бир йилча муқаддам ҳасталикка чалиниб, айни дамда қайсиdir ташкилот идорасида қоровул бўлиб ишлайдиган эридан кўнглини тўлдирадиган хузурни тополмай, хаёллар гирдобига фарқ бўлиб юрарди. Юрагига кириб олган ширин ҳислар ҳаё-ю ифрат пардасини йиртиб, нозик жойларини қитиқлаб, ниҳоят уч фарзандини ташлаб, кўчага чиқишига мажбур қилганди. Вужудидаги ҳирс отashi ҳосил қилган чанқоқни бостирадиган эркакни изларди. Бир неча кунлик сарсонгарчиликдан кейин шаҳардаги ўқув билим юрти ётоқхонасидан уни топди. Қирқ ёшлардаги бу йигитнинг исми Мансур бўлиб, бир пайтлар хонимнинг уйида у билан танишганди.

Мансур ўзининг беҳаё қарашлари ва ҳаракатлари билан қаҳрамонимизнинг хотирасида сақланиб қолганди. Уни қаерда ва нима иш қилишини ҳам яхши биларди. Забон билан айтишга уятли сўзларни кўз қарашларида бир-бирларига етказишарди. Дилдаги тилаклар тилларга кўчмасдан хонимнинг уйи ёниб, бу ерга келгувчиларнинг кўпи қўлга тушганди. Шу сабабли улар бир-бирларининг дийдорларини кўришдан бенасиб бўлишганди.

Зулайҳо уни излаб, ишхонасига ўтди. Мансур ҳали ҳам билим юртининг ётоқхонасида комендант вазифасида ишларди. Ҳафтада бир уйига бориб-бормасди. Четдаги гумашталари билан алоқаси узилма-

ган, улар томонидан жўнатиб туриладиган ақчага умидвор бўлиб, ора-сира топшириқларини бажариб юрарди.

— Эрим ичкиликка берилиб кетган, доимо уйга маст келади, — дея турмуш ўртоғидан нолиди аёл.

Мансурнинг кўзига у анча тўлишиб, чиройига чирой қўшилиб кетгандай кўринди.

— У сени яхши кўрадими? — деб сўради.

— Кўрмаса туролмайди, яшшамагур! Ёш боладан ҳам қизғанади. Кўчага чиқаргиси келмайди, — Зулайҳо бу сўзларни тилининг учини бураб, шундай ширин бир талафғузда гапирдики, йигитнинг томиридаги қонлар жўшиб кетди.

— Мен билан кўрса-чи? Мансурнинг мақсадини Зулайҳо кейин тушунди.

— Сиз билан учрашганимни билмайди-да! — йигит унга яқинроқ сурилди. Кўлларини Зулайҳонинг елкасига ташлади.

— Сендай гўзални ҳар қандай эркак қизғанади-да, жонидан!

— Сиз ҳам қизғанасизми? — нозланди аёл.

— Сўрама!

— Ёлғон!

— Қасам ичайми?

— Қизғанганингизда излаб борардингиз!

— Энди ёнимдасан!

— Ишонмайман, — Зулайҳо эркаланиб, Мансурнинг пинжига кирди.

Шундан кейин улар бир-бирлари билан куногина учрашадиган бўлишди. Баъзи кунлари Зулайҳо Мансурнинг хонасида қолиб кетарди. У эридан кутулиш йўлларини ўйлади. Бир пайтлар Червон хонимнинг уйида хориждан келган аёл: «Эрларинг-

ни ҳам ўз томонларингга оғдиринглар, ҳаммалари соқол қўйишишин, биз томонга ўтишни истамаган эр сизга номаҳрамдир», – деганди.

Зулайҳо ўша даъватчи аёлнинг сўзларини эслаб, Мансурга шикоят қилди.

– Ҳозиргача соқол қўймаяпти. Устозларим олдида юзим шувут бўлди. Билиб қолишса, шарманда бўламан!

– Бугуноқ даъват қил, соқол қўймасанг, сен билан яшамайман, де!

– Айтганимни қилмасанг, жавобимни бер, дедим. Кулоқ солмади. «Сен ўзгариб қолдинг, қандайдир оқимга кириб олгансан, бу йўлингдан қайт, йўқса, мелисага тутиб бераман», – деб пўписа қиляпти. Сизнинг олдингизга келаётганимдан ҳам шубҳаланяпти. Ҳамма гапни Мансур ўргатаётган, деди.

– Шундайми?! Демак, эринг яхшиликча биз томонга ўтмас экан-да. Унинг танобини тортиб қўйиш керак! – деди Мансур қаҳр билан.

– Буни чўзиб ўтиришнинг кераги йўқ. Вакт ўтса, гап «болалайди».

– Билса билар, қўрқадиган жойим йўқ. Етти йил ўтириб чиқсан одамни бирор яхши дермиди!

– Бугун олдингизда қоламан. Ярим тунда уйга кирасиз. Эрим дахлизда икки боласини ёнига олиб ётади. Эшик орқасида темир болға бор. Бошига урсангиз, «тинчийди».

– Ўйлаб топган жазоинг адолатли!

Зулайҳо Мансурнинг хонасида қолди. Тунги соат ўн иккиларда у йўлга чиқди. Тун ойсиз эди. Икки қадам нарини кўз зўрға илгарди. Масофа у қадар олис эмасди. Шундай бўлса-да, велосипед миниб олди. Кишлоққа кириб келди. Симёғочдаги чироқлар йўл-

ни фира-шира ёритиб турарди. Мансур карши томондан келаётган иккинчи вилосипедли одамга дуч келди. Саломлашиб, ўтиб кетишиди. Улар бир-бирлари ни овозларидан ҳам танишмади.

Эшикка қулф солинмаганди. Ҳовли жимжит, ҳамма ухлаганди. Мәңсур Зулайҳо айтган болғани эшик ортидаги хашак тагидан топди. Айвондаги чироқ ўчирилмаганди. Деразага парда тортилган бўлса-да, ичкарини чироқ ёғдуси фира-шира ёритиб турарди. У оёқ учида юриб, ичкарига кирди. Бошларини кўрпага ўраб, пишиллаб нафас олиб ётганларнинг юзи кўринмасди. Мансур узун бўлиб ётган ўртадаги одамнинг бошини мўлжаллаб болға билан солди. У бир-икки типирчилаб тинчиди. Мансур ёнидан пиҷофини олиб, кўрпа устидан санчди. Кейин ташқарига чиқди. Болғадаги қонни ариқдаги сувга ювди. Ҳеч ким кўрмаганидан, ҳатто болалар уйғонмаганидан хурсанд бўлди. Велосипедга миниб, орқага қайтди. Зулайҳо уни кутаётганди.

— «Тинчтингизми»? — сўради ичкарига хотиржам кириб келган Мансурдан.

— Энди сен уйингга боравер, — деди қоровул. — Тонг ёришиб қолди, ҳализамон одамлар қўчага чиқишади. Бирортасининг назари тушиб қолмасин,

— Мелисалар, «Қаерда эдинг?» деб сўрашадиган бўлса, нима деб жавоб қилай? — чиқиб кетиш олдинан маслаҳат сўради Зулайҳо.

— Кўрқма, менинг хонамда қолганингни айтавер. Бу ерда сенга кўзи тушганлар бор.

Зулайҳо узокдан уйи олдида тўпланиб турған қўни-қўшниларни, иккита милиция машинасини кўрди. Тиззаси қалтираб кетди.

— Нима гап, тинчликмий? — сўради остоноада турганлардан.

Хеч ким индамади. Зулайҳо ичкарига кирди. Уй ичидан чиқиб келган эрини кўриб, арвоҳга дуч келгандай бақириб юборди. «Наҳотки кўзларим алдаётган бўлса, ахир, ўлдирдим девди-ку!»

— Тунда кимдир уйга кириб, қизимизнинг бошини мажақлаб, биқинига пичоқ уриб кетибди, — деди кўзларидан ёш оқиб турган эри.

— Ўлдими?! — ранги оқариб кетган Зулайҳо йўлида турган эрининг кўксидан итариб юборди ҳамда ичкарига отилиб кирди. Конга бўялган тўшак устига ўзини ташлади-да, овозининг борича ўкирди.

— Вой, болажоним!

У титроқ қўллари билан худди фарзандини қидирайтгандек қонли болишни, кўрпани мижғиларди. Юрагига сифмаётган фарёд бўғзини ёриб чиқарди. Ноҳуш ис анқиб турган хонанинг барча бурчакларидан акс-садо қайтарди.

«Вой, болажоним!»

Остонада ҳали кўп нарсалардан бехабар бўлган эри турарди. У чалажон илондек тўлғаниб, фарзандининг доғида фарёд чекаётган аёлининг ҳолига ачиниб, раҳми келиб, юпатадиган, кўнглига таскин берадиган сўзни бисотидан тополмай, аччиқ кўз ёшларини ютган кўйи жим қотганди.

— Уни шифохонага олиб кетишиди, — нихоят шўрлик эрнинг тилидаги кулф ечилди. — Дўхтирлар умид бор дейишиди...

Тергов-суриштирув ишлари бошланди. Мансурнинг юрагига фулгула тушди. Мелиса келиб, тутиб кетадигандек туюларди. Ярим тунда уйдан чиқиб кетди. Биз унинг қаерга кетганлиги, кимнинг паноҳидан жой топганлиги тўғрисида китобимизнинг кейинги бобларида ҳикоя қилсак-да, ҳозир муҳта-

рам ўқувчиларимизнинг эътиборини Самангандаги воқеаларга қаратсак...

САМАНГАН

Тонг ёришаётган бўлса-да, Жалолдан дарак бўлмасди. Нима бўлди унга? Эргашнинг қоронғи дилига ҳар турли ваҳимали ўй-хаёллар тумандай ёпирилиб киради. Юраги ёмон ҳовур ва изтироблардан гўё бирор мижгилаётгандай оғрирди. Хонасида ўтиромай қолди. Ниҳоят, «қочиб кетган», деган қарорга келди. Тирик бўлганида шу пайтгача қайтиб келарди. Ярим соатлик масофа. Ҳар қандай ишни бажарса бўлади. У хонимнинг ширин гапларига учганми ёки «акажоним», деб ақл-у ҳушини олиб, чегара томонга бошлаб кетганми – бу ёғи худога аён!

Эргаш ташқарига чиқди. Чодирдан бир неча қадам нарида йигитлар латифа айтиб, кулишиб ўтиришарди. Улар тўдабошини кўришмади.

– Хой, қон қусгур, Санжар?! Қайдасан, итбурун!

Эргашнинг овози йигитларнинг қийқириғи ва кулгисини босиб тушди. Ҳаммалари бир пайтда тўдабошига қарашди ва унинг важоҳатини кўриб, ўринларидан туришди.

– Менга Санжарни топиб келтиринглар, тезда!

Йигитлар «Искабтопар»ни бошлаб келишди.

– Хизматингиздаман, амирим...

– Ёнингга шерикларингдан олиб, тоқقا чоп! Итдан тарқаган Жалол кеча шомда кетганича қайтиб келгани йўқ. Чегара томонга кетган бўлса, иккисининг калласини узиб, келтирасан. Тушундингми?!

– Тушундим, амирим!

– Тушунган бўлсанг, нима қилиб ўтирибсан, ҳароми!

Санжар ортида турган йигитлардан тўрттасини эргаштириб, жўнағай (тоғдаги ёлғизоёқ йўл) бўйлаб, тоғ томон чопди. Олдинда ўзи бошини эгиб, чуқурчукур нафас олиб, ерни исказ, чопқиллаб бораради. У адашмаганди. Димоfigа хоним билан Жалолнинг оёқларидан қолган ҳид уриларди. Қуёш ботиб, қош қорайиб бораради. Изқуварлар довондан ўтиб, кўздан ғойиб бўлгунича, лагердагилар қараб туришди.

Санжар хоним тўхтаган жойни ҳам топди. Ҳидлади.

— Улар шу ерда дам олишган, — деди ортидагиларга қараб.

— Жуда узоқ кетишибди-ку? Бир нафаслик ишни шу тошлар орасида бажарса ҳам бўлаверарди-ку! — иршайиб деди жангарилаардан бири.

— Назаримда улар тил бириқтириб қочишган!

— Узоққа кетишишолмайди, — деди «Искабтопар» тортишувга барҳам бериш мақсадида. — Ҳозир икки чақирим нарида кетишишмоқда. Тезроқ чопсак, етиб оламиз!

Исковучлар яна чопишиди. Улар жар ёқалаб боришаради. Бир чақирим масофа ортда қолганди. Ниҳоят, Санжар тўхтади. Чарчаган шериклари ҳам тўхташди. Ҳаммалари қўлларидағи автоматни отишга шайлаб олишганди.

— Бўрининг иси келяпти, — деди Санжар тепаликка ишора қилиб.

Барча ҳушёр тортди.

— Яна бу қутурган бўри бўлмасин?! — деди бошқа жангари.

— Бўри бу томонга кетган! — Санжар қўли билан кун чиқиши тарафни кўрсатди.

Осмонга қуёш чиққанди. Чўққиларнинг орасидан нур сочиб туарди. Санжар яна тўхтади.

- Кон иси келяпти, — деди шерикларига қарамай.
- Афтидан, биз етиб келганга ўхшаймиз!

Улар энди эҳтиёткорлик билан олдинга боришарди. Эллик қадам юришганларида ерда чўзилиб ётган одамни кўришди. Унинг бўйни узиб ташланганди. Мурданинг очиқ қолган кўзлари ялтираб турарди.

- Бу Жалол! — жангарилардан бири унинг кийимидан таниди.

— Ким ўлдирдийкин?

— Хоним сўйиб кетган!

— Вой, қанжиқ! Ҳақиқий тулки экан-ку!

— Тулкилиги учун ҳам ичимизга кириб олган-да!

— Бўри бўғизлаган, — Санжар мурданинг бўйнига қадалган тишларни кўриб, шундай хулосага келди.

— Червон хонимнинг ўзи қаерда? У тирикми?

— Балки уни ҳам бўри ўлдириб кетгандир?

Санжар атрофни кўздан кечирди. Боши ерга теккудай энкайиб, тошларни искади.

— У тирик! — деди олтин топган одамдай суюниб.

— Тирик?! — ҳайратланди шериклари.

— Ҳа, тирик! Хоним шимол томонга кетган!

— Бир ўзи-я!

— Кетдик, изидан борамиз, у узоққа кетолмаган! — деди Санжар. — Тезроқ чопсак, етиб оламиз!

— Ахир, чегарага беш-олти чақирим қолди-ку!
Бизни тутиб олишлари мумкин!

— Чегарачилар берадиган жазо тўдабошининг жазоси олдида ҳеч гап эмас, — деди йигитлардан бири.

Улар чопишли. Чегарага яқинлашиб қолишли.

Санжар адашмасдан, бегона сўқмоқларга қайрилмасдан, бурни билан хонимнинг тошлар ва ўт-ўланларда қолдирган исини олиб келаётганидан баҳтиёр эди. Ҳид хонимга етиб олишига жуда оз қолганини

билдиради. Шу сабабли ҳам орқа-олдига боқмасди. Чегарага етиб келганини ҳам сезмади. «Мендан қочиб кутулолмайсан, шум кампир, Жалолнинг қонини ичганингни Эргашбой билса, терингни шилиб, пайтава қилиб, оёғига ўраб олади. Сенинг аҳмоқ бошинг учун менга қанча чойчақа беришини билмайсан-да. Амири мизга сенинг тиригинг эмас, аҳмоқ бошинг керак. Шу бош учун айтган пулимни беришга тайёр.»

Мана шундай ўй-хаёллар Санжарнинг вужудига куч, оёғига қувват ато этарди. У аввалгидан илдамроқ чопарди. Аёлнинг иси димоfiga аник ва тиник уриларди. Энди боши ерга теккудай энкайиб чопмасди. Тик турган ҳолда борса-да, таниш исни димоғи оларди. Санжар бирдан қадамини секинлатди. Шунда оёғи нимагадир илиниб қоқилди, шитирлаган овоз келди. Бошини қўтариб, йигирма қадам нарида чўнқайиб ўтирган одамни кўрди...

— Етиб келдик! — деди қувончи ичига сифмай шерикларига ўгирилиб. Ҳаммалари енгил тин олишиди. Бироқ икки-уч қадам нарида ерга тиз чўкиб, пешонасини тупрокқа босиб ўтирган аёлга яқинлашишга у қадар шошилишмади. Энди у қаёққа ҳам қочарди? Чегарага етгани билан ўртада тиканли тўсиқ бор. Қолаверса, жонига оро кирадиган аскарлар кўринмайди. Бўлганда ҳам бу томонга ўтишолмайди.

Санжарнинг ўт чақнаб турган кўзлари билан хонимнинг кўркувдан катта-катта бўлиб кетган кўзлари нихоят учрашди. Жувон изидан исковчилар кувиб келишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Санжарни кўрганида ўзини тутолмай, ўкириб йиғлаб юборди.

— Йўқ! — деб қичқирди жон ҳолатда. — Энди мени тириклай бу ердан олиб кетолмайсанлар! Ўлдирсанг

ҳам мана шу ерда ўлдирасанлар! Қоним шу жойға түкілади, жасадим шу тупроққа күмілади!

Хоним құлларига тирады үрнидан турди. Күзларини жангарилардан узмай, орқаси билан бир неча қадам нарида турған тиканли түсиқ томон юрди. Санжар шерикларига қараб, «тутинглар», деб амр қилди. Икки йигит түрт хатлаб, аёлнинг олдидә пайдо бўлишди ва унинг құлларидан ушлаб, қайириб, қаддини буқчайтириб, орқага судрашди.

— Ҳали сен юртимга етиб келдим, энди Эргашбойнинг одамлари тутолмайди, деб ўйлаганмидинг? Чучварани хом санабсан, кампир! Қани, олдимизга туш! Тўдабоши сени кутиб турибди!

Бу гапларни эшигтан аёл жон-жаҳди ила оёқларини ерга тираб олди.

— Эргаш энди фақат жасадимни кўради!

Хонимнинг вужудида ноаён куч уйғонди. Жангариларни ўзига қўшиб, чегара томон тортарди. Улар олишиб, бақиришиб кетдилар.

— Ҳой, мегажин! Ҳаддингдан ошма! — улардан бир оз нарида турған Санжар ўзича жувонга насиҳат қилмоқчи бўларди. — Биз кўпчиликмиз!

Аёл жангариларни судраб, тортиб, түсиққа етиб келди ҳамда иккала құллари билан тиканли симга ёпишиб олди. Тиканлар унинг баданига игнадек санчилди, кўйлагини йиртиб ташлади. Ерга чакиллаб қон томарди. Оғриқларга хоним аҳамият бермади.

Жангарилар ҳам бўш келишмади. Худди улок тортаётган чавандозлардек бири қўлидан, бири кўйлагидан, яна бири эса сочидан тортарди. Сочи узилиб, бошида чидаб бўлмас оғриқ турса-да, аёл симни қўйиб юбормади. Жангарилар унинг қонга бўялган құлларини қайириб, бир амаллаб түсиқдан ажратиш-

ди. У энди тақдирга тан берганди, қисматдан қочиб қутулиб бўлмаслигини тушунганди. Ўкириб-ўкириб йиғлади...

— Итлар, қўйиб юбор! Мен юртимга ўтиб кетай! Худонинг омонатини қоним томган тупроқда топширай! Тегмаларинг!

— Юм оғзингни, қанжиқ! — кимдир аёлнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Хонимнинг кўзларидан ўт чақнаб кетгандай бўлди.

— Қотиллар! — овозининг борича қичқирди аёл. — Ўлдирсанг ҳам чегаранинг нариги томонида ўлдир!

Жангарилар аёлнинг оғзини юмишди. Хоним улардан бирининг қўлини, бошқасининг, кўкрагини тишлаб олди. Залворли муштлар яна бошига ёмғирдай ёғилди. У гангиб, кўз олдини оқ ҳалқачалар қоплаб, ер билан осмон аралаш-қуралаш бўлиб кетганга ўхшади. У яна симли тўсиқ ортида турган диёри томон талпинди. Жангарилар унинг устига ўзларини ташлашди.

— Қайт орқангга, мегажин!

Хоним эс-хушини йўқотиб қўяёзди. Қаршилик кўрсатишга энди ҳоли қолмаганди. Жангарилар уни мисоли ўликни судрагандек тортиб, Санжарнинг оёқлари олдига келтириб ташлашди.

Чегара постидаги сигнализация ишга тушганди. Ўн олтинчи чақиримда тревога эълон қилинганди. Бир гуруҳ аскарлар шу томон чопиб келишарди. Лекин масофа олис эди.

Хоним ҳамон жон олиб, жон бериб қичқираарди, дод соларди. Ўзини жангарилар ихтиёрига топширишни, яна лагерга қайтишни истамасди. Ўн қадам нарида юрти кўриниб турарди. Вужудига куч-қувват берастган диёр ҳиди келарди. Аёл ватанига ўтиб ке-

— Бўла қолларинг! — шоширади Санжар шерикларини. — Аскарлар яқинлашиб қолишиди. Энди унинг қулоқларига ҳам беш юз қадам нарида келаётган чегарачиларнинг овози эштила бошлаганди.

Жаллод ишини бажариб бўлганди. У танадан узилган ва бир парча матога ўралган бошни Турғуннинг қўлига тутқазди.

— Ушла!

Турғун чўчинқираб уни олди.

— Чопдик! — буйруқ берди Санжар одамларига.

Ҳаммалари сертош йўлдан тоғлар томон чопиб кетишиди. Чегарачилар етиб келишганда, тиканли сим ортида тиз чўкканча қотиб қолган бошсиз жасадни кўришиди. Зулмат қўйнига кириб, кўздан йўқолаётган тўрт нафар кимсаларнинг шарпасини ҳам кўришиди. Бу уларнинг иши эканлигини билишди. Хонимнинг жасади икки давлатнинг чегараси оралифида қолиб кетди...

МОСКВА

Федерал хавфсизлик хизматининг Биринчи Бош бошқармасига Афғонистон ҳамда Покистон давлатларида маҳсус тайёргарликдан ўтаётган икки юз нафар жангарининг Россия ҳудудига яширин йўллар билан кириб келиши, уларни Чеченистонда фаолият юритаётган Хаттоб гурухига қўшилиши ҳамда мамлакатнинг турли шаҳарларида террорчилик ҳаракатларини олиб бориши тўғрисидаги маълумот келиб тушганди. Бошқарма бундай маълумотни араб давлатларидағи резидентларидан ҳам олганди. Афғонистондан юборилган маълумот анча жиддий ва ишонарли эди. Раҳбарлар ташвишга тушиб қо-

лишди. Жангариларнинг ўтиши мумкин бўлган чегара чизиклари мустаҳкамланди, қўшимча кучлар ташланди.

Кўзига қон қуйилган икки юз нафар жангарининг қўлидан нима иш келиши русларга беш қўлдек аён эди. Бир ой муқаддам чегарани бузиб ўтган ўн нафар жангари мамлакатнинг турли шаҳарларида, қолаверса, пойтахтнинг ўзида бир қатор қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширганди. Одамлар яшайдиган қўп қаватли бинолар остига, бозорлар, универмаглар, кинотеатрларга, ҳатто, болалар боғчаларига қўлбола портлатгич мосламаларни қўйиб кетишиди. Чекистларнинг ҳушёргилиги туфайли уларнинг кўпи заарсизлантирилди. Бироқ портлаганлари ҳам бўлди. Уйлар қулади, одамлар ўлди. Жангарилар бу билан чекланиб қолишмади. Боғчага бостириб киришди. Юзга яқин болани гаровга олишди. Икки кун бирорта одамни ичкарига қўйишмади. Атрофни кўзларига ёш, юракларига қайфу-ҳасрат тўлган ота-оналар ўраб олишди. Фарзандларини қутқариш учун жонларини беришга тайёр эдилар. Жангарилар ҳукуматга ўз шартларини қўйишиди. Болаларнинг ширин жонларини қурол-аслаҳага, самолётга алмашишларини айтишиди.

Чекистлар болаларни қутқариш учун ўз жонларидан кечишига қарор қилишди. Боғча ичидан чиқиндилар оқиб ўтадиган қувурни топишиди. Олти нафар чекист бир чақиримли йўлакдан қуртлаб кетган балчиқ ичидаги балиқдай сузиб ичкарига кириб боришиди. Исга чидаб бўлмасди. Нафасни бўғарди. Мия фаолиятига таъсир ўтказарди. Шундай бўлса-да, чекистларнинг бирортаси ортга қайтмади. Гўдакларни жангарилар қўлидан қутқариш

мақсадида ичкарига кириб бориши. Қувур қопқоғи ошхонада жойлашганди.

Чекистлар кичкинагина «сценарий» ишлаб чиқишганди. Ҳар бир сониянинг аниқ ҳисоб-китоби олинганди. Улар ичкарида пайдо бўлишлари биланок, ташқаридаги шериклари жангарилар билан музокара ўтказишлари лозим эди. Уларнинг дикқат-эътибори ташқарига қаратилган бир пайтда, олти нафар чекист ер остидаги йўлакдан чиқиши. Ҳаммалари товушсиз отиладиган қуроллар билан қуролланишганди. Саккиз нафар жангарини нишонга олиб, бир пайтнинг ўзида уларни ўққа тутиши. Шу тариқа юз нафар боланинг ҳёти сақлаб қолинганди.

Афғонистондан юборилган маълумотда жангарилар айнан боғча ва мактабларни, одамлар яшайдиган кўп қаватли биноларни, кинотеатрларни ва бошқа обьектларни портлатишни режалаштиришганлиги айтилганди. Зудлик билан хавфсизлик чоралари кўрилди. Лекин бу кутилиши мумкин бўлган хавфнинг олди олинди, дегани эмасди. Нима қилиб бўлса ҳам жангарилар ўтадиган йўлакни зудлик билан аниқлаш, уларни чегарадаёқ йўқ қилиш зарур эди.

Қандай қилиб жангариларнинг йўлини тўсиш мумкин? Наҳотки йўлакни аниқлаб бўлмаса? Бошкарма бошлиғи ўз одамларига ҳар куни янгидан-янги топшириқларни берарди. Хориждаги чекистлар эса раҳбарларни ташвишдан озод қиласиган маълумот жўнатишга ожиз эдилар.

Нихоят, руслар ишончли одамларидан бир нечтасини Афғонистон ва Покистонга ташлашга мажбур бўлишди. Уларга қандай қилиб бўлмасин, жангарилар ичига кириб олиш, улар орасидан ишончли алоқачи топиши ва келиши кутилаётган жангари-

ларнинг мамлакат ичига қайси координатдан, қачон кириб келишини, уларни кимлар кутиб олишини аниқлаш вазифаси юклатилди.

Чекистларнинг бирортаси топшириқни бажаролмади. Айримлари қўлга тушди, баъзилари юрак бетлаб, лагерларга яқин боролмади. Кўлга тушганларни эса жангарилар аяб ўтиришмади. Инсон тасаввурiga сифдиролмайдиган азоб ва қийноқлар билан жазолашди. Фош бўлган чекистларнинг ҳаракатлари, гап-сўзларитасвирга туширилиб, Россияга қайтарилиди. Бу ердаги одамлар эса дискларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг эшиги олдига ташлаб кетишиди. Маълумот олиш руслар учун жуда қимматга тушди. Улар энг содик, ишончли ҳамда тажрибали ходимларидан айрилишди. Бунинг устига, мулла Умар рус маҳсус хизмати ходимларини қўлга туширган одамга юз минг доллар мукофот ажратганди. Катта пул тикишининг сабаби, айғоқчиларни тутиш эмас, балки жангарилар ўртасида қўркув, ваҳима уйғотиш эди. Аффонистондаги бегона юрт одамлари шубҳа остига олинарди. Руслар вақтинча чекинишга, ўз ходимларини Аффонистондан қайтариб олишга мажбур бўлишди. Чеченистондаги жангариларни Аффонистондаги ««Толибонлар»» билан боғлаб турган ришталарни топиш йўллари ишлаб чиқилди. Мамлакатнинг айрим ҳудудларига ўрнашиб олган хорижлик жангарилардан тозалаш биринчи навбатга қўйилди. Хаттоб ва унинг атрофидаги каллакесарларни зудлик билан йўқотишга қарор қилинди. «У ўртадан олиб ташланмагунча, Россияга хориждан ёлланган жангариларнинг кириб келиши давом эта-веради», деб ўйлашди. Бу ҳақиқатан ҳам адолатли фикр эди. Бироқ Хаттобни йўқотиш осон эмасди.

Ўта маккор ва муғомбир бўлган террорчилар сардори хар соатда яшаш жойини ўзгартириб турарди. Руслар қўлларига келиб тушган маҳфий маълумотларга таяниб, у турган жойни зенит ракеталаридан ўққа тутишар, самолётлардан бомба ташлашарди. Бироқ Ҳаттоб хар гал тирик қолаверарди.

Ҳаттоб ҳамиша қўриқчилар қуршовида юрар, бегона одамларни ўзига яқин йўлатмасди. Руслар томонидан ишлаб чиқилган бир қанча операциялар барбод бўлди. Уни йўқотишга жўнатилган ходимларнинг қўлидан иш келмади. Айримларининг ўрмонлардаги дараҳтларга осилган, кўзлари ўйилган, боши узилган таналари қолиб кетди.

Янги одам топиш тўғрисида узоқ бош қотирган раҳбариятнинг эътиборини кутилмаганда Крамренконинг Афғонистондаги одами тортиб қолди. У ҳозир ҳам ўша ердами, деган саволга жавоб топиш лозим эди. Бўрон билан боғлиқ маълумотлар жамланди. Ҳатто, хазина излаб борган чекист ўлими олдидан жўнатган хабарномасида Бўронни учратганини қайд этиб ўтганди. Бошқарма раҳбариятининг буйруғига биноан Мудофаа вазирлигидан 1980 – 1986 йилларда Афғонистонда хизмат бурчини ўтаган ва генералнинг тилмочи вазифасида ишлаган Бўроннинг шахсига доир маълумотлар кўтарилиди. Ўзбек маҳсус хизмат идораси томонидан ахборот алмасиши эвазига юборилган маълумотлар таҳлил қилинди. Улар орасидаги яқинлик ҳамда ўхшашлик жангарилар орасида ўзбекларнинг одами борлигидан далолат берарди. Покистондаги «Ал-Хаққоний» мадрасаси, Қандаҳор, Қундуз ва Жалолободдаги террорчилар тайёрлайдиган лагерлар, қолаверса, бундан икки ой муқаддам Грузиянинг тоғли ҳуду-

дидан Чеченистонга ўтиши режалаштирилган ўттиз нафар жангари тўғрисидаги аниқ маълумотларда Бўроннинг қўли борлиги аён бўлганди. Руслар у билан алоқага чиқишни ва ўз мақсадлари йўлида ишлатишини ўйлашарди. Бироқ у билан алоқага чиқадиган одамлари йўқ эди. Биргина йўл – бу муаммо идоралар ва давлатлараро келишув асосида ҳал этилиши мумкин эди.

Афғонистон масалалари билан ишлаш бўлимни бошлиғи подполковник Евтушенко шу мақсадда бошлиғининг хузурига кирди.

– Бизга фақат ўзбек маҳсус хизмат идораси ходимлари ёрдам бериши мумкин, – деди қўлидаги жилдни раҳбарнинг олдига қўйиб. Кейин у Бўрон тўғрисида керакли маълумотларни айтди.

– Бошқа чора йўқми?

– Асло!

– Ўзбеклар рози бўлишармикин?

– Ҳар қандай йўл билан уларни кўндиришга ҳарат қилишимиз керак.

– Қўлимиизда Ўзбекистонга доир муҳим маълумот борми?

– Ҳаммасини топширганмиз!

– Бир оз шошибсан.

– Лекин ўртоқ полковник, яқинда ходимларимиздан иккита янги маълумот олдик. Назаримда мана шу маълумотлар бизни ўзбеклар билан ҳамкорлик қилишимизга қўл келиши мумкин.

Полковник бир ҳафта касалхонада даволаниб, ишга яқинда қайтганди, шу сабабли, йиғилиб қолган маълумотлардан бехабар эди.

– Қандай маълумот экан?

– Афғонистондан қочиб ўтган, кенгаш аъзолари томонидан ўлимга маҳкум қилинган Faфур исмли йигит бизда яшайпти!

– Бизда яшайпти? – ҳайрон бўлди полковник. – Нега мен хабардор эмасман?

– Бу маълумотни олганимизга икки кун бўлди. Ҳозирча бизнинг кузатувимизда.

– Афғонистондан қочиб ўтишига нима сабаб бўлган?

– Жангарилар бошлиғи Эргаш билан ўрталарида келишмовчилик вужудга келган. Вадим Вольфович томонидан берилган пулларни ўзлаштириб юборган. Сири фош бўлгач, қочишга мажбур бўлган!

– Кенгаш нима учун уни ўлимга маҳкум этди?

– Наркотик моддаларни мафия отасига етказиб бериш билан шуғулланган! Бундан ташқари, Faфур тўдадаги барча маҳфий маълумотлардан хабардор. Гурух аъзолари қайси жойларда яшайди, нима ишлар қиласи, кимлардан топшириқ олади, қаерни портлатиш ва кимларни ўлдириш тўғрисидаги маълумотлар ҳам айнан унинг қўлида сақланган. Буларни сотиб қўйса, кенгашнинг узоқ йиллар давомида ишлаб чиқсан режалари барбод бўлади. Раҳбарлари шундан хавотирланишмоқда. Бошига катта миқдорда пул тикишларининг боиси шунда!

– Қанча тикишибди?

– Юз минг доллар!

– Боши тилладанми? – кулди полковник.

– Кенгашнинг маҳфий ҳужжатлари улар тиккан пулдан қимматроқ! Колаверса, ўзбек разведкаси икки йилдан бери унинг изига тушган..

– У ўзбекларга зарур экан, эҳтиёт чорасини кўр. Бўрондан фойдаланишимиз учун у бизга имконият-

лар эшигини очиб бериши мумкин. Иккинчи маълумотинг нима ҳақида?

– Бу хабарни куни кечагина олдик. Ходимларимизнинг маълум қилишича, марказий жосуслик бошқармаси Бўронни назоратга олган. Абдуллоҳи ӯлдириб, ўрнига Бўрондан фойдаланишни режалаштиришган. Қаршилик қўрсатгудек бўлса, фарзандини гаровга олишмоқчи.

– Хотини борми?

– Ўлган!

– Фарзанди ким билан яшайди?

– Кўшниларидан бири энагалик қиласди.

– Бу ҳам яхши маълумот. Менимча, ҳар икки хабардан ўзбекларни огоҳ қилсак бўлади. Лекин бироз кутишга тўғри келади. Аввал музокара ўтказайлик. Қўлимизда уларни қизиқтираётган муҳим маълумотлар борлигига ишора қиласйлик. Ўйлайманки, сенинг қўлингдаги ҳар икки хабар ўзбекларни бефарқ қолдирмайди. Улар ўз ходимларининг ҳаётини сақлаб қолиш ваFaурни қўлга олиш учун биз томонимиздан қўйиладиган талабларга рози бўлишади.

– Тушунарли, ўртоқ полковник!

– Ҳозир Абдуллоҳ қаерда?

– Ўлган!

– Ўлганми, ӯлдирилганми?

– Овқатига заҳар қўшилган.

– Демак, мақсад сари бир қадам қўйилган.

– Faурни қўлга олайликми?

– Ҳозирча назоратда турсин. Зарур пайтда қўлга оламиз. Бугуноқ Тошкент билан боғлан, – деди бошлиқ. – Лекин ўзимиз томонимиздан қўйиладиган талабларни айтишга шошилма! Аввал уларнинг фикрини ўрганайлик. Faурнинг шу атрофда юрганини эслатиб қўй.

Евтушенко хонасига кирганида телефон жиринглади.

— Эшитаман, — деди подполковник гүшакни олиб.

— Faфур хонасида йўқ! — деди қўнғироқ қилган ходим. — Ҳозирча шахси аниқланмаган одамни ярим тунда ўлдириб, фойиб бўлган!

— Аэропортлар, темир йўл бекатлари зудлик билан назоратга олинсин. Москвадан чиқиб кетса, билб қўй, тухумингни сувуриб оламан!

Кутилмаган хабар Евтушенкони таҳликага солиб қўйди.

БИШКЕК

Яхёнинг Бишкекдаги ижарага олган хонасига тўпланган меҳмонлар ичкарига кириб келган одамни қўриб, ўринларидан туришди ва қўлларини кўксига қўйиб, саломлашишди. Кўринишидан ўзига ҳаддан ортиқ бино қўйган бу кимса Арабистондан ташриф буюрган Ориф афанди эди. Унинг келиб чиқиши ва мақсадлари тўғрисида Қирғизистон разведка бошқармасининг архивида шундай маълумот сақланарди:

МАЪЛУМОТНОМАДАН КЎЧИРМА

Ориф Абдумалик ўғли 1950 йили Туркияning Измир шаҳрида, мұхажир Абдумалик Носир ўғли оиласида туғилган. Ота-онаси ўтган асрнинг ишгирма олтинчи йилида Талас қишлоғидан қулоқ сифатида бадарга қилинганд. Саксонинчи ишларда Ориф афанди таҳсил олиш мақсадида Германия Федератив Республикасида бўлган. Бу ерда туркӣ миллат вакиллари билан танишган. Шўро

хүкумати таркибидан Ўрта Осиё давлатларини ажратиб олиши мақсадида яширин фаолият юрита-ётган гурұх таркибига кирған. Миллатпаратлиги билан жосуслык бошқармасининг эътиборига тушған. 1978 йили мамлакатнинг гарбидаги диверсия ва құйторувчилик ишларига тайёрлайдиган курсга қабул қилинганды. 1985 йили Ориф афанди қалбаки-лаштирилған паспорт билан Қирғизистон Республикасига сәйәх сифатида ташриф буюрган. 1989 йили иккінчи бор қайтиб келған. Одамлар ораси-да диний мажароларни көлтириб чиқарадиган варақаларни тарқатған ва Қирғизистондан чиқариб юборилған. 1992 йили Ориф афанди Ўрхон Жамол номига расмийлаштирилған соҳта паспорт билан учинчи бор Қирғизистонда бўлған. Ўш ва Жалобод вилоятларида, ўзига аввалдан таниш бўлған ақидапаратлар билан алоқа ўрнатған. Ақидапа-растлик гояларини тарғиб этувчи варақаларни, китобларни, адабиётларни тарқатған.

Ҳақиқатан ҳам Ориф афанди 1990 йиллар бошида Мехмед Чегечи, Амирий ва бошқалар билан тилла-шиб, атрофига беш юздан зиёд миллатчини жамлайды. Раҳнамолар Ориф афандини Қирғизистонда-ги ички вазиятни издан чиқариши ва миллатларни бир-бирига гижгижлаш мақсадида ҳамёнларидаги ақчаларини аяшмайды. У устозларининг ўғитлари-га амал қилди. Тоғли худудларда яшәтганды қирғиз миллатига мансуб ахолини Ўш, Жалобод, Ўзган шаҳарларига кўчириб тушишга даъват этди. «Қирғи-зистонда фақат қирғизлар яшашы керак, ўзга мил-лат вакилларидан бўлған амалдор ва мансабдорлар лавозимидан четлатилсинг», деган гоялар билан ўз одамларини куроллантиради. Бироқ Ориф афанди

кутган воқеалар содир этилмайди. Асрлар давомида бир тупроқда, бир қишлоқ, бир овулда яшаётган миллат вакиллари уларнинг мақсадларини тушуниб этишади. Ориф афанди хуфиёна ишларини давом эттиради...

Чегечи ва Амирий Ориф афандини Қирғизистонда олиб бораётган ишларидан мамнун эдилар. Улар тутаётган алангага мой сепиш, бутун бир мамлакатни олов ичида кўриш, ўз ҳукмронликларини ўрнатиш, шу йўл билан бу ўлкани иккинчи Афғонистонга айлантириш мақсадида ғазналарининг эшигини очиб беришди. Афанди жирканмасдан, ҳатто уялмасдан оғзига сиққан маблағини олишга ҳақли эди. Бироқ Ориф яна қирғиз чекистларининг эътиборига тушиб қолди.

У бадарга қилинган бўлса-да, миллатчи, ақида-параст одамлар қалбига ўзининг заҳарли фояларини сингдиришга, ишини давом эттирадиган «шогирд»лар тайёрлашга улгурганди. Улар пировардида қон тўкилишга олиб келадиган сабабларни қидиришарди. Охир-оқибат, тарих саҳифаларига қонли ҳарфлар билан битилган, шу пайтгача инсоният кўзи кўриб, қулоғи эшитмаган қонли воқеалар содир этилди.

Йиллар ўтган бўлса-да, Ориф афандининг кўнглидаги умид чироги ўчмаганди. Бугун бўлмаса эртага ўзи танлаган одамни ҳокимият тепасига ўтқазишга ишонарди. Амал ва мансаб иштиёқи уни бир неча ўн минг чақирим масофадан Қирғизистон томон оҳанрабодек тортарди. Бу орада Башир билан яқиндан танишди. Унинг Бишкекка уруш эълон қилганини эшитиб, зудлик билан Қирғизистонга учиб келганди. Ўзининг эски танишларини тўплади.

— Талабларимизни инкор қылган одамлар билан келиша олмаймиз, — деди Ориф афанди ўтирганларга қаратади. — Башир жаноблари Қирғизистонга уруш эълон қилдилар. Бу уруш милтиқларсиз олиб борилади. Жанггоҳларда фоялар жанги бошланади. Ўзларингга аёнки, бу юртда кўп миллатли одамлар яшайди. Биз аввало улар ўртасида низо чиқаришимиз, уларни бир-бирларига гижгижлашимиз зарур. Жанжалга сабаб бўладиган баҳоналарни ўйлаб топсак, ўзларининг қонларини ўзлари тўкишади. Ҳукумат бу тўполонни босиш билан овора бўлганида, биз бошқа режаларимизни амалга оширамиз. Мудофаа вазирлиги, милиция ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳукуматнинг юқори мансабдор шахсларини қўлга оламиз. Улар қўлимида бўлса, ҳукумат талабимизни бажаришга мажбур бўлади. Гаровга олган ҳар бир мансабдор шахс учун кенгаш раҳбарлари ўттиз минг доллардан мукофот ажратган. Худойбергановнинг боши учун эса юз минг доллар суюнчи.

Йиғинга Эржигит ҳам таклиф этилганди. Бурчакда ўтирасар экан, Ориф афандининг оғзидан чиқаётган пуллардан эсанкираб, боши айланиб қолаёзди. «Бунча пулларни қаердан олишмоқда?» деган савол хаёлидан кетмасди. Ориф афандининг қисиқ кўзлари, ниҳоят, Эржигитда тўхтади.

— Ҳукуматни қўлга олганимиздан сўнг ҳокимиyat тепасига ишончли ва содик одамимизни қўямиз. Кенгашнинг қарорига биноан бундай ишончга Эржигит жаноблари лойиқ!

Ўтирганлар Эржигитга қараб қўйишиди. Унинг юзи шолғомдек қизариб кетганди. Қўлини кўксига қўйиб, мансаб инъом этган раҳнамога миннатдорчилигини изҳор қилди.

— Худойберганов менга тириклайин керак, — деди Яхё. — Уни қўлга олиш режасини тузиб чиқмоғимиз жоиз. Таклифларингни айтинглар?

Эржигит давлат раҳбари ёрдамчисининг қачон ва қаерда дам олишини яхши биларди.

— Худойберганов якшанба куни шаҳар четидаги дала ҳовлисида бўлади, — деди.

— Соқчилари биланми?

— У соқчисиз юради.

— Айни муддао!

— Бу вазифани ўзингиз бажарасиз! Керакли одамларни ёнингизга олинг, ҳар бирига ўн минг доллардан тухфа қилинг! — Ориф афанди бир боғлам пулни Эржигитнинг олдига ташлади. Кейин Яхёга қаради.

— Масъул идора раҳбарларини гаровга олиш билан сиз шуғулланасиз. Якшанба куни тонгда топшириқ бажарилганлигини Башир жаноблари эшитишни истайдилар.

— Гаровга олинганларни қаерда сақлаймиз?

— «Аждарфор»га олиб борасизлар. Ўша жойда сўроқ қиласиз. Миллий масалалар билан ўзим шуғулланаман. Ўш, Жалолобод, Олабуқа, Боткент шаҳарларига одамларимни ташлаганман. Улар ишни бошлишган.

Эржигит одамларига қўнғироқ қилиб, тўпланадиган жойни маълум қилди. Улар ярим тунда учрашдилар.

— Ўйлайманки, мени уялтириб қўймайсизлар! — деди Эржигит уларнинг олдига ўн минг доллардан ташлаб.

— Хавотир олманг, биз қилган ишимиздан ис чиқармаймиз! — одамлари унга шундай жавоб қайта-ришди. — Ишга қачон киришамиз?

– Бугундан бошлайсиз!

Худойберганов ярим кечагача ухламасди. Раҳбарнинг Олмаотада бўладиган кенгашда ўқийдиган нутқини ёзиб чиқди. Боши ёстиққа текканида соат тунги икки бўлганди. Эржигитнинг одамлари аллақачон давлат маслаҳатчисининг уйига етиб келишганди. Улар ҳеч кимнинг назари тушмайдиган овлоқ жойга яшириниб, чироқ ўчишини кутишарди. Чироқ ўчган заҳотиёқ ҳаммалари яширган жойларидан худди суваракдек чиқиб келишди. Девор ошиб, бирин-кетин ичкарига киришди. Эшикни тепиб синдиришди. Худойберганов бошини кўтаришга улгурмади. Босқинчилар унинг устига ташланишиди. Кўл-оёқларини қайириб, боғлашди. Оғзига скоч ёпишириб, бошига қоп кийдириб, ташқарига олиб чиқишиди. Гугурт ёқишлиари билан машина етиб келди. Худойберганов уларнинг кўлидан чиқишга чира нарди.

– Кўпам типирчилайверма, манноп! – деди босқинчилардан бири ёрдамчининг бошига уриб. – Энди кунинг битди! Бизнинг таклифимизга кўнмадинг, бари бир қўлимиз баланд келди. Энди сенга ўхшаганлар хизматимизни қиласди.

Худойберганов нимадир деди. Эржигит тушунмади, аммо онасидан келиб сўкинаётганини юраги сезди. У ёнидагиларга буйруқ берди.

– Нега оғизларингни очиб турибсизлар?! Етти буклаб, багажга тиқинглар!

Юзларини ниқоб билан яширган босқинчилар Худойбергановни даст кўтариб, оёқларини қайириб, юхонанага солишиди.

– Шу пайтгача яйраб, хоҳлаганингча ўйнаб-кулиб, бизларни назар-писанд қилмай яшадинг. Энди

шундай тор жойларда бошинг айланса, орқанг айланмай яшайсан. Дунё кенг эмаслигини билиб қўй!
– Эржигит зарб билан капотни ёпди.

Машина Яҳёнинг қароргоҳи томон йўл олди...

– Мен ёнаётган уйни кўриб, кайф қилишни истайман!

Эржигит канистрдаги бензинни олиб, ичкарига кирди. Кўшни хонада ёрдамчининг хотини ва болалари ухлаб ётишарди. Эржигит уйнинг атрофига бензин сепиб чиқди. Гугуртни чақиб ерга ташлаши биланоқ, алнга кўтарилди. Олов деразаларга, томга, ёғочларга чирмовуқдай ёпишли. Эржигит кўлларини бир-бирига ишқалаб, мириқиб кулди.

– Уйингнинг, болаларингнинг ёнаётганини бир кўрсанг эди, – деди овозини чиқариб. – Афсус, ҳеч бўлмаса зурриётларингнинг додини эшитмайсан-да!
– олов унинг кувончдан ёришган юзини қизил рангга бўяганди. Эржигит орқага қайтди.

Худди шу пайтда босқинчилар Худойбергановни ўз қароргоҳларига олиб келишганди. Яҳё уни ертўлага олиб тушишларини буюрди. Кейин ўзи ҳам пастга тушди. Бандининг бошидан қопни, кўзларидан тасмани олди.

– Биз ертўлада эмас, шинам хоналарда, юмшоқ курсиларда ўтириб, мамлакат тақдирини ҳал қилишимиз керак эди, – деди иршайиб. – Афсуски, бизнинг таклифимизни қабул қилмадинг!

Худойберганов бу ишларнинг тепасида Эржигит турганлигидан огоҳ эди.

– Пушаймон эмасман! – деди қаршисида кўзлари чақнаб турган Яҳёнинг юзига тикилиб.

– Гапларингдан қўрс ва қўполлигинг билиниб туриби.

— Мени тушунганингдан хурсандман! Мақсадингни айт?

— Талабимизни одамларимиз айтишган!

— Агар ўша талаб бўлса, бу мавзуда гаплашиш ортиқча! — Худойберганов бошқа гапга ўрин қолдирмади.

— Бир-биримизни тушундик! — зардали овозда деди Яҳё.

У ортидаги йигитларга қараб қўйди. Улар ёрдамчини цемент устига ётқизиши. Кийимларини йиртиб ташлаши. Тўрт томонга арқон тортиб, кўл-оёқларини боғлаб осиши. Ёрдамчининг танаси беланчак мисоли чайқалиб турарди.

— Сўзингдан ҳали ҳам қайтмадингми? — Яҳё унга чақчайиб қаради.

— Мақсадинг ўлдириш бўлса, отиб ташла, жоними ни қийнама!

— Ўзингни ватан учун қурбон қилмоқчимисан? — Яҳё унинг социдан чанглаб, қизарган юзини ўзига қаратди. Худойберганов буларнинг кўлидан омончик маслигига ақли етди ва Яҳёning юзига тупурди.

— Хоин! Исқирт! Қийноқларинг билан мени кўрқитолмайсан! Ватанни сотиб, роҳатда яшагандан кўра, ватан йўлида азоб чекиб ўлиш — шараф!

Яҳё қутуриб кетди. Кўлига таёқни олди-да, ёрдамчининг кўкрагига солди. Унинг суюкларининг қирсиллаган овози, кейин бақирган товуши ертўлада момақалдироқдек гумбурлади.

— Аввал суюкларингни синдираман, кейин қонингни ичаман! Охири, гўштингни итларимга едираман! — бақирди телбавор қиёфага кирган Яҳё. Бунга жавобан жони ҳалқумига келган ёрдамчи, «ўлдир, от», деган сўзларни тилига олди. Яҳё уни осонликча енголмаслигини ва измига бўйсундиролмаслигини ту-

шуниб, баттар қутурди. Таёқ билан рақибининг дуч келган жойига савалади. Охир-оқибат, бандининг суяклари синиб, гавдаси осилиб қолди.

— Итдан тарқаган ҳароми, биздан бир парча тошли ерингни қизғандингми? Қўлимизда азоб чекиб ўлишни ўзинг учун шараф, деб билдингми? Билиб қўй, сен қизғанганд ерингга жасадингни қўйиш насиб қилмайди! Биз ўлигингни худди ҳиндулардай ёқиб ташлаймиз. Кулга айланасан! Сендай нокаслар учун қабр қазиб ўтириш керак эмас! — Яхё нима қилаётганини билмасди. Жазавага тушиб, таёқ билан ёрдамчининг дуч келган жойига соларди. Таёқ синди, қўллари толикди, кийимлари қизил қонга беланди. Худойберганов ҳеч нарсани ҳис этмасди. Ўликдай қотиб қолганди. Ташқаридаги одамларидан бири кирди.

— Худойбергановнинг уйи ёняпти! — деди у бошлиғига. Шунда Яхё қўлидаги ярми синган таёқни ташлаб, ташқарига чиқди.

Шахар ўртасидаги икки қаватли бино гуриллаб ёнарди. Эндиғина уйғонаётган қуёш тун юзига тортилган чимматни қўтариб борарди. Эржигит узоққа кетмаганди. Аланганинг тобора кўкка қўтарилишидан, қимматбаҳо жиҳозларни, муҳими, уй ичида қолган Худойбергановнинг хотини ҳамда фарзандларининг ёниб, кулга айланашётганидан ҳузур қиласарди, кайф қиласарди. Қўлларини ёйиб, турган жойида ирғишилаб, ичаги узилгудек куларди.

— Битта қолмай ёниб кетсин, менга деса бутун шаҳар олов ичида қолсин! — деди ёнаётган уйдан кўзини олмай.

Айни дамда иккинчи гурух ҳукумат раҳбарларини қўлга олиш билан машғул эди.

САМАНГАН

Эргаш ҳамон йўл пойларди. Боя Жалолнинг йўлини пойлаган бўлса, энди уч йигитни эргаштириб кетган Санжарни кутарди. Кетганига уч соатдан ўтган бўлса-да, унинг қайтиб келмаётганидан юраги сиқиларди. Нега келмаяпти? Червон хоним ҳақиқатан ҳам Жалолни эргаштириб кетгани чинми? Агар улар узоққа кетишмаганида, одамлари аллақачон қайтишган бўларди. Ишқилиб, топсин-да. Кўлдан чиқариб юборса, бошида яна маломат тоши айланади. Баширга кун туғади. Мехмед Чегечининг тили узаяди. Бир пулга қиммат бўлиб қолади. Кенгаш бошлигининг топшириғи билан Коратегиндаги жангарилар бирлашадиган бўлса, Чегечи, албатта, Мирзони бошлиқ этиб тайинлади. «Бунга йўл қўйиб бўлмайди, – Эргашнинг дилига келган сўз ихтиёrsиз тилига чиқди. Яна такрорлади: – Йўл қўйиб бўлмайди!»

Эргаш ўйга толиб ўтирас экан, шу томон келаётган одамнинг шарпасини кўриб, юраги дукиллаб кетди.

Санжар шерикларини эргаштириб, тужек лўкиллаб келарди. Эргашнинг йўл пойлаб, кўзидан уйқу қочиб ўтирганини биларди. Шу мақсадда тезроқ чопишига, тезроқ хўжайнинг оёғи остига қувфиндининг бошини ташлашга ошиқарди. Сўқмоқ хатарли эди. Тоғларнинг қоялари ой нурини тўсиб, йўлни зулмат пардасига ўраганди. Оёғи тойийдиган бўлса ёки бир тошга қоқилиб кетгудай бўлса, туби кўринмас жарга учиб кетиши ҳеч гап эмас. Аммо бу на Санжарнинг, на ортидагиларнинг эсига келарди. Улар тинимсиз чопарди, лагерга тезроқ этиб олишга шошишарди. Ҳаммаларининг назарида изларидан

чегарачилар қувлаб келаётганга ўхшарди. Шундан кўркишарди, шундан хавфсираб, илдамроқ чопишарди. Орқада хонимнинг бошини қўтариб олган Турғун оксоқ итдай лўкиллаб келарди. Латтачуваланиб, бошнинг ярми очилиб қолганди. Узун соchlар тошларни супуриб борарди. Турғун буни кўрмасди ва аҳамият ҳам бермасди. Шериклари олислаб кетишганди. Уларга етиб олиш мақсадида каттароқ қадам ташларди. Юраги вахима ва кўркувдан кўйксини ёриб чиккудек гурсиллаб тепарди. Вужуди ҳолсизликдан бўшашиб, оёқларини зўрга қўтариб ташларди. Коптодек бошни қўлтиқлаб чопиш осон эмасди. Бош қўлтиғидан сирғалиб тушиб кетай дерди. Қаттиқроқ бағрига босишга мажбур бўларди. Шилимшиқ қон кўйлагини нам қилиб, баданига ўтганди. Гоҳ-гоҳида қўллари билан оёқларига тегиб турган соchlарни йиғишириб, латта ичига тиқар, шунда нигоҳи хонимнинг очиқ қолган кўзларига тушарди. «Яна мени Эргашбойнинг олдига олиб кетяпсизми, Турғунбой?» деяётгандай туюларди. Бадани ток ургандай жимиirlаб, кўркиб, бошни жарга улоқтириб юборгиси келарди.

«О, лаънати, шу соchlаринг бошимга бало бўлмаса гўрга эди. Бўриларга дуч келтирмаса эди. Анави абллаҳлар мени ҳам унутиб, жонлари кўзига кўриниб, бирортаси орқасига қарамайди, кўлимдагини олай ҳам демайди», ўзича минғирлаб борарди Турғун. У бир зум тўхтаб, хонимнинг йўғон, аммо титилиб,чувалашиб кетган соchlарини йиғиб, латта ичига тиқиб олди. Қанчалар қарамасликка ҳаракат қилмасин, кўзлари аёлнинг шамдай қотиб қолган нигоҳи билан учрашди. Лаби тортилиб, тилла тишлари ялтираб турарди.

Хонимнинг овози қулоғига чалингандай бўлди. «Чарчадингизми, Турғунбой? Бир нафас дамингиз-

ни олинг. Бўридан қўрқманг. У бу ерларга қайтиб келмайди». Турғун ўттиз қадамлар нарида кетаётган шерикларининг ортидан қичқирди.

— Тўхтанглар!

Унинг ёқимсиз овози теварак-атрофдаги тошларга урилиб, садо таратди.

Ҳаммалари тўхташди.

— Тезроқ кела қол! — қичқирди Санжар.

— Кўлимдагини олсаларинг-чи?

— Чоп! Кутишга вақтимиз йўқ!

«Нега шуни қўлимга ола қолдим?» яна ўзини ўзи койиди Турғун. У шерикларини куттирмаслик ва сўкиш эшиитмаслик мақсадида жони ҳалкумiga келиб чопарди. «Бориб, буни бирортасининг қўлига тутқазиб қўяман», деб хаёл қилар ва тезлигини ошириш мақсадида қадамини илдамлатарди. Олдинда бораётган шериклари уни кутишни исташмасди. Яқинлашай деганида, яна чопиб кетишарди. Тоғ йўлларида юриш осон эмасди. Ҳар қадамда тошлар думалаб ётарди. Турғун қоқилиб тушмасликка ҳаракат қиласди. Йўқ, у бари бир оёғи тошга тегиб, ўмбалок ошиб, ерга йиқилди. Қўлидаги калла ўзидан икки қадам нарига бориб тушди. Шундоқ ёни пастлик эди. Турғун ўзини бошқара олмади. Ушлаган тоши билан бирга тубсиз жарга шўнғиди. Ўлим муқаррар эканлигини, ҳеч ким энди унинг жонига оро киролмаслигига ақли етиб, овозининг борича қичқирди. Унинг овозини эшитган шериклари тўхташди ва ортга қайрилишди. Турғун йўлда кўринмасди. Ер ютгандай фойиб бўлганди.

— Турғун! Ҳой, Турғун! Ўликмисан, тирикмисан?! Жавоб бер?! — қичқиришди шериклари.

Жангарилар ортга қайтиб келишганида ҳамон қирғоқдан майда тошлар сирпаниб пастига тушиб-тушиб турарди. Зулмат жангарини ўз комига ютганди.

— Баш қаерда қолди? — сўради ташвишланиб Санжар.

— Ўзи билан бирга жарга олиб тушиб кетган бўлса керак, — жавоб қилди кимдир.

— Иш ҳаром бўлибди, энди бошлиқдан балога қоламиз.

— Ахир биз хонимни ўлдирдик-ку?

— Ишонмайди! «Бошни қўзим билан қўраман, оёғим остига келтириб ташлайсан!» — деган.

— Балки жарга тушармиз.

— Ўлгинг келяптими?

— Қуруқ қўл билан қайтсак, бизни хўжайнинг ўзи ўлдиради-ку!

— Ўлдириб нима фойда топарди?

— Ўлдирмай нима фойда топади!

— Унда сен туша қол, — деди Санжар маҳмадона шеригига қараб.

Жангарилар теварак-атрофни титиб чиқиши. Тошларни ушлаб, тепишди. Шундан улардан бири оёғи остида ётган каллани кўриб қолди.

— Топдим! Мана, бу ерда экан! — деди бақириб.

Ҳаммалари келиши. Сочлари тўзиб, совук қўзла-ри тепага битиб қолган бошни қўлга олишга атроф-дагиларнинг юраги бетламади..

— Ҳайдар, каллани ол! — буюрди Санжар.

— Мен қўрқаман! — ўзини четга тортди Ҳайдар.

— Эркакмисан? Нимадан қўрқасан, тентак, ахир у ўлган одамнинг боши-ку! Сени еб қўймайди.

— Еб қўймагани билан тушимга киради. Шерматга ўхшаб жинни бўлиб қолайми?!

Тортишиб ўтиришнинг мавриди эмасди. Вақт ўтиб борарди. Лагерда Эргаш уларни кўзи тўрт бўлиб кутмоқда.

Санжар хамёнидан эллик доллар олиб, Ҳайдарга узатди. У пулни кўрган заҳотиёқ, лабининг таноби қочди:

– Пул – юракнинг қуввати! – деди долларни чўнтағига жойлаб. Кейин каллани қўлига олди. Ҳаммалари аввалгидек чопиб кетишидди.

Эргаш ортига қараганда, кўзи ўн қадам нарида турган одамга тушди. Соқчилардан бошқа ҳамма ухлаб қолганди. «У ким, нега келаётганини соқчилар кўришмади», ўйлади. Бақирмоқчи бўлди, аммо келаётган одамни таниди.

– Шермат?!

Кийимлари йиртилиб, далва-далва бўлиб кетган галдирсифат қиёфага кириб қолган Шерматнинг йифламсираган овози келди:

– Хўжайин, мен келдим! Воҳиднинг бошида шароб ичаман, деб ваъда бергандингиз, олиб келдим. Иккимиз бир майхўрлик қиласайлик!

Эргаш унинг ақлдан озганини, кечалари шу атрофда дайдиб юришини соқчиларидан эшишганди.

– О, палакат, сен ювуқсиз етишмай турувдинг ҳозир, – деди. – Бор, кўзимга кўринма!

– Хўжайин, ваъдага вафо қилиш керак-да. Мен қачонгача каллани кўтариб юраман? Ташлаб юборсан, Воҳид хафа бўлади. Келинг, иккимиз бир шаробхўрлик қиласайлик!

– Соқчи! – қичқирди тўдабоши.

Унинг овозини эшишиб, иккита йигит югуриб келди.

– Манави думбулни йўқот, бу ердан!

Улар Шерматнинг қаршилигига қарамай, қўлтиғидан олишиб, судраб кетишиди.

– Хўжайин ваъдаларида турмадилар! – йиғлаб бақирарди телба. – Ахир, шунда шароб ичаман, деб қасам ичувдингиз!..

«Ё, Раббий! Нималар бўляпти, ўзи?! Бу кетища ўзим ҳам телба бўлиб қоламан-ку! Ўзинг кечир!» лаблари дириллаб, ўзи билан ўзи гаплашгандек деди Эргаш. У ҳақиқатан ҳам қўрқиб кетганди. Орқага қайрилди. Шунда у шу лагер томон келаётган уч одамни кўрди. Ким бўлди булар? Эргашнинг юрагидаги фашлик пардаси кўтарилиб, ўрнидан турди. Коронғи бўлса-да, Санжарнинг юришидан таниди. У кела солиб, тўдабошининг оёғи остига каллани ташлади.

– Чегарага етиб борган экан, хўжайин. Симтўсик олдида тутиб олдик.

– Жалол қани?

Санжар дудуқланди.

– Нима бўлди унга?

– Хўжайин, – Санжар уни бўрилар ғажиб кетганини айтишга сўз тополмади.

– Гапирсанг-чи, ит? Жалолга нима бўлди? – «Искабтопар»га чақчайиб қаради тўдабоши.

– Бўри ғажиб кетибди, хўжайин!

– Ёлғон айтасан, ҳароми!

– Каломулла урсин, хўжайин, шерикларим ҳам кўришиди.

– У чегарадан ўтиб кетган! – ишонгиси келмасди Эргашнинг. – Сенлар атайлаб қочиргансанлар. Ожиз бир аёлни осонгина тутиб олгансанлар!

– Ишонмасангиз, ўлигини олиб келишимиз мумкин!

– Нега олиб келмадинг?! – баттар қутурди тўдабоши.

– Гапимизга ишонасиз деб...

– Қайт изингга, ит! Ернинг тагидан бўлса ҳам Жалолнинг калласини топиб кел! Куруқ қайтадиган бўлсанг, боингни ўзим узаман!

Санжар ноқулай аҳволга тушди. Унинг ортга қайтишдан ўзга чораси қолмаганди. Бир ўзи довон томон йўл олди.

– Яна биттанг кўринмаяпти? – қўл қовуштириб турган икки жангаридан сўради тўдабоши.

– У жарга йиқилиб тушди, амирим, – бошини эгиб минфирилади йигитлардан бири.

– Атайн итариб юборгандирсанлар-да!

Йигитларнинг юраги тўхтаб қолаёзди. Лекин тўдабоши бошқа гапирмади. У оёғи остида матога ўралган бошга қаради. Энкайиб, чўчинкираб, қўлининг учи билан матонинг четини кўтарди. Хонимнинг бақрайган кўзларини кўриб, юраги сесканди.

– Буни майдоннинг ўртасига олиб бориб, қозикقا илинглар! Эрталаб ҳамма кўрсин! Қочоқлар шундай жазоланишини билиб қўйишишинг!

Эргаш йигитларга шу сўзларни айтиб, чодири томон юриб кетди. У тўшакка чўзилди-ю, бироқ миасида фужон ўйнаётган ўй-фикрлардан қутуломмади. Энди нима қилиш керак, деган саволга жавоб тополмай қийналарди. «Ишончли одамларим бирин-кетин ўлмоқда. Санжарни ёлғиз жўнатиб, хатога йўл қўймадимми? У ҳам бирорта йиртқичнинг домига тушиб, ўлиб кетмасайди.»

Тонг сахарда эшик тақиллади. Эргаш чўчиб, кўзларини очди.

– Кимсан?

- Менман, хўжайин...
- Тўдабоши ташқаридаги одамнинг овозидан таниди.
- Кир!
- Бахтиёр кирди.
- Уйғоқмисиз, хўжайин? — паст овозда сўради келгувчи.
- Нима дейсан?
- Хунук хабар...
- Эргаш сапчиб турди.
- Нима гап? Ким қочди?
- Хонимнинг ходага илинган калласи йўқ!
- Нима?!
- Кимдир олиб кетибди!
- Нега олиб кетади? Сенларнинг кўзинг қаерда эди?!
- Хўжайин...
- Топинглар!
- Хўжайин...
- Гапир, жонинг узилгур!
- Ходага... яхшиси, ўзингиз ташқарига чиқинг,
- ялинди Бахтиёр. У ниманидир айтишдан қўрқаётганини тўдабоши сезди. Ўзининг ҳам юрагига фулгула тушди. Ташқарига чиқди. Яйловга жангрилар йифилганди. Узун хода кўриниб турарди. Учи бўш эмасди. Эргаш яқин борди-ю, хода учига илинган бошни кўриб, қўллари билан юзини чангллаб, қичкириб юборди:
- Бу кимнинг иши?!

ЮРТДА

Ўн минг долларни ҳамёнига жойлаб, тоғ-у тошлардан ошиб, бийдай дала-даштларни кезиб, ниҳоят, чегарага етиб келган Зиёга дарёнинг қайси жо-

Йидан кечиб ўтишни яхшигина тушунтиришганди. Қандаҳор шаҳрида бу тӯғрида унга сабоқ беришганди. Аввалдан кўриб-билиб юргандай саёс жойни қийналмай топди. Кийимларини ечиб, тугунга туғиб, бошига қўйиб, ўзини дарёга ташлади. Сув совук эди. Баданига игнадек санчилди. Қулоч отиб, соҳил томон сузди. Оқин кучли эмасди. Қийналиб, азоб-уқубатлар тортиб, соҳилга ўтиб олди. Бадани ҳам совукдан, ҳам қўркувдан дир-дир қалтиради. Чегарачилар қайсиdir тошнинг ортида уни кузатиб тургандек, ҳозир келиб, «Қўлингни кўтар, олдимизга туш!» дейдигандек туюларди. Ой чиқмаган тун эди. Борлик мудрарди. Зиё ўзини юлфунзор ичига урди. Тинимсиз йўл босди. Бу ерга чегарачилар келмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ўра ичига тушиб, шоҳ-шаббаларни йифиб, гулхан ёқиб, кийимларини қуритди. Баданига иссиқ юргургач, яна йўлга тушди. Икки кун ухламади. Чўнтағидаги ўттиз минг, Эргашнинг қўлида қолган етмиш минг доллар уни ҳар сонияда йўл юришга ундарди. Ахир, пул уни кутяпти! Юз минг доллар! Айтишга осон. Оғзингнинг бир чеккасидан елдай чиқиб кетади. Шунча пулни қўлга киритиш учун одамлар йиллаб, керак бўлса, умр бўйи азоб-уқубатлар исканжасида итдай дайдиб, жигари қон бўлиб ишлайди. Улар эришолмаган, фақат тушларига кириб чиқадиган ўша юз минг деган савил нақд бўлиб турибди. Фақат бир ҳафта ухламаса, тинимсиз йўл босса, айтилган бошни узиб, бир қошиқ қонни рўмолчасига юқтириб, ханжарни тўдабошининг оёғи остига ташласа, бас. Ҳаммаси рисоладагидай. Юз минг доллар ҳамёнида!

Зиё бели синмаган даста-даста пулларни кўз олдидан кетказолмай, йўл босарди, кўзларидан ширин

уйқуни ҳайдарди. Учинчи куни күёш ботганида, осмонга ой чиққанда Шарифнинг фермаси ёнида пайдо бўлди.

Ўша оқшом Ҳамдам калла Шарифни ҳол-жонига қўймай, бокқа бошлаб кетганди. «Бу кеча иккимиз боғда ётайлик, ҳавоси ўзгача бўлади», – деганди. Икковлари боғ айланишиди, Дов-дараҳтларни кўздан кечиришиди. Меваларни ҳидлаб кўришиди.

Шу воқеадан сўнг Ҳамдам калла чўлда қолишга аҳд қилганди. «Энди бирга ишлаймиз, ўғлим. Олтмиш бешга кириб, элга, юртга нафим тегмади. Беш кунлигим борми-йўқми – худога аён. Бофингга боғ-бон бўлай, мол-қўйларингга чўпон бўлай», – деганди. Шариф қариянинг раъйини қайтаролмай, олиб қолганди.

Иккиси боғ айланиб, қоронғи тушганини пайқамай қолишиди. Капага келиб, қумғон осиб, ўчоққа ўт ёқишиди. У ёқ бу ёқдан гурунглашиб ўтиришиди.

– Ўғлим, – деди Ҳамдам калла теварак-атрофга кўз ташлаб, – насиб қилса, паҳтани териб олганимиздан кейин мана бу баланд тепани текислатамиз, ер очамиз. Шу ерни ҳам бокқа қўшамиз. Худо хоҳласа, бир-икки йилдан сўнг боғимиз яна кенгаяди.

– Ниятим ҳам шундай, ота! – деди Шариф қариянинг гапидан завқланиб. – Эшитишимга қараганда, бир пайтлар бу ерларга одам кундуз куни ҳам юргани кўрқар экан. Қаранг, юракни сескантирадиган жойлар бугун боғ-роғларга, паҳтазорларга, фаллазорларга айланди.

– Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимизнинг шарофатидан, ўғлим. Шундай имкониятни яратиб берган хукуматимизга раҳмат.

Улар капага қайтиб келишди. Бундан кейин қилинадиган ишлар түғрисида анча вақт гурунглашиб ўтиришди. Чўлнинг фирмаси шабадаси дилларга қувонч олиб кираради. Олисларда чигирткалар чирилларди. Курилиш бўлаётган томонларда тунги сменада иш давом этарди. Аллақаерда қишлоқ ёшлари тўпланиб, концерт қўйиб, ўйин-кулги қилишарди.

— Корин ҳам очди. Озгина эт қовурайлик, — деди Шариф ва ўзи гўшт тўғрашга уннади. Ҳамдам калла ўрнидан турди.

— Мен шох-шабба териб келай, ўғлим! — деди.

У тепаликка тирмашди. Шариф ўчоқ бошида қолди. Ҳаёли ўзидан олисларга кетди. Келганига ҳам бир неча йил бўлди. Катта ишларни бажарди. Прокуратурага хат ташлаб, тўғри иш қилган экан, ортидан ҳеч ким излаб келмади. Гуноҳидан ўтишганига иқрор бўлди. Ҳалол меҳнат қилиб, тумандга обрў топди. Эл хурматига сазовор бўлди. Қиласиган ишлари ҳали талайгина. Ҳамдам калладек ишончли одам ёнида. Чўлда қолиб ишлашни ўзи учун баҳт, деб билди...

Зиё дарвоза ёнига келди-ю, аммо ичкарига киришга шошилмади. Вақт эрта эди. Ферманинг орқа томонига ўтди. Узоқдан бўлса ҳам Шарифни кўриш истагида девордан бўйлади. Бирок кўринмади. Дарвоза олдига қайтди. Қоровулдан сўради:

— Менга Шарифжон керак эди.

— У боқقا кетган, — деди қария қоронфиликда турган одамнинг мақсадини тушунмай.

— Бое узоқми?

Қоровул қўли билан қум тепаларни кўрсатди.

— Хуванави барханнинг ортида!

— Қайтиб келадими?

— Келмаса керак!

Ортиқча гаплашиб ўтиришга ҳожат йўқ эди. Қоровул унинг овозини эслаб қолиши мумкин. Зиё ортига бурилди. Чол кўрсатган тепалик томон юрди. Бархандан ошиб ўтганида димоғига ёқимли ис урилди. Кўзлари гуркираб ўсаётган дарахтларга тушди. Бошқа дунёга кириб қолгандай хис этди ўзини. Дов-дарахтлар орасида милтираб, гулхан ёнарди. Белини букиб, ўша томон юрди. Шарпа чиқармасдан бораради. Яқин келганида қулоғига фўнфир-фўнфир овоз чалинди. Шарифнинг овозидан таниди. Ёнида ўтирган қарияни эса танимади. Зиё қўйнига қўл солди. Тўппончанинг дастасидан чангаллади. Бирдан икки одамни отиб бўлмасди. Ўқ овозини эшитиб, тирик қолгани қочиши мумкин. Қолаверса, тўдабошига, «Шарифнинг бошини узаман», деб қасам ичган. Эргашга бориб, уни отдим, деса ишонмаслиги, муҳими, ўқинг хато кетган, деб пулни бермаслиги тайин. Зиё уларнинг ухлашини кутишга қарор қилди. Бир оз ўтгач, Шарифнинг ёнида ўтирган одам ўрнидан турди. Тепалик томонга юрди. Шариф ёнбошлади. Дарахтларнинг шох-шаббалари уни кўздан тўсди. Ҳамдам калла фойиб бўлиши биланоқ, Зиё дарахтларни паналаб, капага боришга қарор қилди.

Ҳамдам калла тепаликдан шох-шаббаларни терди. Зиё қум устида илондай судралиб, саксовул томон келарди. Тепаликка чиқсан қариянинг юрагига нимадир фулгула солди. Капа томон қаради. Кўзи дарахтларни паналаб бораётган нотаниш кимсага тушди. «Наҳотки яна келишган бўлса?» деб ўйлади. У пастга тушди. Сас чиқармай, Зиёни изма-из таъқиб қилди. Ўзини йўқотиб қўймади. Бир бошга бир ўлим, деб изма-из келаверди. Икки қадам оралиқ уларни ажратиб турарди. Зиё бутун дикқатини Шарифга қа-

ратгани боис, ортидаги одамни пайқамади. Шариф гүштни майдалаб бўлиб, кўрпачага ёнбошлаб, хаёл суреб ётарди. Ажал келтирувчи банда яқинлашаётганини сезмасди. Ҳамдам калланинг сабри чидами. Орадаги масофани бир ҳатлашда босиб ўтди-да, Зиёнинг ханжар тутган қўлига таёқ билан солди. Зиё ортидаги одамни кўриб, саросимага тушиб қолди. Бир муддат ўзига келолмади. Чол унинг гирибонидан тутди. Кўзлар учрашди. Улар бир-бирларини сўзсиз тушунишди. Зиё шу қадар қўрқиб кетгандики, ёнидан тўппончани олишни ҳам унуганди.

— Итнинг топширигини бажаргани келибсан-да, ит?! — Ҳамдам калланинг овозида қаҳр-ғазаб акс ётарди. — Шариф сенларга нима ёмонлик қилганди, қанжиқ?! Чўлга келиб, тинчгина меҳнат қилаётган йигит бошлиғингга ёқмай қолдими?

— Қўйиб юбор, минг доллар бераман!

— Сен итлар ҳамма нарсани пул билан ўлчайсанлар! Пул деб қон тўқасанлар, пул деб қон ичасанлар, жон оласанлар. Ўзингни сотасанлар! Билиб қўй, бу ўлканинг эгалари, «Ватаним деб, элим деб, ёниб яшайди». Ўз виждонларини, имон-эътиқодларини сотмайди. Фурури тоғдан баланд ўзбекни енгиб бўлмайди! Халқимиз сендек фаламис, ичи қора, худбин, имон-эътиқодини, туғилиб ўсган она юртини сариқ чақага сотадиган малайларнинг муқаддас чегарамизни ҳаром оёғи билан босиб ўтишига йўл қўймайди!

Зиё тўппончасини олиш мақсадида қўлинни кўтармоқчи бўлганида Ҳамдам калла унинг ялпок юзига пешонаси билан зарба берди. У ердан оёғи узилиб, тўнтарилиб тушди. Ҳамдам калла рақибининг қўлидаги тўппончани тортиб олди.

— Мени ўлдирма, истасанг, ҳозироқ бу ердан кетаман! Чўнтағимдаги жами пулларимни ташлаб кетаман. Илтимос, ўлдирма!

— Тавба-тазарруларингни Эргашга айтасан!

Ҳамдам калла оёфи остидаги ханжарни қўлига олди. Зиё қути ўчиб, безгак тутгандай қалтиарди.

— Бундай қилма! Раҳминг келсин! Қонимни тўксанг, гуноҳга ботасан. Ахир, муқаддас китобларда мўмин мўминнинг қонини тўкса, дўзахга тушади, дейилган. Сен художўй, намозхон одамсан-ку! Қандай қилиб мени ўлдиришга қўлинг боради?! Охиратингни ўйла!

— Мустақил ватанимнинг азиз тупроғига шум нијатда ҳаром қадамини қўйган, она халқига хиёнат қилган юртфуруш, хоинни ўлдириб, Қиёматгача дўзах ўтида ёнсам, мингдан-минг розиман! — Ҳамдам калла ханжарни Зиёнинг кўкрагига санчди. У овоз чиқармай, кўксини чангллаб, оғзини очиб, энти-киб-энтикиб ҳаво сўриб, типирчилаб, оёқлари билан кумларни титиб, ниҳоят тинчиб қолди. Ҳамдам калла жасадни тепалик ортига олиб ўтиб кўмди.

Қайтиб келганида Шариф ухлаб қолганди. Чол уни үйғотмади. Бўлиб ўтган ишларни билмагани дуруст, деб ўлади.

«Бу сўнгисими? Балки эрта-индин яна бирортаси келар! Энди ортга қайтишга, қўрқиб яшашга ўрин йўқ! Ватандамиз!»

САМАНГАН

«Чўтири» одамларнинг кўзидан нарида, лагердан унча узок бўлмаган, қоя остидаги горда кун кечи-рарди. Кўпчилик бу ерни унутиб юборганди. Тик

баландликдаги бу жойга чиқишига унча-мунча одамнинг юраги бетламасди. Тошлар омонат турғандай, оёқ тегса қулаб тушадигандек кўринарди. Унинг айнан мана шу хавфли жойни танлаганини ўзидан бошқа одам билмасди. У кундуз кунлари ичкаридан ташқарига чиқмасди. Бошини тошга кўйиб, фужанак бўлиб ухларди. Қоронфи тушгандагина ташқарига чиқар, тош устига ўтириб, кўзларини осмонга тикиб, тонг отгунча хаёл сурисиб, юртда ўтган ширин дамларини ёдга олиб ўтиради. У ўзининг шерикларидан қаттиқ ранжиганди. Дийдорларини кўришни эмас, балки овозларини эшитишни ҳам истамасди.. Айниқса, Эргашни кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди. Фикри зикри ундан қасос олишда эди. Бироқ ёлғиз ўзининг кўлидан нима ҳам келарди? Қолаверса, милтигини тортиб олишганди.

«Чўтири» форга кирган куни тош билан тулкини уриб, терисини шилиб, гўштини илиб қўйганди. Остига ялпоқ тошни кўйиб, устига целлофан қофозни ёйганди. Пашибалар ўтириб, гўштни қурт-қумурскалар босди. Улар кун сайин кўпайиб, катталашиб борарди. «Чўтири» очлик азобларини енгиш, кимсазиз форда ўлиб кетмаслик мақсадида кунига ўн донадан қурт ейишга мажбур бўларди.

Кўзлари қоронфиликка ўрганиб қолганди. Кечалари бир чақирим олисда қолган лагерда бўлаётган ишларни кузатиб ўтирас, одамларнинг юриш-туришидан кимлигини тезда таниб оларди. У нигоҳлари билан Червон хонимни изларди. «Эргаш зиндондан озод қилдими? Юртга қайтиб кетишга рухсат бердимикин?» Шу каби саволларга жавоб изларди.

Ўша куни «Чўтири» одатдагидек қуёш ботиши билан ичкаридан чиқди. Тош устига чўнқайиб, кўзла-

рини олис-олисларга тикиб ўтири. Ота-онасини, укаларини, қишлоғини, яқинларини соғинганди. Ўша соғин ташқарига чиққанда баттар кучайди. Ичидан нимадир узилиб тушгандек икки кўзидан иссиқ ёшлар оқди. Бу ердан аллақачон кетиши мумкин эди. Йёлинни ҳеч ким тўсмасди ҳам. Бироқ қандай қилиб юртга кириб боради? Кўрганлар нима деб ўйлашади? Олатидан, қулоғидан, забонидан айрилганига чидаш мумкин. Аммо киндик қони тўқилган юртига қарши қўлига қурол олган кимсаларга қўшилиб кетганини халқ кечиравмикин? Бундан кўра шу ерда, бошига шу қунларни солган Эргашдан қасос олиб, кейин ўлиб кетгани дуруст эмасми?

«Чўтири» тўдабошига нисбатан ўзининг адолатли ҳукмини мана шу форда ўқиганди. «Қонингни ичмасдан, хиёнаткор юрагингни суғуриб олмасдан ўлмайман!» Бу онтни деярли ҳар куни дилида такрорларди. Аламига чидаёлмай тошларни муштларди. Юрагидаги қасос ўти аланга олса олардики, аммо пасаймасди. Ҳеч ким уни аҳдидан қайтара олмасди. Бироқ ўша интиқом куни қачон келади, қачон унинг аламлардан зада бўлган виждони покланади – бечора йигит буни билмасди. Шунда ихтиёrsиз ўрнидан туриб, лагер томон жўнаб қолар, афсуски, яқинлашганида кўзига кўринмас одам кўкрагига қўлини тираб, йўлини тўсгандек бўларди: «Бас, шошилма, бир ўзингнинг қўлингдан ҳеч иш келмайди. Улар қўпчилик, сени бу ахволда кўришса, биласанми нима қилишади? Икки кўзингни ўйиб олишади. Яххиси, ортингта қайт, худодан сабр сўра. Албатта, интиқом куни келади. Ўшанда Эргашни қандай жазолашни Тангрининг ўзи дилингга солади», дерди.

Айни чоғда кўзларини лагерга тикиб ўтирган «Чўтири» довон ошиб келаётган уч одамни кўриб қолди. Ким бўлди улар? Қаёқдан келишмоқда? Булар Эргашнинг югурдаклари эканлигини кўнгли сезди. Яқинлашганда Санжарни, кейин қолганларни таниди. Жангарилар «Чўтири» ўтирган жойдан эллик қадам наридан ўтиб кетишли. Изтопарнинг димоги одам ҳидини олган, фор томон қараб қўйган бўлса-да, индамай ўтиб кетди. У тезроқ Эргашнинг хузурига етиб боришга ошиқарди. Ахир у ухламасдан хонимнинг қонли бошини кутмоқда.

«Чўтири» исковичлардан бирининг кўлида латтага ўралган коптоқдек нарсага кўзи тушиб қолди. Ерда чувалашиб бораётган соchlарни ҳам илғади. Бу аёл кишининг боши эканлигини фаҳмлади. Бадани жимирлаб кетди. «Наҳотки хонимни ўлдиришган бўлса?» деган даҳшатли фикр миясида бигиз санчган-дек оғриқ уйғотди. Унинг ғазаб чақнаган кўзлари уч одамни лагерга етиб боргунча таъқиб қилди. Санжар чодир олдига курси қўйиб, бир кўлида чилим тутиб, узун сўргичини оғзига солиб ўтирган Эргашнинг олдидаги тўхтади. Бошни оёғи остига ташлади. Чўтири тўдабошининг олдига ташлаган нарса бу хонимнинг боши эканлигини юраги билан ҳис этди. Бўғзига қадалган фарёдни боса олмасдан бирдан ўкириб йиғлаб юборди. Ич-ичидан отилиб келаётган хўрсиниклар бўғзини ёриб чиқди. Тошларни чанглаб, қўлига илинганини дуч келган томонга улоқтириб йиғлади.

«Нимага? Нега бундай?!» деган саволлар уни қаттиқ қийнади.

«Чўтири» яқин орада бу қадар ичи тўлиб, овозини қўйиб, хўнграб йиғламаганди. «Наҳотки сизни ўлдиришди, опажоним?! Наҳотки қонингизни тўкишди?!

Бошингизни узиб келишди. Сизнинг қонингиз уларга не учун керак эди? Мен Эргашни жазосиз қолдирмайман. Ишонинг, бошингизни узган қонхўрлар, албатта, жазосини олади. Мен уларнинг бошини мана шу тошлар билан янчиб ташлайман! Қонга қон, опажон!»

«Чўтири» анча пайт ёор атрофида юриб, бошини чанглаб, гоҳ хўнграб, гоҳ фарёд солиб йиғлади. Кўз ёшлари қуриб, танасидан мадор кетиб, кейин жойига келиб ўтирди. Қизарган ва ачишаётган нигохини лагерь томонга тикди. Бирдан шу тарафга чопиб келаётган одамни кўриб қолди. Айикдек лапанглаб юришидан таниди. «Санжар, – деди ўзига ўзи ва ўрнидан турди. – Нимага келяпти? Сен лаънати, искович ит, қанчадан-қанча одамларнинг қонини ичдинг! Юртга талпинган йигитларнинг бошини Эргашнинг қонли ханжарига тутиб бердинг. Сенинг кунинг битди! Бошинг узиладиган пайт келди!»

«Чўтири» ўзини панага олди.

... Санжар гоҳ тилида, гоҳ дилида Эргашни бисотидаги ифлос сўзлар билан лаънатлаб, Жалолнинг мурдаси қолиб кетган ёнбафирлик томон ҳаккадай сакраб-сакраб келарди. Йўлда қасоскорга дуч келишини, сўнгги нафасини олаётганини, яна бир неча қадам нарида ажал пойлаб турганини хаёлига ҳам келтирмасди. Фақат шошарди. Бўри бўғизлаб кетган Жалолнинг бошини узиб, хўжайинга кўрсатиш учун ошиқарди. Кўзлари ой нури ёритган сўқмоқдан ўзга нарсани кўрмасди. «Ахир унинг башарасини бўри ғажиб кетган бўлса, амиримиз танирмикин? Бошқа одамнинг калласини олиб келибсан, деб дарғазаб бўлмасмикин? Эй, худо! Ишқилиб, бўрилар қайтиб бормаган бўлсин, мурдани еб кетмаган

бўлсин-да. Тезроқ чопиш керак. Тезроқ етиб бориш лозим. Қашқирлар талаб кетишиша, менга нима қолади? Нима билан хўжайнини ишонтира оламан?»

Кутилмаганда шундок қаршисидан ёввойи одам қиёфасидаги кимса чикқанлигини сезмай қолди. У жинга дуч келдим, деб қўрқди ва жон ҳолатда қичқириб юборди. Овози тошларга урилиб, садо қайтарди.

— А-а-а-а!

Эс-хуш тарк айлаган одамдек жойида серрайиб қотиб қолди. «Чўтири» унинг қонсиз юзига чўғдек ёниб турган нафратли кўзларини тикиб турарди. Санжар ўзига келди ва соч-соқоли ўсиб, юзини тўсган мажнунсифат бу кимсани таниди.

— «Чўтири»?! Нега йўлимни тўсдинг, палакат? Қоч!

Забонсиз «Чўтири»нинг айтмоқчи бўлган гапларини кўзлари ва важоҳати фош қиласарди. Айни чоғда дилидан шундай сўзларни ўтказарди: «Сенинг йўлинг тугади, уни босиб ўтдинг! Сўнгти манзилингга етиб келдинг. Энди қилмишларинг учун жавоб берасан!»

Санжар тобора ваҳимали тусга кириб бораётган қаршисидаги одамнинг юз-кўзларидан қўрқиб кетди.

— Нима керак сенга? Йўлни бўшат! — деди зўрга тили айланиб.

«Чўтири» фўнғиллади. Қўлида катта тошни кўтарганича Санжар томон бостириб кела бошлади. «Искабтопар» орқага тисарилди. Қуроли йўқлигидан афсусланди. «Автоматми, тўппончами бўлганида, қаршисида турган махлуқсифат кимсанинг пешонаси қоқ ўртасини мўлжаллаб, тарс-тарс отган, қийналиб, азобдан инграб жон беришини кўриб, хумордан чикқан, сўнг жасадини оёғи билан эзгилаб, жарга ташлаб, йўлида давом этган бўларди.

Санжар бирдан эслаб қолди. Ханжар этигининг қўнжида эди.

— «Чўтири», биламан, сен бугуноҳсан, ҳеч кимга ёмонлик қилмагансан. Сени мен ўз туғишганимдек хурмат қиласман. Истасанг, ёрдам бераман, ҳар куни егулик олиб келиб ташлайман, — Санжар пайт топиб «Чўтири»ни сўзларига ишонтириб, этигининг қўнжидан ханжарни олиб, унинг кўксига санчиш пайида тилёғламалик қиласарди.

Қалтираб, боши узра калладай тошни кўтариб турган «Чўтири» ўзига келолмасди. Кўзларида нафрат ёнарди. Вужудини совуқ тер босганди. Кўлидаги тош назарида тоғ эди. Санжар ханжарни суғуриб, рақиби томон интилганида бошига тушган зарбадан гандиралаб кетди. Калласи ёрилиб, оқ суюқлик аралаш қон отилиб, юзларини ювиф, тошлар устига оқиб тушарди. У арраланаётган дараҳтдек чайқалиб турарди. Қасоскорнинг алами бу билан босилмади. У қўлидаги қонли тошни ташлаб юбормаганди. У нимадир демоқчи бўлиб минфирилади. Кейин рақибининг бошига тош билан урди. Бироқ бу фойдасиз эди. Санжар «Чўтири»нинг оёғи остига йиқилди. Қасоскор қонли тошни ташлаб, юзини чангаллаганча, ўзича нималарнидир фўнфиллаб, Санжарнинг атрофида гир айланиб йигларди. Унинг йифисидан ва фўнфиллаган товушидан йифиси нақадар дардли ва аламли эканлигини билса бўларди. Тошлар бу дардли йиғи товушини ўз сийнасига сиғдиролмай акс-садо бериб қайтаарди. «Чўтири» ерда ётган ханжарни қўлига олди...

Шу жойда китобхонларимиздан узр сўраб, ҳикоямизнинг давомини кейинги бобларимизга қолдирив, зинданда қолиб кетган Жаҳонгирнинг тақдири тўғрисида икки калима сўз айтсак.

ҚОРАТЕГИН

Жаҳонгир оғзидан кўпик келиб, кўзлари қотиб қолган Ортиқнинг бўйнидан қўлларини анча вақтгача бўшатмади. Бўлиб ўтган воқеалар кўз ўнгидагина кинотасмасидек жонланди. Вужуди қаҳр-ғазабдан, интиқомдан олов мисоли ёнарди. Фанимини таниб, кимлигини билиб, қўлларини гирибонига олиб борганини ўзи сезмади. Фазаб ўти ёнган кўзларига қонга беланиб ётган ота-онаси ва қизидан бошқа ҳеч ким кўринмади. Қўллари ҳам ўзиники эмасдек, амрига бўйсунмасди. Шу сабабли, Ортиқни узоқ бўғиб турди. Боши устидан тупроқ сочилмаганида панжаларини ҳали-бери тобора кичрайиб бораётган бўйнидан бўшатмасди. Қасоскор қўлларини олганида, Ортиқ ёнбошига йиқилди. Оғзидан кўпик аралаш қон ерга томарди. Жаҳонгир унинг кўкариб кетган юзига нафрат билан тикилди. Қотилни топди, жазолади, лекин қўнгли ором истамасди. Ахир унинг раҳнамолари ҳаёт-қу!

Яна тепадан тушган бир ҳовуч тупроқ боши узра сочилди. Жаҳонгир юқорига қаради. Оёқларини керив, қўлида тасбех ўгириб, қоп-қора соқоллари кўксига тушиб турган одамда кўзи тўхтади. У, «барчасидан хабардорман, сўзларингни эшийтдим», дегандек иршайиб турарди. Жаҳонгир нигоҳини олиб қочди.

– Ўлдими? – сўради соқолли киши.

Жаҳонгир индамади.

– Тўғри қилдинг, бачам! – деди нотаниш кимса. – Кўрқма, ҳеч кимга айтмайман! Лекин нимага ўлдирганингни менга айтасан, дурустми?!

Жаҳонгир оғиз очмади...

Соқолли кимсанинг овози яна қасоскорнинг қулогига чалинди.

- Индамасанг, ўзингга қийин бўлади, бачам!
 - Қасос олдим!
 - Қасос? Нима сабабдан қасос олдинг? Уни танирмидинг?
 - Йўқ!
 - Унда қасос олганингнинг боисини айт, бачам?
- Ўрталарингда гап қочдими?!

Жаҳонгир ҳақиқатни очолмаслигини, зиндандан чиқиб кетиш учун ёлғон ишлатишга мажбурлигини ва айни дамда, «қасос олдим», деган сўзни нотўғри тилга олганини тушунди.

- Шундай, мени ўлдирмоқчи бўлди, – деди ёлғондан.
- Ўзи яхши одам эмасди, бир пайтлар бизни ташлаб қочиб кетган! Лекин сен ниманидир яширяпсан, бачам!

- Мен мурда билан бир жойда ётолмайман!
- Гапни айлантирма, тўғрисини айт?!!
- У мени ўлдирмоқчи бўлганди. Илтимос, уни тезроқ бу ердан тортиб олинг!

Соқолли кимса кулди. Бу жилмайиши орқали, «биламан, сен мендан ниманидир беркитяпсан», деган маъно яширинганди.

- Энди унинг сенга зиёни тегмайди.
- Тортиб олинглар!
- Нимага ўлдирганингни айтмагунингча, жасад зинданда қолади. Сассик ҳидини исказ бўтасан, бачам!
- Соқолли кимса жилмайиб, зиндан тепасидан кетди.
- Менга қара! – қичқирди қасоскор. Бироқ соқолли киши қайрилиб боқмади.

Коронги тушди. Мурдани зиндандан тортиб олиш бирорнинг хаёлига келмади. Жаҳонгирнинг боши қотганди. «Алам ва аччик устида ўч олдим», деган

сўз оғзидан чиқиб кетди. «Нима қасдинг бор эди?» деган саволни соқолли кимса берди. Аммо жавоб ололмади. Зиндандан чиққанида шу саволни яна беришади. Бу саволларга жавоб топиш лозим.

Жаҳонгирнинг хаёли турли томонларга «тўзида». Туни билан киприк қокмади. Тонг ёришди. Тепадаги одамларнинг овози қулогига чалинди. Безовталиги овозидан сезилиб турарди. Одамлар изғиб юришган бўлишса-да, зиндан тепасига ҳеч ким келмади. Сасиб ётган ўликни тортиб олишни, Жаҳонгирни сўроқ-савол қилишни бирор хаёлига келтирмасди. Бунинг устига, уни очлик азоби қийнарди. Сассик ис кўнглини алағда қиларди. Яна қоронғилик тушди. Зиндан тепасида ой кўринди. Соқолли киши яна пайдо бўлди.

– Зерикмадингми, бачам?

– Манавини тортиб ол!

– Ҳиди ёқмаяптими?

– Олдимга тушсанг, биласан!

– Билиб қўй, зиндандагиларга овқат берилмайди. Бу чуқурга тушган одам очликдан ўлиб кетади ёки айбини тан олиб, омон қолади. Одамлар уруш йиллари бир-бирларининг этини ейишган, сугини гажишган. Тайёр овқат олдингда, bemalol eявер, бачам. Бизда тартиб шунаقا. Тирик қолиш учун одамнинг гўштини ейишга мажбурсан. Хўш, шеригингни нега ўлдирганингни айтасанми?!

– У мени ўлдирмоқчи бўлди...

Соқолли кимса бош чайқади.

– Ёлғон гапиряпсан, бачам. Қулоғингда бўлсин, тўғрисини айтмагунингча шу ерда ётаверасан!

– Мен тўғрисини айтдим, нега ишонмайсан?!

– Эртак айтма менга, бачам!

– Хеч бўлмаса, ўликни тортиб ол!

Соқолли кимса масхараомуз жилмайиб, зиндан тепасидан кетди.

– Бари бир мен одам гўштини емайман, – деди Жаҳонгир худди соқолли кимсага гапиргандай баланд овозда.

САМАНГАН

– Бу кимнинг калласи?!

Эргашнинг овози момақалдироқдек гумбурлади. Ҳамма тошдек қотиб қолди. Жангарилар тўдабоши-нинг қандай ҳукм ўқишини кутишарди. Юрак ютиб ёнига яқин борадиган одам топилмади. У иккинчи бор қичқирганида Бахтиёр келди.

– Санжарники, амирим.

– Бунй ким қилди?!

– Билолмадик, амирим.

– Топасанлар! Ернинг остиданми, устиданми – то-
пасанлар!

Тўдабоши бошқа гапирмади, хонасига кириб кет-
ди.

Бахтиёр исковучларни ёнига олиб, Санжар юр-
ган сўқмоқдан довон сари чопиб борарди. Тонг бў-
зарив қолганди. Оёқ излари кўзга ташланиб турар-
ди. Жангарилар шу изларнинг ортидан боришарди.
Улардан бири тошларга сачраган қон томчиларини
кўриб қолди.

– Кон! – деди у қичқириб. – Бу ёққа келинглар!

Ҳаммалари тўхташди. Ерга энкайишиб, тош усти-
даги икки томчи қонни кўришди.

– Балки бу Санжар олиб борган хонимнинг калла-
сидан томгандир? – деди улардан бири.

— Бўлиши мумкин, ахир улар шу йўлдан юришган! — деди Бахтиёр.

Йўлда давом этишмоқчи эди, бояги жангари яна шерикларига:

— Тўхтанглар, — деб хитоб қилди. У иккинчи тош устидаги қонни ҳам кўриб қолганди.

Улардан бири криминалистикадан дурустгина хабардор эди. Тошдаги қонларни таққослади.

— Булар бошқа қон, — деди. — Мана бу қон камида уч соат муқаддам томган бўлса, иккинчиси янги, бир соат бурун тўкилган.

— Бўлиши мумкин эмас, Эркин, — деди шериги. — Икки одамнинг қони шу йўлда тўкиладими?

«Криминалист» унинг гапига аҳамият бермади. Тош устига тупурди. Тупук шу заҳотиёқ пастликка харакат қилди. Иккинчи тош устига ҳам шу ҳолатда тупурди. У тушган жойида туриб қолди.

— Демак, ҳар икки қон томчиси пастга олиб тушилган одамларнинг қони.

— Балки бирорта ҳайвонникидир? — эътиroz билдири бояги жангари. Негадир унинг ишонгиси келмасди.

— Мен одамнинг қони билан ҳайвон қонининг фарқига бораман, — деди Эркин. — Аниқ айтаманки, қонларнинг бири эркак кишиники, иккинчиси аёлники.

— Сенингча, Санжар билан Червон хонимнинг қонлари, шундайми? — сўради Бахтиёр.

— Шундай! — ишонч билан деди Эркин.

— Қани, кетдик!

Жангарилар тепаликка чиқишиди. Форга яқин боришиди. Бу ерда «Чўтири» яшашини Бахтиёр биларди.

— Эҳтиёт бўлинглар, «Чўтири» шу атрофда яшайди! — деди у шерикларини ҳушёрликка чақириб.

— Кўйсанг-чи, — эътиroz билдири иккинчиси. — Одам ўлдириш ўша ландавурнинг қўлидан келарми-ди? Ўзини зўрға эплаб юрибди-ку! Кўринмай қолга-нига ҳам анча бўлди. Балки ўлиб кетгандир!

— Унда қотил ким? Санжарда кимнинг қасди бў-лиши мумкин?

Фор оғзига келишди. Ҳаммалари чарчаб қолиш-ганди. Тошлар орасида чўзилиб ётган бошсиз жасад-га Эркиннинг кўзи тушди.

— Бу Санжарнинг жасади! — улардан бири мархум-нинг кийимларидан таниди.

Ҳаммалари сергакланиб, автоматларининг затво-рини тортиб, отишга шай қилиб, теварак-атрофга кўркув аралаш қарашди.

— Ҳеч ким кўринмаяпти, балки қотил ичкарига кириб кетгандир? — жангариладан бири фор оғзига келди.

— Кирамизми? — чўчинқираб сўради Эркин Бах-тиёрдан.

— Кирамиз! — деди у ва биринчи бўлиб ўзи ичкари-га қадам кўйди.

... «Чўтири» Санжарнинг бошини узиб, лагерга кириб борди. Тонг эндиғина ёришаётган эди. Соқ-чиларни ширин уйқу элитганди. «Чўтири» кўркувни хаёлига келтирмади. Хонимнинг бошини ходадан олди. Ўрнига «Искабтопар»нинг калласини илди ва орқага қайтди. Уни бирор кўрмади. Форга қайтиб, таҳорат олиб, чуқур қазиди. Кўзларидан ҳамон ёш оқарди. Соқоллари нам тортганди. Ўзича фўнгил-лаб, жонини сақлаб қололмагани учун хонимдан узр сўради. Эргашни қарварди, лаънатларди: «Илоҳим, сенинг ҳам бошингта шу кунлар тушсин. Худонинг ўзи жазоингни берсин. Икки кўзинг оқиб тушсин. У

дунё-ю бу дунё ватанни кўриш насиб қилмасин. Юрт меҳри, соғинчида юрагинг ёниб ўлгин. Итдай бегона юртларда сарсон-у саргардон кезгин. Кафансиз жасадинг шу тошлар орасида чириб кетсйн!» «Чўтири» бу сўзларни тилидан қўймай, кўйлагини, хонимнинг бошидаги қон доғларини ювиб ташлади. Сочларини таради. Кейин ўзининг кўйлагига ўраб, кафанлади.

Тизза бўйи қазилган чуқур ичига каллани қўиди. Шунда хонимни бундан кейин ҳеч қачон қўролмаслигини ўйлаб, у билан абадий видолашаётганини тушуниб, ич-ичидан эзилиб, хўнграб йиғлаб юборди. Шишиб кетган, аламдан ёнган қалбини мана шу кўз ёшлар бўшатарди. Ер тубига қўйилган бошнинг устига тупроқ тортишга кўнгли бўлмасди. Хонимнинг очик қолган, шишадай қотиб қолган нигоҳлари кўз олдидан сира кетмасди. «Кечиринг, опажоним, жонингизни асраб қололмадим. Сизни ўлдирган жаллодлар албатта, бундан оғирроқ жазога лойик. Мен ҳаммасидан қасос оламан. Аллоҳ эрталабгача омонатини олмаса, қолган жисмингизни ҳам топиб, шу ерга келтириб кўмаман.»

«Чўтири» йиғлаб-йиғлаб, қўллари қалтираб қабрга тупроқ тортиди. Кейин қиблага юз буриб, узоқ вақт Куръон тиловат қилди. Юзига фотиха тортаётганида шу томон келаётган тўрт нафар жангарига кўзи тушди. Улар бир-бирини қувлашаётгандек, чопқиллаб келишарди. «Чўтири» уларни таниди, аммо на кўркди, на ваҳимага тушди. Ўрнидан туриб, гор ичига юрди... Жангарилар етиб келишганида уларнинг узук-юлуқ гаплари эшлилиб турарди.

- Айтмадимми, бу «Чўтири»нинг иши деб!
- Қани ўша касофат, атрофни қаранглар!
- Бизни кўриб, қочиб қолгандир-да!

- Қаёққа ҳам қочарди?!
- Горнинг ичига яширингандир!
- Ичкарига кирамиз!

Жангарилар машъала ёкиб, ичкарига киришди. «Чўтири» ҳамон ортига қарамасдан, қулоқларига ча-линаётган гап-сўзларга парво қилмасдан, қоронғи-лик қаърига кириб бораарди. Ортидан таралаётган ёруғлик тошларда акс этарди. Қоп-қоронғи йўлак ичида у ўзини на тошга урар, на қоқиларди. Ўткир нигоҳлари зулматни ёриб бораётгандай эди. У изи-дан одамларнинг қувиб келаётганини билди, аммо чопмади, яширинишни хаёлига келтирмади ҳам. Жангарилардан бири уни кўриб қолди.

– «Чўтири», ҳув ана у! – кўлидаги машъалани ба-ланд кўтариб қичқирди. Қип-қизил аланга шуъласи ўн беш қадамлар нарида кетиб бораётган одамни қо-райтириб кўрсатарди.

– Отинглар! – қичқирди Бахтиёр.

Бир пайтнинг ўзида тўрт автоматдан отилган ўқлар чўғ мисоли учиб, тошларга урилди. Шунда тепадаги харсанглардан бири қулаб тушди. Гўёғор босиб қоладигандек ҳаммалари қўрқиб, ваҳимага ту-шиб қолишиди. Олдинда бораётган «Чўтири» қўздан йўқолди.

– Тошлар босиб қолади! – қичқирди кимдир.

– Орқага қайтдик! – буюрди Бахтиёр.

Жангарилар машъалани ташлаб қочишиди. Отган ўқлари «Чўтири»га тегдими, йиқилдими, жони узил-дими – буни билишмади. Ичкарига қайтиб киришга юраклари бетламади.

– Энди нима қиламиз? Хўжайнинга нима деб жавоб берамиз? – маслаҳат солди Эркин шерикларига.

– Отиб ташладик, деймиз!

— Хўжайин ишонмайди, жасадини қўрсат, деб қайтарди.

— Менда бир таклиф бор, — деди Эркин.

— Айт! — Бахтиёр унга умид билан қаради.

— Горнинг оғзини тошлар билан тўсиб ташлаймиз!

— Портлатиб ташласак-чи?

— Тепадан тошлар кўчиб тушиши, ҳаммамизни бо-сиб қолиши мумкин!

Жангарилар катта-катта тошларни суриб, дума-латиб келишиб, фор оғзини тўсишди. Кўнгиллари таскин топиб, орқаларига қайтишди.

ЮРТДА

Куз ёғинсиз келди. Шарифнинг далаларидаги паҳталар қийғос очилди. Вилоятнинг унумдор жой-ларида ҳам бу даражада мўл ҳосил етиштирилмаганди. Шариф паҳтани терим машиналари ёрдамида йиғишириб олишга аҳд қилди. Кўшни тумандан ик-кита агрегат олиб ўтди. Бир теримдаёқ режа бажа-рилди. Вилоят ҳокими бу хабарни эшишиб, ярим тун-да Шарифнинг даласига келди. Пайкалларда терим машиналари гуриллаб ишлаётганини кўрган ҳоким эгат оралади. Чаноқларга сифмай, тошиб кетган паҳ-таларни кўриб, юраги тўлқинланиб кетди.

Бахтиёр Иномов Шариф тўғрисида кўкламда эшиганди. Бироқ вақт топиб, унинг даласига ке-лишга, бир фурсат сухбатлашишга имкон тополмаганди. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан шаҳар-да қайта қурилиш ишлари бошлаб юборилганди. Кўп қаватли бинолар олдидаги кўримсиз ошхоналар бузиб ташланди. Йўл бўйларига арчалар экилди. Қисқа муддат ичида шаҳар таниб бўлмас даражада

қиёфасини ўзгартирди. Ҳоким мана шу ишларнинг бошида туриб, хўжаликка келишга вақт тополмаганди. Кеча фермер йигитнинг гектар бошидан 30 центнердан ҳосил етиштирганини эшитди-ю, тонг ёришмай йўлга отланди. У машиналар ишлаётган пайкалга ўтди. Иккита прицеп паҳтага тўлган, терим агрегатларидан бири бункердаги паҳтани бўш прицепга ағдараётганди. Иккинчи машина эса паҳтазор ўртасида худди денгиздаги кема каби сузиб келарди. Рулда Шарифнинг ўзи эди. Уфқ бўзариб қолганди.

— Тунда ишлашни ёқтираман, — деди фермер ҳоким билан кўришар экан. — Бундай пайтда одамнинг ишлагиси қелади, ўз меҳнатингдан юрагинг завқшавққа тўлади! Теримга тушганимиздан бери тунги уйқуни ҳам унутиб қўйганмиз!

— Қандай қилиб, юқори ҳосил етиштиришга эришдингиз, ахир бу ерлардан шу пайтгача 25 центнердан ошириб ҳосил олинмаганди? — сўради Бахтиёр Иномов.

Шундан сўнг Шариф йил бошидан бошлаб, ерга *канча маҳаллий* ўғит солганини, ернинг шўрини такрор ва такрор ювдирганини, одамларни рағбатлантирган ҳолда фўзаларга алоҳида меҳр билан ишлов беришганини, ҳамма-ҳаммасини сўзлаб берди. Ҳоким унинг гапларига дикқат билан қулоқ тутди. Бир йилдаёқ иши юришиб кетганига қойил қолди.

— Ерни қалин шўр босганди, — деди Шариф қўллари билан теварак-атрофни кўрсатиб. — Ариқ-зорурлар кум ва тупроққа тўлгани учун ер бетига сув тепчиб чиққанди. Атрофимга ўн чоғли йигитни тўпладим. Уларнинг қалбида аввало меҳнатга иштиёқ уйғотдим. Ойлик иш ҳақларини вақтида тўладим. Ишловчилар сони ортиб, иш сўраб келадиган ёшлар

кўпайди. Қишининг чилласида, ернинг шўрини қайта-қайта ювдик. Гектар бошига 50 – 60 тоннадан маҳаллий ўғит солдик. Дехқон меҳнатини соғинган ер устидан залворли тўнини ечгандек енгил тин олди. Қайта жон киргандек, пўрсиллаб, яйраб-яшнаб, худди, мана энди мендан меҳнатингга яраша ҳосилни талаб қиласавер, дегандек, гуркираб кетди. Қадаган уруғимиз ҳам бехато униб чиқди. Кўриб турганингиздек, пахтамиз ёмон бўлмади. Мақсадимиз, хосилдорликни 40 центнерга етказиш.

Ҳоким қаршисида ўз меҳнатидан кўзлари чақнаб турган йигитнинг ишбилармонлиги ва тадбиркорлигига қойил қолди. Шундан сўнг сут-товар фермасига ўтишини, у ерда боқилаётган молларни кўрмоқчилигини айтди. Шариф терим агрегатини шеригига қолдириб, ҳокимнинг машинасида фермага жўнади. Бу пайтда тун пардасини кўтариб, тонг бўзариб қолганди. Юлдузлар бирин-кетин сўниб борарди. Машинага ўтиришдан олдин ҳоким яна бир бор бепоён далаларга боқди.

Улар фермага келишганида соғувчилар ўз ишлари билан машғул эдилар. Коровул теварак-атрофни супуриб, сув сепиб қўйганди. Қария ичкарига кирган меҳмонни бир пиёла иссиқ чойга таклиф қилди. Бахтиёр Иномов қумfonда қайнаган чойдан мириқиб ичди. Сўнг молхонага ўтишди. Ҳоким яқин кунлар ичида бу ерда фермер хўжалиги раҳбарларининг республика семинар-кенгаши бўлишидан хабардор эди. Шу сабабли, катта тайёргарлик ишлари кўрилаётганди. Теварак-атроф саранжом-саришта. Топширилган пахтанинг чигити ва кунжараси ўтган куни молхонага келтирилган, маҳсус зовурларга силос бостирилганди. Сигирлар боқиладиган бўлим қай-

тадан таъмирланган, соғишишлари техникалаштирилганди. Сут шиша қувурлар орқали катта идишга келиб тушарди. Молларнинг қўпи зотдор ва наслдор эди. Бахтиёр Иномов республиканинг жуда кўп вилоят ва туманларида иш юзасидан бўлган. Чорвадор ва фермерларнинг иши билан танишган. Аммо бирорта фермер хўжалиги раҳбарлари бундай зотли молларни қўпайтиришга жиддий эътибор бермаётганидан дили ранжиганди. Бу ерда ўзи орзу қилган швед ва голланд молларини кўриб, хурсанд бўлиб кетди.

Соғувчи қизлар ҳокимнинг атрофини ўраб олишиди.

— Бир бош сигир қанча сут беряпти? — қишлоқчасига қизларни сухбатга тутди ҳоким.

— Менинг сигирларим 30 литрдан сут беради, бир кунда 300 литр сут соғиб оляпман, — деди орқароқда турган жингалак сочли қиз.

— Мен 31 литрдан сут соғиб оляпман, — деди иккичи соғувчи.

Қўшни бўлимда бўрдоқи моллар боқиласиди. Корни тўйған новвослар кавш қайтариб, бурунларида нафас олиб, ўринларидан туролмай ётарди. Улар одам тасаввурига сифдиролмайдиган даражада семириб, тўлишиб кетганди. Бундай молларнинг бозордаги баҳоси беш миллион сўмдан кам эмаслигини ҳоким билди. Шариф соғин сигирларни, бўрдоқи молларнинг қандай боқилаётганини сўзлаб берди. Бахтиёр Иномов кутганидан ҳам зиёда ишларни кўриб, кувонди.

— Шарифжон, ука, ишларингиздан кўнглим тоғдек ўсди. Сиздек меҳнаткаш йигитлар бор экан, Ватанимиз, юртимиз, халқимизнинг келажаги бундан ҳам буюк бўлади. Сизга омад тилайман. Бўш келманг. Насиб қилса, семинарга ўзим келаман.

Шариф ҳокимни кузатиб, машина ортидан бир муддат қараб қолди. Биринчи бор ўз ишидан қониқиши хис қилди. Ортга қайтмоқчи эди, шу томон келаётган оқ рангли «Жигули»ни кўриб тўхтади. «Ким бўлдийкин?» деган ўй Шарифнинг кўнглидан ўтди.

Машина тўхтади. Олдинги ўриндиқдан ўрта ёшли икки йигит тушди.

– Бу ернинг эгаси қаерда? – сўради бошига чарм шапка кийган қийғир кўзли йигит.

– Эгаси шу ерда! – жавоб қилді Шариф.

– Зудлик билан топиб келинг. Вилоят прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси Тошкенбоев келдилар, деб айтинг!

Тошкенбоев теварак-атрофга меровланиб бокди. Шарифнинг қаршисида турганини кўриб, аччиқланди.

– КулоФингиз оғирми, сўзларимни эшитмадингизми?

– Бу ернинг эгаси менман, – деди юраги ёмон хабардан хаприқиб.

– Мен бошлиқни сўраяпман? – терговчи энди чинакамига аччиқланди.

– Сиз сўраётган одам менман! – яна бир бор такрорлади Шариф. У чарм шапкали терговчининг бежизга келмаганини тушунди.

Терговчи ён чўнтағидан гувоҳномасини олиб, Шарифнинг бурни тагигача олиб келиб кўрсатди.

– Мен билан бирга идорага боришингизга тўғри келади! Сизни шахсан бошлифимиз сўроқлаяптилар!

– Кийиниб олсам майлими? – Шариф энди кочиб кетолмаслигини, шаҳарга олиб боришса, қамаб қўйишиларини кўз олдига келтирди.

– Хожати йўқ, сизга ўзимиз кийим тайёрлаб қўйганмиз! – деди терговчи унинг билагидан ушлаб, машина томон судрар экан.

БИШКЕК

Яхё Худойбергановни ўлдириш фикридан қайтди. Гаровга олиб, ҳукумат раҳбарларини истаган жойга музокарага чақириши мумкинлигини ўйлади. Улар номига мактуб битиб, Худойберганов қўлидалигини, агар музокара ўтказиш учун ўз одамларини жўнатишмаса, Афғонистонга олиб ўтиб кетишиларини маълум қилди. Ҳукумат аъзолари шошилинч йиғилиш чақиришди. Ёрдамчини қутқариш учун жангарилар талаб қилган жойда музокара ўтказишга рози эканликларини билдиришди. Ташқи ишлар, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг юқори мансабдорларидан иборат тўрт киши Помир тоғига жўнаб кетишиди. Жангарилар, «музокарачиларнинг хавфсизлиги тўла кафолатланади», деб ваъда беришгани боис, кузатувчилар қўйилмади.

Давлат маслаҳатчисининг қўлга олиниши ҳукумат учун кутилмаган ҳол эди. Давлат бошлиғи музокарачиларга ўз халқининг муносабатини билдирганди. Жангарилар кўп жойларга пистирма қўйишганди. Бир неча чақирим масофадан тангани бехато урадиган, замонавий қуроллар билан қуролланган мерганлар уларнинг йўлини пойлаб туришарди. Сарик байроқнинг қўтарилиши мерганларга ўқ узиш ишорасини берарди. Вакиллар билан музокара ўтказишга «Аждарфор» танланганди. Фор баландликда жойлашгани боис, теварак-атрофни бемалол кузатиш имконини берарди. Бирорта ёт одам бу жойга қўққисдан ҳужум қилолмасди.

Музокараага келганларни Яхё кутиб олди. У ўзининг фалабасига қаттиқ ишонганди. «Биз талаб қил-

ган одамлар келишдими, демак, бизнинг шартимизга рози бўлишади», деб ўйлаганди. Яхё уларни ичкарига бошлади. Фор оғзида юзини никоб билан тўсган, тиш-тир-ноигача қуролланган жангарилар туришарди.

— Худойберганов қаерда? — сўради вакиллардан бири.

— Ундан хавотир олманг, маслаҳатчи хавфсиз жойда. Биз уни азиз меҳмонимиздек сақламоқдамиз! — жавоб берди Яхё.

— Уни кўришимиз керак!

— Кетишиларингда, албатта, қўлларингизга топшираман!

— Таклифингизни айтинг! — Миллий хавфсизлик хизмати раиси ўринбосари Яхё билан гаплашиб ўтиришни истамади.

— Таклифим у қадар давлат аҳамиятига эга эмас, десак ҳам бўлади.

— Унда нима учун бизни чақиритирдингиз? — сўради асабийлашган ички ишлар вазирининг ўринбосари.

— Чақиришимнинг сабаби, — деди Яхё, — Помир тоғларидан одамларимизга қўналға ҳамда Ўзбекистонга кириб-чиқишимиз учун йўлак ажратиб беришга розиликларингни олиш. Биз одамларингизга ҳеч қандай зарар етказмаймиз. Улар бемалол чорвала-рини бокишлири, дехқончилик билан шуғулланишлари мумкин. Агар талабимиз қондирилса, давлатнинг Россия ва Хитойдан олган қарзини узамиз. Мамлакатнинг хазинасига чет эл инвестициясини олиб кирамиз. Бозорларингизни озиқ-овқат ва аҳолининг эҳтиёжига зарур бўлган энг арzon моллар билан бойитамиз. Олти ойдан бери иш ҳақи ололмаётган ишчиларнинг ҳақларини тўлаймиз.

— Мабодо, талабингизни қондирмасак-чи? — сўра-ди ички ишлар вазирининг ўринбосари.

— Унда биз бошқа чора қўллашга мажбурмиз!

— Масалан?

— Биринчидан, мамлакатингиз худди сувга чўка-ётган орол каби хавф остида турибди. Ишчилар, пенсионерлар, талабалар ярим йилдан бери иш ҳаки олишгани йўқ. Ишсизлар сони кўпаймоқда. Заводлар, фабрикалар тўхтаб қолган. Мамлакатнинг жа-нубидаги миллар низолар чиқиш хавфи бор. Агар бу-ларнинг олди олинмаса, билиб қўйингки, элатлар ва миллатлар, гуруҳлар ўртасида қон тўкилиши мум-кин. Оқибатда, ҳукумат парчаланади. Бу ҳам бизга боғлиқ. Иккинчидан, ҳукумат раҳбарининг ёрдам-чиси қўлимизда. Таклиф инобатта олинмас экан, у сизларга қайтарилемайди! Истасак, ўлдирамиз, истасак, Афғонистонга олиб кетамиз!

— Бизнинг заиф томонларимизни яхшигина ўрга-нибисизлар-да? — деди Ташқи ишлар вазирлигининг вакили.

— Буни яшаш учун кураш дейдилар, — сурбетларча иршайиб қўйди Яхё. — Хўш, таклифимиз маъкулми?

Музокарага чақирилганлар бир-бирларига қа-расди. Уларнинг юз-кўзларидан ҳеч нарсани уқиб бўлмасди.

— Ҳозирданоқ сизнинг таклифингизга ҳукумат аъзоларининг қарорини айтишим мумкин, — деди мудофаа вазирининг ўринбосари. — Биринчидан, Ўзбекистон — Ўрта Осиёдаги мудофаа жиҳатидан энг кудратли давлат. У билан ўйнашганлар шарманда бўлиб қолиши мумкин. Иккинчидан, Қирғизис-тон ҳукумати террорчилар билан ҳеч қачон муроса йўлини танламайди. Унинг йўли битта — тинчлик

ва барқарорлик. Учинчидан, ўзбек билан қирғиз халқининг дўстлиги, қариндош-уруғчилиги асрлар мобайнида давом этиб келмоқда. У мисоли эт билан тирноқ. Қирғизлар ўз биродарлари ўзбеклардан кўп яхшиликларни кўрган. Ўзбек зиёлилари қирғиз халқининг хонадонига маърифат ҳамда зиё олиб кирган. Фулом Зафарий домла қирғиз овулларида болаларни илмга ўргатган. Қурбонжон Додхоҳ ҳар икки халқнинг озодлиги йўлида курашган. Биз уларнинг рухларини чирқиратиб, ватансизларга эшигимизни очиб, азиз тупроғимизни оёғости қилишлари га ҳамда келажак авлод олдида шарманда бўлишни истамаймиз!

Ўринбосарнинг сўзлари Яхёнинг бошига болта ургандай таъсир қилди.

– Ҳеч бир давлатнинг дўсти бўлмайди, фақат манфаатдорлиги бўлади!

– Қандай тушунсанг, шундай қабул қил! – кўл силтаб қўйди вакиллардан бири.

– Демак, сиз, муҳтарам жаноблар, бизнинт таклифимизни қабул қилмайсизлар!

– Бу хақда гап бўлиши мумкин эмас! – деди Милий хавфсизлик хизмати вакили.

Яхёнинг юзига заҳарханда қулги ёйилди.

– Мен қирғизларнинг бу қадар дўстга содик миллатлигини билмас эканман!

– Дўстликни ҳеч қандай фараз, ифво, фитна бузолмайди!

Яхё ёнида ўтирганларга қаради.

– Хўш, жаноблар, сизлар ҳам шундай фикрдами-сизлар?

– Қароримиз қатъий! – дейишди музокара қатнашчилари бир овоздан.

— Искандар! — жон ҳолатда қичқирди Яхё.

Эшик олдиди турган қуролли йигитлардан бири югуриб келди.

— Лаббай!

— Мәхмөнларни ичкарига олиб кир!

Искандар милтиқнинг қўндоғи билан мудофаа вазирининг елкасига урди.

— Тур ўрнингдан, худди энангнинг тиззасида ўтиргандай, ялпайиб ўтириб олибсан!

Ҳаммалари ўринларидан туришди. Искандар уларнинг елкасига қўндок билан уриб, ичкарига ҳайдади. Форнинг оғзи тор бўлса-да, ичи кенг эди. Асир олингандар ўн беш қадамча юришгандан кейин, Искандар шундай деди:

— Бирортанг қочишга уринадиган бўлсанг, отиб ташлайман!

Тутқунлар атрофга қарашибди. Бу ерларга ёруғлик етиб келмасди, қоронғи эди. Улар тош устига ўтиришди. Нима қилиш кераклиги тўғрисида ўйлашди. Миллий хавфсизлик хизмати вакили фор ичини қўздан кечирди. Чиқиб кетадиган йўл тополмади.

Яхёнинг одамлари Худойбергановни шаҳар ташқарисидаги уйнинг ертёласига қамаб қўйишганди. Унинг аҳволи оғир эди. Юраги тез-тез безовта қиласарди. Синган суюклари зирқираб оғрирди. Соқчини бир неча маротаба чақирди.

— Отиб ташла! Ўлимимга розиман. Мен туфайли бошқаларни қийнама!

Аммо унинг арзига ҳеч ким қулоқ солмади.

— Ҳозирча нафас олиб тур, бари бир сени тириклай уйингга жўнатмаймиз, — деди соқчи. — Тириклигинг ишларимизни битириб олишимизга ёрдам бериши мумкин. Ҳатто, ўлигинг ҳам!

— Юзсиз! — қичқирди Худойберганов. — Қасдинг бўлса, аламинг бўлса, ўзимдан ол! Менинг жоним билан миллатни, юртни сотиб олишни ўйлама!

— Тасанно! — қарсак чалиб олқишилади соқчи. — Одам боласи вафоти олдидан ватаннинг тақдирини ўйларкан-да! Ўлимингдан кейин номингни абадий қолдирмоқчимисан?! Кўп қувонма, истасак, сени юрт хоинига айлантириб қўйишимиз мумкин. Айтайлик, биз билан музокара қиласидиган ҳукумат раҳбарларига: «Худойберганов биз томонимизга ўтди, у таклифимизни қабул қилди, хозир биз билан, сизларни ҳам биз томонга ўтишларингни илтимос қиляпти», десак ишонишади.

Худойберганов оғзидағи тупукни соқчининг юзига тупуриб юборди. У бундан қаттиқ ғазабланди. Енги билан юзини артиб, милтиқнинг кўндоғи билан ёрдамчининг гарданига туширди. Худойберганов хушсиз ерга йиқилди.

Яхё ҳукумат раҳбарларининг йўлак очиш тўғрисидаги таклифини рад этганлигини Баширнинг кулогига етказди. У буни кутмаганди. Нохуш янгиликни Мехмед Чегечи жанобларига етказиш қанчалик оғир бўлмасин, бари бир сим қокди.

— Биз ўйлаган режа амалга ошмади, маслаҳат беринг, нима қилайлик?

— Асир олинган раҳбарлардан иккитасини қўйиб юборинг, иккитасини ўзингиз билан бирга Афғонистонга олиб ўтинг. Сиз Афғонистонга олиб ўтган раҳбарларни кутқариш учун ҳукумат шошилинч чора қўради. Унгача биз улар билан ишлаб, «мулла» қилиб қўямиз.

— Қайси бирларини олиб ўтай?

— Ички ишлар вазирининг ўринбосари билан ташқи ишлар вазирининг ёрдамчисини олиб ўтсангиз, бас.

— Худойбергановни-чи? — сўради Яхё. — Уни нима қиласайлик?

— Уни машинага ўтқизиб, «совфа» қилиб жўнатинглар. Хукумат раҳбарларининг ёдида бир умр сақлашиб қолсин!

Яхё раҳнамонинг фикрини тушунди ва бу ҳақда одамларига хабар жўнатди.

ҚОРАТЕГИН

Мирзо Коратегинга бир хафта кечикиб келди. Келганида тун қоронфи бўлганди. Соқолли кимса лагерда пайдо бўлган ва айни пайтда зиндонда ётган йигит тўғрисида уни огоҳ этди.

— Ким экан? — сўради Мирзо. — Аниқладингларми?

— Биздан эмас, Ўзбекистондан ўтган. Тилидан билдик.

— Нимага келибди? Сабабини ўргандингларми?

— Сўроқ-саволни ўзингиз қиласиз, деб индамадик.

— Индамадик? — аччиқланди Мирзо.

— Шундай! У билан яна бир йигит келганди. Уни зиндонда ўлдириб қўйди.

— Ким экан у?

— Бир пайлар биздан қочиб кетган Ортиқ исмли йигит.

— Унга бу ерда нима бор экан?

— Уларнинг ўртасида қандайдир сир бор. Ё униси, ё буниси сотқин. Бир-бирларини сотиб қўйишдан кўркиб ўлдирган.

— Мен гапларини эшитдим. «Қасос олдим», — деди ўлдиргани!

Мирзо тахмини тўғри чиққанини билди ва бетоқатланиб ўрнидан турди.

— Уни тезда олдимга олиб киринглар!

Жаҳонгир очлик азобида кийналиб, ҳушдан кетиб, сасиб-бижгиб кетган мурданинг ёнида ётарди. У хеч нарсани ҳис этмасди ва тепада бўлаётган фала-форурларни эшитмасди ҳам. Мирзонинг топширифи билан уни тепага кўтариб олишди.

— Ўлиб қолганга ўхшайди, — деди жангарилардан бири.

— Товонига мих қоқамиз!

— Кўкрагига қулоқ тут-чи, юраги урятимикин?

Жангари чўчинқираб, қулогини Жаҳонгирнинг кўкрагига босди:

— Урятти, — деди у шеригига қараб.

Унга сув ичиришди. Табиблар ўт-ўланлардан тайёрланган дорини ҳидлатишди. Бир муддат ўтиб, Жаҳонгир кўзини очди. Бироқ ўрнидан туролмади. Табиблар, «икки-уч кундан кейин ўзига келади», дейишишди. Мирzonинг топширифи билан уни чодирга ётқизишишди. Эртаси куни тўдабоши унинг олдига кирди. Афт-ангorigа тикилиб, бу йигитнинг тозалигини билди ва бу ерга жосуслик мақсадида ўтган, деган фикрда тўхтади.

— Кимсан? Бу ерга нима мақсадда келдинг? — сўради тўдабоши.

— Адашган одамман, — жавоб берди Жаҳонгир зўрга лабларини қимирлатиб.

— Адашганман?!

— Шундай.

— Қаёққа кетаётгандинг?!

- Кобулга!
- Ортиқни нега ўлдирдинг?
- У мени ўлдирмоқчи бўлди.
- Испингни айт?
- Жавлон!
- Билиб қўй, агар алдасанг, мен кечирмайман.

Бошингга дунёning ташвишини соламан. Онангнинг корнидан тушганингга пушаймон бўласан!

— Мирзобек, бу сизни алдаяпти, — деди ёнида соядек эргашиб юрган соқолли кимса. — Мен зинданда айтган гапларини ўз қулогум билан эшитдим. «Ҳаммангни ўз қонингга чўктираман!» — деди.

Мирзо Жаҳонгирнинг оқариб, эти суюкларига ёпишиб қолган юзига тикилиб, ҳақиқатан ҳам бу йигитнинг жосуслик мақсадида ўтганлигига икрор бўлди ва айни пайтда ундан осонликча сўз ололмаслигини ҳам тушунди. «Бари бир гапирираман, ҳамманинг олдида бу ерга нима мақсадда ўтганлигини айтишга мажбур қиласман, — деган қарорга келди. — Айтмаса, ўзидан қўрсин!»

Эртаси куни у одамларига чодир олдига гулхан ёқиши буюрди. Беш-олти жангари тоғлардан ўтин териб тушиши. Гулхан ёқилди. Нима мақсадда бундай қилинганини Мирзодан бошқа ҳеч ким билмас-да, олов яхши ниятда ёқилмаганлигини сезишарди. Айримлар юрак ҳовучлаб, чодирдан узоқроқ кетиши. Мирзо соқолли кимсани хузурига чақирди.

— Бандини олиб чиқинглар!

Жаҳонгирни ташқарига олиб чиқишиганида Мирзо гуриллаб ёнаётган олов ёнига қўйилган курсида, оёқларини чалиштириб, чилимнинг сўрғичини оғзига солиб, гоҳ-гоҳида нашанинг ширали тутунини тортиб, хузур қилгандай бошини чайқаб ўтиради.

Қора кийим кийган икки жангари Жаҳонгирнинг кўлларини қайириб, бошини ерга теккудай энгаштириб, чодирдан олиб чиқишиди. Оловга яқин жойга ўтқизишиди. Иссиқ юзига чаён нишидай санчилди. Бироқ у ўрнидан туролмасди, орқага ҳам чекинолмасди. Елкасидан босиб турган барзангилар бунга имкон беришмасди. Атрофдагиларнинг кўзлари Жаҳонгирда эди. Уни олов ёнига олиб келиб, сўроқ қилишларини кўпчилик тушунмасди.

— Ким бу йигитни танийди? — сўради Мирзо одамларига қараб.

Гулхан «тили»ни кўкка чўзиб гуриллаб ёнарди ва ўзидан теварак-атрофга иссиқлик таратарди. Бўғиб, димиқиб бораётган Жаҳонгирнинг қизиб кетган юзларидан тер қўйиларди. Этнидаги кийимларига мoshдек чўғ тушса, ёниб кетиши ҳеч гап эмасди.

Ўнлаб нигоҳлар тутқунга қадалганди. Бошини эгиб олгани боис, юзи кўринмасди. Буни тўдабоши тушунди ва одамларига, «бошини кўтар», деган маънода ишора қилди. Улар Жаҳонгирнинг социдан ушлаб, калласини орқага қайишиди.

— Мен танийман! — ўрта қаторда турган жангари-нинг баланд овозда айтган сўзи ҳамманинг эътиборини ўзи томон қаратди. Мирзо қўли билан, «бери кел», деган ишора қилди. Жангари келди.

— Ким? Исли нима? — босиқлик билан сўради тўдабоши.

— Шаҳар прокурорининг арзандаси.

— Ислини айт?

— Жаҳонгир!

— Нима иш қиласди?

— Нима иш қилишини билмайман, хўжайин, ҳар қалай прокурорнинг ўғли майдада-чуйда ишда ишламайди-ку!

Мирзо бош ирғаб кўйди. У ўзининг тахмини тўғри чиққанлигидан жилмайди. Кўлидаги учи чўғ бўлиб турган таёқни Жаҳонгирнинг пешонасига тиради. Шу заҳотиёқ териси кўйиб, корайиб кетди.

— Менга исмингни Жавлон дегандинг, шундайми ёки менинг қулоғимга бошқача эшитилганмиди, прокурорнинг ўғли?

Жаҳонгир ўзини оқлай олмаслигини тушунди.

— Хўш, нима мақсадда бу ерга келдинг, кимлар сени жўнатди?

Савол жавобсиз қолди.

— Гапирмасанг, гапирма! Ҳозир ўзинг гапиришга, ҳамма гапни айтиб беришга шошиб қоласан!

Мирзо чилимни ёрдамчисига узатиб, қўлига узун таёқ олиб, олов ичидан қизиб турган ялпоқ тошни тортиб олди. Соқчилар тўдабошининг мақсадини тушунишди ва бандини кўтариб, тош устига ўтқизишиди. Жаҳонгирнинг шими тутаб, кейин ёнди. Ўтирган жойида сакради. Жангарилар кулишди. Териси кўйиб, қип-қизил эт кўзга ташланиб, пўрсилдоклар ҳосил бўлди. Кон чакиллаб тош устига томарди. Жаҳонгир чидамади, бақирди. Шунда унинг юзи буришиб, кўзларидан ёш отилиб чиқди. Иссиқ этини жизғанак қилиб, суюкларини зирқиратиб оғритарди. Миясига бигиз санчилгандай, ҳушидан кетишига оз қолди. Мирзо тошни тортиб олди. Ҳавони куйган этнинг иси тутганди.

— Энди айтарсан, нима мақсадда бу ерга келганингни? Ким топшириқ берди? — бояги саволини такрорлади тўдабоши.

Жангарилар куруқ шохларни гулхан устига ташлашди. Олов қип-қизил «тили»ни кўкка чўзиб, атрофга иссиқлик таратиб ёнарди. Остига анчагина

чўғ тушиб қолганди. Оловнинг тафтидан Жаҳонгир бетоқатланиб, вужуди қизиб, нафаси бўғилиб борарди. Худди қизиб турган темирга ўхшарди. Нарироқ силжишга уринар, бироқ елкасидан босиб турган жангарилар бунга имкон беришмасди.

Мирзо ўрнидан турди.

– Гапирмасанг, гапирмай ўл, энди бизга ҳаммаси аён, сени ортиқча сўроқ қилиб ўтирумаймиз! – деди.

Жаҳонгир унинг сўзларидан ва юзидағи ифодалардан, мақсадини, қолаверса, гулханнинг бежиз ёқилмаганлигини тушунди. Тўдабоши яна бир қучоқ шохни аланга устига ташлади. Олов боягидан кучлироқ гуриллади. Иссикқа чидай олмаган баъзи жангарилар ўзларини четга тортишди. Бандининг елкасидан босиб турган соқчилар тўдабошининг ишорасига маҳтал туришарди. Бироқ унинг нигоҳи бошқа томонда. Нега қарамаяпти? Олиб келингган ўтинлар тугаб қолди-ку! Ёки фикрини ўзгартирдимикин?

Тўдабоши оловнинг янада кучлироқ ёнишини, остига каттароқ чўғ тушишини кутарди. Кўлидаги тасбеҳни ўгириб ўтирган соқолли кимса икки кўзини тутқундан олмасди. Унинг иссиқдан қизариб кетган юзида ғолибона табассум ўйнарди. Жаҳонгирнинг қарашини, бир бор кўз уриштириб олишни, шунда, «Аҳволинг қалай?» демоқчи бўлаётганини қарашла-ри билан билдириб қўйишни хоҳларди.

Жаҳонгир думбаси қанчалик ачиштириб оғримасин, ўзини қўлга олишга, миясига урилган фикрни ижро этишни ўйларди. Юрагидаги ёниб турган қасос ўти оловнинг тафтидан кучли эди. Пайт пойларди. Ёшга тўлган кўзлари билан тўдабошининг оёқ ташлашларини таъқиб қиласарди. Бир ҳамла билан уни тутиб олишга шай турарди. Елкасидан босиб

турган барзангилар ҳам иссикдан бўғилиб, юзлари чугундек қизиб, ўзларини бир оз орқага олиб, қўлларининг учини бандининг елкасига омонатгина ташлаб туришарди.

Мирзо орқага ўгирилди. Шунда орадаги масофа бир ярим қадамга қисқарди. Жаҳонгирга шу керак эди. У кўз илғамас тезликда ўрнидан туриб, шердай наъра тортиб, Мирзога ташланди. Белидан маҳкам қучоқлаб, ўзини олов ичига урди. Буни ҳеч ким кутмаган, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Жангариларнинг бирортаси ўнга ташлана олмади. Кизил аланга шу заҳотиёқ иккисини домига тортди. Кийимлари ёниб тушди. Соқол ва соchlари куйди. Гулхан атрофида тўдабошининг одамлари гир айланар, бақириб-чақиришар, бироқ ҳеч бирлари юрак бетлаб, олов ичида куйиб, фўладай қорайиб бораётган бошлигини олиб чиқишга журъат этолмасди. Жаҳонгир Мирзони чўф устига йиқитиб, гавдаси билан устидан босиб туарди. Тўдабоши жон ҳолатда типирчиларди, қичқирарди, фарёд соларди. Устидан тошдек босиб турган қасоскорнинг остидан чиқишга уриниб, дуч келган жойини мижфиларди. Бироқ Жаҳонгир уни остидан чиқариб юбормаслик мақсадида бутун кучи билан босарди. Чўғлар Мирзонинг терисини шилиб, куйдириб, тешиб ташлади. Жаҳонгир кимнингдир қўллари оёғидан маҳкам ушлаганини ва ташқарига тортаётганини ҳис этди.

САМАНГАН

Ўн олтинчи чодирдаги жангарилар қимирлаб қолишиди. Уйқусиз тунларим бошланди. Лекин кундуз кунлари мен лагерда кам бўлардим. Баширнинг топ-

шириғи билан Абдурашид Дўстум ва Шоҳ Маъсуд-нинг аскарлари жойлашган ҳудудларни аниқлашга, уларнинг одамларидан бирортасини тутиб келишга чиқиб кетардим. Эргаш икки йигитни қўшиб берганди. Усмон тўдабошининг содик йигитларидан эди. Унинг қарашлари, ҳаракати ва юришлари менга шубҳали туюларди. Гапларимиз ҳам у қадар қовушмасди. Ундан эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилардим. Олти ой муқаддам Зокир билан учрашганимда, Усмоннинг юртда қилган жиноятлари тўғрисида сўзлаб берганди. Беш нафар одамнинг қонини тўкиб, бу томонларга қочиб ўтган. У билан тиллашиш мумкин эмасди. Босаётган қадамимни тўдабошининг қулоғига етказишига ишонардим. Иккинчи шеригимни яхши билмасдим. Камгап бу йигитга ишонгим келарди.

Биз тошлар орасидан довон ошиб борар эканмиз, тепадан тушиб келаётган учта қуролли одам эътиборимизни тортди. Уларнинг кимлигини ва қайси гурӯҳданлигини билиш қийин эди. Учаласи елкасига уч хил қурол илишганди.

– Булар кимлар? – сўрадим шерикларимдан.

– Биз қайдан билайлик? Сен шу ернинг эгасисан, сен биласан-да, – дейишди улар. Мен нотаниш одамларнинг бошидаги салласининг рангидан мулла Умарнинг одамлари эканлигини пайқаб қолдим. Шерикларимга айтишга шошилмадим. Уларнинг ўтиб кетишини кутдим.

– Булар Дўстумнинг одамлари, – деди Усмон. Бу таклиф ундан чиқиши мен учун айни муддао эди.

– Яхшилаб қара, адашмадингми? – атайн сўрадим ундан.

– Нега адашай? Афт-ангорига қара!

– Балки уларни ўтказиб юборармиз, – жўрттага маслаҳат солган бўлдим.

— Отамиз, — шошқалоқлик билан деди Усмон. — Чўнтакларини «тозалаймиз»! Эшитишумча, уларда пул кўп бўлармиш!

— Ўқ отсак, атрофда шериклари бўлса, бизни пай-қаб қолишади. — бу маслаҳат Муроддан чиқди.

— Мен уларни милтиқсиз «тинчитаман», — Усмон бизга кўз қисиб, чўнтағидан бир неча дона олмос олди.

Бегона одамлар бир-бирларининг ортидан эргашиб, пастга тушиб келишарди.

— Айтмадимми, — деди Усмон шошқалоқлик билан, — улар биз томонга кетишяпти. Лагерь жойлашган ерни аниқлаб, бошлиқларига хабар беришади. Булар айғоқчилар. Тезда йўқотишимиз керак!

Усмон, «қўй, бундай қила кўрма», деганимга қулоқ солмай, эмаклаб кетди. Уни ортидан кузатиб қолдим. Усмон тошларни пана қилиб, йўлни кесиб **ўтди**. Ёт кишиларни ўтказиб юбориб, тош ортидан чиқди-да, олдинда бораётган жангарилардан бирига қараб, бармоқлари орасидаги олмосни отди. Жангари ари чаққандек бўйини чангллаб, букчайиб, гир айланди-да, кейин йиқилди. Овози ҳам чиқмади. Усмон оёқ учида ҳаккалаб қолган иккитасига яқинлашди. Шунда улар Усмонни кўриб қолишли. Автоматни қўлларига олишди. Бироқ ўқ узишга улгuriшмади. Усмоннинг бармоқлари орасида ялтираб турган иккита олмос бир пайтнинг ўзида ўқдай отилиб, икки жангарилининг томирига санчилди. Улар бақириб-чақириб, бирин-кетин ерга кулашди. Кон йўқотиб, ҳолсизланиб, охири жон таслим қилишли. Биз чопқиллаб, Усмоннинг олдига бордик. Бу пайтда у мурдаларнинг чўнтағини кавлаб, кўлга киритган пулларини санаш билан овора эди. Мурод автомат, снайпер ва гранатомётни олиб, елкасига осди. Эргаш

битта қуролга юз доллар тўларди. Мен янгишмагандим. Ўлганлар мулла Умарнинг жангчилари эди.

— Яхшигина ҳунаринг бор экан, — дедим унинг сирини билиш мақсадида. — Буни қачон ўргангансан?

— Ёшлигимда! — деди фахрланиб. — Беш йил олмос отиш билан шуфулланганман. Ишонсанг, шаҳар магазинларидағи олмосларни битта қўймай сотиб олардим. Ўн қадам нарида туриб, тангани урадим.

— Гап йўқ, анавиларнинг бўйин томирларини аниқ мўлжалга олганингга қойил қолдим.

— Булар менга чўт эмас, — қўлини силтаб қўйди Усмон. — Бу ерга келишдан олдин бештасини «тинчтганман». Шаҳар марказида олтин буюмларни сотадиган магазин бўларди. Иккита мелиса қўриқларди. Кунларнинг бирйида шу магазиндаги тиллаларни ўтиришга қарор қилдим. Пайтини пойлаб, яrim тунда девор ошиб, ичкарига кирдим. Мелисалар ухлашмаган экан, сезиб қолишиди. Кочишнинг иложи йўқ. Ҳунаримни ишга солдим, бармоқларим орасида олмос, уларни отишга шайлаб олгандим. Орадаги масофа унчалик узоқ эмасди. Мелисалар тўппончасини олгунча олмослар бармоқларим орасидан ўқдай учиб чиқди. Мўлжални аниқ олган эканман, соқчилар ўша заҳотиёқ «тинчишди». Шундан кейин ичкарига кириб, бир ҳовуч тилла буюмларни олиб чиқиб кетганман.

— Бу томонга ўтишингга шу сабаб бўлган экан-да?

— Йўқ, — қўл силтаб қўйди Усмон.

— Мен мелисаларни ўлдирган жойимда ҳеч қанақа из қолдирмаганман. Ҳозиргача улар қотилни қидиришмоқда.

— Унда нега ўтдинг, бирор сабаби борми?

— Эргашбой чақириб қолди.

- Эски таниш экансизлар-да?
- Баъзида хўжайиннинг топширигини бажариб турардим.
- Буларни шундай қолдирамизми? – сўраб қолди Мурод.

Усмон жангарилалинг чўнтакларидан олган пулларни тош устига қўйди.

- Топганимиз ўртада, – деди у бизларга қараб. – Учга тақсимлайман.

Кўзим мурданинг қўйнидан чиқиб турган пакетга тушди. Уни олдим.

- Нима экан, ўқи-чи? – Усмон хатга қизиқиб қолди. Мен унга кўз югуртиридим.

– Сен ўлдирган одамлар толибон жангчилари экан, – дедим хатдан кўзимни узмай.

- Нима дединг?

– Ўлдирган одамларинг ««Толибонлар»»нинг жангчилари экан, унинг мактубини Эргашбойга олиб келишаётган экан.

Усмоннинг рангида қон қолмади. Кўлимдан хатни юлиб олди-ю, бироқ форсча ёзувни ўқиёлмаслигини тушуниб, қайтариб берди.

- Бошлиқقا нима деймиз? – унинг овози титради.

– Жавобини ўзинг берасан. Агар ««Толибонлар»» бошлиғи одамларини биз ўлдирганимизни билса, ҳаммамизни битта қўймай гўрга тиқади!

- Нега буни олдин айтмадинг? – деди жаҳл билан.

– Гапимга қулоқ солмадинг, булар Дўстумнинг одамлари, дединг!

Усмон бошини чангаллаб, ўтириб қолди. У менинг бир оғиз маслаҳатимга зор эди.

- Менга қара, ошна, бу гап шу ерда қолсин, тўдабошига оғиз очма! Нима десанг, розиман! Бир кунингга яраб қоларман!

— Мен-ку оғиз очмайман, аммо Мурод бор! — дедим сал нарироқда турган шеригимизга ишора қилиб.

— Уни ўзим «тинчитаман», истасанг, ҳозироқ бирорта жарга итариб юбораман!

— Керак эмас, — дедим уни тинчлантириш мақсадида. — Бу гап иккимизнинг орамизда қолади. Ҳозир бориб, мурдаларни кўмиб кел. Иси чиқмасин!

Усмон кетди, Мурод келиб, ёнимга ўтирди.

— Бояги хатни кўрсам бўладими?

«Нега мактубга қизиқиб қолди? Усмон қўлимдан олганида ёзувларга кўзи тушганмиди?» Хатни бермасам, мендан хафа бўлиши мумкин эди. Ноилож номани узатдим. У қофозга кўз ташлади-ю, ранги ўчиб кетди.

— Қуролларни Эргашбойга элтиб берсак, шубхалаиди. «Кимни ўлдирдиларинг?» деб сўрайди, — деди.

— Нима қилиш керак? — атайин сўрадим.

— Шу ерга кўмиб кетамиз.

— Яхши фикр, — уни қувватладим.

Мурод ўрнидан турди. Қуролларни олиб, панароқ жойга яширди. Устига тошларни бостирди. Вакти келиб аскатиб қолиши мумкин, деган умидда атрофдаги нарсаларни хотирамда саклаб қолдим. Мурод негадир олдимга қайтиб келмади. Тош устида хаёл суриб ўтириб қолди. Мен ҳамёнимдаги мактубни олиб, қайта ўқидим.

«Эргашбой жанобларига!

Рўзи шанба куни ҳузурингизга олти нафар хориждан келган жартабали меҳмонларимиз боришади. Уларни яхшилаб кутуб оласиз ва ўзингизга маълум бўлган йўлакдан Ўзбекистонга кузатиб қўясиз.

Башир»

Олти нафар хорижлик нима мақсадда чегарани бузиб ўтишмоқчи?

Бу саволга жавоб айтиш мушқул бўлса-да, уларнинг мақсади аён эди. Мурод қайтиб келди. Индамай ёнимга ўтирди. Гапирмади ҳам. Хаёли ўзида эмаслигини кўзларидан сездим.

— Одамга ўхшаб гаплашмайсан, нималарни ўйлајпсан?

— Сенинг нима ишинг бор? — деди қовоғини уйиб.

Мақсадини билгим келди.

— Назаримда бизнинг ичимиизда юришни истамаяпсан!

Мурод гапирмади. Яна илмоқли саволлар ташладим.

— Уйингни соғиндингми? Балки ота-онангни кўргинг келаётгандир?

Мурод бу гал ҳам жавоб қайтармади.

Фашига тегмоқчи бўлдим.

— Йиғлајпсанми, Мурод? Кўй-е, ўғил бола ҳам ийғлайдими? Агар ҳақиқатан ота-онангни, юртингни соғинган бўлсанг, бор, кетавер! Мен бошлиққа жардан қулаб, ўлди, дейман!

— Синаяпсанми? Биламан, икки қадам юришим билан ортимдан отиб ташлайсан ёки бошлиққа чақасан!

Юрагимда Муродга нисбатан ишонч уйғонди.

— Анави одамларни ўлдирганимизни бировга айтмагин! — уни синашда давом этдим.

— Ташвишланма, мен чақимчилик қилиб, тўдабошига яхши кўринишни хоҳлайдиган номардлардан эмасман!

Мурод юзини терс буриб олди.

— Сени ким олиб ўтган бу ерга?!

— Тўдабошидан сўра!

— Ҳар қалай ўз оғзингдан эшитганим яхши-да!

У индамади. Иккимиз жим қолдик. Мурод нигоҳини бир нуқтага қадаб ўтирар экан, унинг ёш ҳалқаланган кўзларида ичини қийнаётган азобларни кўрдим. Айни дамда мени унутиб, кўзларини олисларга тикиб, ўзининг қора ўтмишини хотирлаётганди.

— Эшитганимисан, йўқми, билмадим, бир пайтлар бизнинг шаҳримизда «Адолат лашкарлари» гуруҳи тузилганди. Улар, ўғриларга, порахўрларга қарши курашамиз, деб ҳаммани ишонтиришганди. Лашкарлар гуруҳига Мирзааҳмад исмли йигит бошчилик қиласиди. Эргашнинг одамлари уни тунда осиб кетишиди. Бироқ у ўлмаганди. Арқон узилиб, омон қолган. Ўша куни сахарда лашкарбоши Бишкекка қочиб кетди. Орқасидан мен ҳам бордим. Унинг ўлмай қолганини фақат хотини иккимиз билардик. Лашкарлар бошлиғи мендан ҳадиксираётганини сезиб қолдим. Кунларнинг бирида Мирзааҳмад мени ўлдириш нијатида эканлигини бир рус ошнам қулоғимга шипшибиб кўйди.

— Зудлик билан қоч, бугун тунда сени ўлдиришади, — деди у.

Ўша заҳотиёқ қочдим. Лекин қаёққа борардим? Юртга қайтай десам, мелисалар ҳамма томонни афдар-тўнтар қилиб, лашкарларни битта-битта ушлаб қамашаётганини билардим. Шунда Қирғизистон орқали бу ерга ўтиб кетаётган Эргашнинг одамларига дуч келиб қолдим. Исмимни Мурод, деб ўзгартирдим. Улар мени ўzlари билан бу ерга олиб ўтишиди. Бир неча йилдан бери шу ердаман!

Мирзааҳмаднинг тириклиги мен учун мухим маълумот эди.

— Лашкарлар бошлиғи ҳозир қаерда? — сўрадим Муроддан.

— У ҳали ҳам Бишкекда бўлса керак. Бошқа қаерга ҳам борарди? Фақат исмини ўзгартириб олган.

— Эргаш унинг тириклигини биладими?

— Билса, ҳозироқ одамларини жўнатиб, калласини уздириб келади.

— Уни кимлар ҳимоя қиласиди?

Мен Муродга ўринсиз савол бердим, деб ўйлагандим. Бироқ у аҳамият бермади.

— Эргашни кимлар ҳимоя қилаётган бўлса, ўшалар қаноти остида сақлайди-да! — деди.

— Тушунмадим?

— Нимасига тушунмайсан? Фақат улар бир-бирларини сотишмайди. Агар лашкарлар бошлиғи Баширдан: «Эргашни танийсанларми?» — деб сўраса, улар албатта, «Қайси Эргашни?» — деб елка қисади. Буларда шундай қонун бор: ким билан ишлаётганликларини сир сақлашади. Ўртада ишончли одамлари воситачилик қиласиди.

— Боя исмини ўзгартириб олган, дедингми?

— Кўлида хорижнинг уч-тўртта паспорти бор. Бугун Аҳмад бўлса, эртага Тошмат бўлиб юраверади.

Мен учун кўп нарсалар ойдин бўла бошлади («Адолат лашкарлари»нинг жиноий ишлари тўғрисида биз кейинги саҳифаларимизда баён этамиз).

Усмон мурдаларни кўмиб қайтди.

— Энди кетсак ҳам бўлади, — деди олдимизга келиб.

— Вақт кеч бўлди. Боргунимизча қоронги тушади.

Йўлга тушганимизда Усмон сўраб қолди:

— Куроллар қани?

— Жарга ташлаб юбордим, — дедим. Мурод ялт этиб менга қаради.

- Нега ташладинг?!
- Эргаш сен ўлдирган одамларни қуролларидан таниб қолиши мумкин!
- Ҳа-я, әсимга келмабди!

Шу куни марказга «Адолат лашкарлари» гурухининг бошлиғи ҳозирда тириклиги ва Башир олти нафар жангарини Ўзбекистонга жўнатаётганлиги тўғрисида маълумот жўнатдим.

Шанба куни Эргаш бизни яна кузатувга чиқарди. Учаламиз ҳамон бир-биримиздан ҳадисираф юаридик. Муродга ишона бошлагандим. Умарнинг ўрнини босишига умид қилдим. Арзимаган топшириқлар бериб, синадим. Усмон эса кўпроқ мендан хавотирланарди. Юрсам ҳам, турсам ҳам, изимдан соядек эргашарди. Нияти ёмонлигини кўзлари ошкор қилиб турарди.

Мурод ортда келарди. Усмон иккимиз ёнма-ён гаплашиб борардик. Бир пайт қичқирган овоз бизни ортга қарашга мажбур қилди. Йигирма қадамча нарида Мурод оёғини ушлаб додларди. «Илон чақиб олган бўлса керак», деган фикр хаёлимдан ўтди. Бу ерларда заҳарли илонлар бисёр эди. Чопиб олдига бордик.

- Нима бўлди?
- Оёғим қайрилиб қолди! Мен йўлга ярамайман, сизлар кетаверинглар!
- Сени ташлаб кетолмаймиз!
- Топшириқ нима бўлади?

Эргаш «Ўлик довон»ни назорат қилишимизни тайинлаганди.

– Майли, сен шу ерда қол, қайтишда олиб кетамиз, – деди Усмон шилпиқ кўзларини менга тикиб.

Йўлда давом этдик. Усмон ортимдан келарди. Ҳар қадамимда кўзимнинг қирида кузатиб борар-

дим. Юрагим ғаш эди. Мени қандайдир хавф кута-
ётгандек эди...

* * *

Мурод ўзини айёрликка солганди. Бир оздан ке-
йин ўрнидан туриб, гранатомёт яширилган жойга
чопди. Вақт тифиз. Зудлик билан лагерга олиб кела-
диган йўлга етиб бориши зарур. Гранатомётни олиб,
шимол томонга судраб кетди. У тинимсиз чопарди.
Тошларнинг ўстидан кийикдай сакраб ўтарди. Тे-
пага чиқаётганида қуроли қўлидан чиқиб, чуқур-
га тушиб кетди. Уни олиб чиқиш учун ярим соат
вақт йўқотди. Оёқ кийимини тошлар тилиб, йиртиб
ташлади. Товонидан чакиллаб қон оқарди. Танаси
қора терга ботганди. Каттагина жарга дуч келди.
Ундан сакраб ўтолмасди. Эни уч қулоч келарди.
Кўприк кўринмасди. Жарнинг этагига бориш учун
икки соатдан кўпроқ вақт кетади. Мурод вақтдан
ютиш мақсадида белидан арқонни ечди. Каттагина
тошни мўлжаллаб, улоқтириди. Ўзи томондаги тошга
учини боғлади. Унга осилиб, жардан ўтди. Йўлгача
яна олти чақирим масофа қолганди. Қуёш тиккага
келган, вақт ўтиб борарди. Жон ҳолатда чопди. Бир
амаллаб етиб борди. Ўзи учун қулай жой топди. Ўтиб
кетишмадимикин, деган хавотирда йўлни кўздан ке-
чирди. Машина филдиракларининг изи кўринмади.
Демак, ҳали келишмаган...

Мурод тош ортига ўтиб, гранатомётни маҳкам қу-
чоқлаганча, йўлга кўзини тикиб ётди. Бир соатдан
мўлроқ фурсат ўтди. Кутаётган одамларидан ҳамон
дарак бўлмасди. Бу ерга етиб келгунча икки соат
вақт йўқотди. Қайтиб бориши учун ҳам шунча фур-

сат даркор. Бир соат кутишга ахд қилди. Шунда ҳам келишмаса, ортга қайтишга мажбур. Вақт ўтди. Келишмади. Мурод умидини узди. У ўрнидан турди ва тепаликка күтарили. Сүнгги бор йўлга қаради. Ҳеч ким ва ҳеч қандай машина кўринмасди. Кўзларини йўлдан олаётганда осмонга кўтарилиган оппоқ чангни кўрди. Шамол ҳосил қилган циклон бўлса керак, деб ўйлади. Йўқ, бу у ўйлаган нарса эмасди. Шу томон келаётган машинанинг ортидан кўтарилиган тўзон эди. Мурод ўзини тошлар панасига олди.

Усти очиқ «УАЗ»да олти киши келарди. Муроднинг юраги ҳаяжондан гурсиллаб уради. У гранатомётнинг учини машинага тўғрилади. «Ўзингни қўлга ол, нишондан адашгудек бўлсанг, ҳаммаси барбод бўлади», – деди ўзига ўзи. У ҳаяжонини босишга уринди. Бу орада машина яқин келиб қолганди. Орадаги масофа ўттиз қадам қолганида нафасини ичига ютиб, тепкини босди. Ўқ «УАЗ»нинг қок белига тегди. Машина иккига бўлиниб, одам бўйи тепага кўтарилиб, йўлнинг четидаги тошларга бориб урилди. Аланга чиқиб, ёниб кетди. Ўтирганлар ҳар томонга сочилиб кетди. Икки жангарининг танаси бўлакларга ажради. Бирининг боши қилич кесгандай учиб кетди. Бир жангари йўл ёқасидаги тошнинг устига тушди. Қолганлари машинанинг бир қисми билан жарга шўнғиди. Уларнинг бақирган, додлаган овозлари эшитилиб, сўнг худди қудуққа тушгандай сўнди. Қоп-қора тутун осмонга кўтарили. Бир неча дақиқа ўтиб, жар тубидан гумбурлаган овоз келди. Тошлар кўчиб тушди.

Лагерга беш чақиримча масофа қолганди. Эргашнинг одамлари осмонга кўтарилаётган тутунни, қоловерса, гумбурлаган овозни эшитган бўлишлари ва бу ерга чопқиллаб келишлари мумкин эди.

Мурод ўрнидан турди. Гранатомётни тошлар орасига яшириб, орқага чопди. Бирдан хаёлига тош устига учиб тушган одам келди...

* * *

Кун ботганида орқага қайтдик. Бошлиқни хурсанд қиласидиган бирорта одамни қўлга ололмадик. Мурод йиқилган жойида ётарди. Юз-кўзларида ўзгаришлар рўй берганди. Оқсоқланиб, ортимиздан келарди. Лагерга етганимизда Дўстумнинг одамлари «УАЗ»ни портлатиб юборишганини эшилдим. Эргаш айтарли тажанг эмасди. Эрталаб бизга шимол томонни кузатишга буйруқ берди.

— Кеча бизнинг олдимизга келаётган машинани Дўстумнинг одамлари портлатиб юборибди. Улар шу атрофда изгиб юрган бўлишлари мумкин. Эҳтиёткорлик билан кузатинглар. Бирортасини учратиб қолсаларинг, тириклай менинг олдимга тутиб келинглар!

Тўдабошининг топширигини олиб, учаламиз яна йўлга чиқдик. Усмон Муроднинг олдидан силжимасди. Паст овозда унга нималарнидир тушунтириб келарди. Қурол яширилган жойдан ўтаётганимизда ўша томонга қараб қўйдим. Тошлар жойидан силжиб қолганди. Муродга қараганимда, у нигоҳини бошқа томонга бурди.

Усмон ҳамон изимдан эргашиб юради. Нимадир қилишга пайт пойлаётганини кўнглим сезди.

Тепаликка чиқишидан аввал бир оз нафасимизни ростлаб, мадор кетиб бораётган танамизга куч тўплаб олишимиз лозим эди. Бунинг устига, қорнимиз ҳам очганди. Ялпоқ тош устига ўтириб, халтамиздаги егуликларни дастурхонга қўйдик. Мен ёзилиш

ниятида қоянинг ортига ўтдим. Қайтаётганимда, Усмоннинг зардали овози қулоғимга чалинди.

— ...рози бўлмасанг, бошлиққа мулла Умарнинг одамларини шу ўлдирган, деб сени кўрсатаман...

Усмон мени кўриб, гапни бошқа томонга бурди.

— Қани энди, мана шу чўққида бир кун тунаб қолсам.

Биз овқатланиб бўлгач, тепаликка кўтарилидик. Бошимиз узра оппоқ булатлар сузиб юарди. Юзимизга совук томчилар тушарди. Узокни кўриб бўлмасди. Туман биз томон бостириб келарди. Бундай пайтларда тепаликка юриш хатарли эди. Оёғимиз остидаги тошлар худди омонат тургандай туюларди. Бир донаси кўчгудек бўлса, ўзи билан бизларни ҳам пастга олиб тушиб кетиши хеч гап эмасди. Мен олдинда — қўлларим билан совук тошларни чанталлаб тепаликка тирмашардим. Ортимдан Усмон, кейин Мурод келарди. Чўққига чиқишимизга ўн қадамча қолганди. Шу ердан теварак-атрофни бемалол кузатиш мумкин эди. Ҳаммамиз ҳансираф, ҳолсизланиб, оёқ-қўлларимиздан мадор кетиб, зўрга ҳаракат қиласдик. Тепага чиқишимизга икки-уч қулоч қолганда Усмон оёғимдан маҳкам ушлади. Вужудим билан тошга ёпишиб, бошимни бурдим. У тиржайиб турарди.

— Ажалинг шу чўққида экан, Бўрон! — деди у. Лабларида қандайдир тиржайиш қотган, совук кўзлари эҳтиёткорлик билан алангларди. — Биламан, қачондир мени фош қиласдинг. Бехавотир яшашим учун сендан тезроқ кутулишим керак. Аллақачон бўйнингта ўнта олмосни жойлаб қўядим-у, аммо хўжайнин хитлаб қолмасин, деб пайт пойладим. Мавриди келди.

Усмон оёғимни кўтариб, қайирса, суриб юборса, кифоя — тошларга қўшилиб икки юз метр пастликка қушдек учаман. Қаршилик кўрсатиш ўринсиз. Хаё-

лимдан ҳар турли ўйлар ўтди. Ўлимдан чўчимадим, бажаришга улгурмаган ишларимни чала қолиб кетишидан афсусландим. «Ким ўрнимга келади? Ким топшириқларни бажаради?»

Усмон оёғимни қайирди. Оғриқдан инграб юбордим. Иккинчи оёғимни тепиб юборса, бас. Чангалаған тошларимга қўшилиб, пастга учаман. У оёғимни аста-секин қайираради. Аъзойи баданимни тер босди. Юрагим гурсиллаб уради. Шу алфозда худди калтакесакдай тошларни маҳкам чангаллаб олгандим. Оғриққа чидамай, уларни қўйиб юборишдан ўзга иложим қолмади. Кутилмаганда оёғим тош устига гурсиллаб тушди. Нега бундай қилди – билмадим. Ортимга қайрилдим. Усмон дор устидан йиқилаётган одамдай чайқалиб туради. Кўзлари косасидан иргиб чиққанди. Оғзини катта очган бўлса-да, бақиролмасди. Унга нима бўлганини кейин тушундим. Мурод қўлидаги автоматнинг уни билан Усмонни енгилгина туртиб юборди. Шу кифоя қилди. У пастга шўнғиди. Ўттиз қадамча тушиб, боши тошга урилиб, ўмбалоқ ошиб, яна пастликка учди.

«А...а-а!» деган чинқириқ тошларнинг қасир-кусурига қўшилиб, теварак-атрофдан акс-садоси қайтди. Мурод мени ҳам пастга тушириб юборади, ҳар иккимиздан қутулмоқчи, деб ўйлагандим. Йўқ, у менга тегмади. Иккимиз чархпалакдай айланиб тушаётган Усмоннинг ортидан қараб қолдик.

«А...aaa!»

Тошлар тошларга урилиб, бири иккинчисини силжитиб, карсиллаб, гурсиллаб, чанг-тўзон кўтариб, пастликка тушарди. Усмон кўздан йўқолди. Кўчган тошлар уни босиб қолганди. Бир неча дақиқа ўтиб,

шовқин-сурон босилди. Шундагина ўзимга келдим, Муроддан ёмонлик кутиш ўринсизлигини тушундим.

— Пулга ҳирс қўйиш хеч қачон яхшиликка олиб бормайди. Агар пул деган бемаъни нарса ҳаётининг мазмунини белгиламаганида, бошига бу кунлар тушмасди. Булар билан сенинг жонингни сотиб олмоқчи бўлганди, — деди ва чўнтағидан бир чангаль пулларни олиб майда-майда қилиб, сочиб юборди. Улар патдай тўзиб, пастга тушиб борарди.

Юрагим кўксимдан чиқиб кетадигандек тепарди. Ҳаво етишмаётгандай бўғилардим. Оёқ-кўлларимнинг қалтираши босилмасди.

— Сотқинларнинг жазоси шундай бўлади! — деди Мурод кўлини узатиб.

Мен қайгу аралаш табассум билан миннатдорчилик билдиридим. Панжаларини сиқиб, ўрнимдан турдим.

«ТОРА-БОРА» ФОРИ

Баширнинг одамлари тонг ёришмай мени олиб кетишиди. «Тойота» тоғ йўлидан тепаликка тирмасиб чиқарди. Ёнимда ўтирганларни биринчи кўришим эди. Булар Баширнинг ёрдамчилари эканлигини хўжайн қулоғимга шипшитиб кўйганди. Ўн соатча йўл босганимиздан сўнг машина менга ноаён томонга қайрилди.

Афғонистонда беш йил яшаган бўлсам-да, бу жойларни илк бор кўришим эди. Сўқмоқда қолган филдирак изларидан бу йўлда автомашиналар камдан-кам ҳаракатланганини билдим. «Тойота» пастликка тушиб борарди. Қаршимизда кўм-кўк яйлов ястаниб ётарди. Поёни чўққилари булатларга туташган тоғ эди. Атрофда тирик жон кўринмасди. «Қаёққа

кетяпмиз? Бу жойларда Башир нима қилади?» деган
үй тинчимни ўғирлаганди. Машина баланд қоя ости-
да тұхтади. Йўл шу ерда тугаганди. Шерикларим
қатори мен ҳам пастга тушдим. Бир оз ўтиб, ернинг
остидан чиққандек беш нафар қуролли одам пайдо
бўлди ва атрофимизни ўраб олишди. Уларнинг қа-
ердан пайдо бўлганини билмадим. Эгниларида кора
кийим, юзларида никоб. Автоматларнинг учи бизга
қаратилганди. Шерикларимдан бири уларнинг ти-
лида нимадир деди. Соқчилар кийимимизни тинтиб,
ортиқча нарсаларимизни олиб қўйиши. Ортимга
қараганимда, бизни олиб келган машина жойида
кўринмасди. Турган жойдан енгил чанг кўтарилади.
Қаёққа ғойиб бўлди? Мен гўё сирли оламга ту-
шиб қолгандек эдим. Қандайdir мослама «Тойота»-
ни ер остига олиб кириб кетганини кейин сездим. Қоя
куёшни тўсиб турарди. У биз томонга оғиб турарди.
Чўққи устидаги тошлар омонатдай, устимизга қулаб
тушадигандай осилиб турарди. Соқчилардан бири
қоя олдига бориб, қўлини тошга босди. Шарақлаган
товуш эшитилди. Қоя секинлик билан иккига ажраб,
одам сифадиган ўра очилди. Ичкари қоронғи эди. Бу
ёққа бошлаб келган одамлардан бири мени ўзи би-
лан бирга ичкарига олиб кириб кетди. Беш-үн қадам
юргач, яна тошли деворга дуч келдик. Эшик бўлса
керак, деб ўйладим, лекин бу ерда эшик йўқ эди.
Йўлак айланана эди. Пастга тушдик, «Бу ерда нима
кўрган бўлсам, барини ёдимда сақлаб қолиш лозим»,
деб ўйладим. Олти метрча пастга тушдик. Яна бир
тошли тўсикқа рўпара келдик. У иккига ажралди ва
кўз олдимизда ёп-ёруғ кенглик пайдо бўлди. Атроф-
ни кузатдим. Кичкинагина тош ҳам эътиборимдан
четда қолмади. Босаётган қадамимни санаб, қаерда

нима борлигини хотирамга муҳрлаб борардим. Ичкари ҳайратланарли даражада ғаройиб эди. Бундай манзараларни фақат эртак ва афсоналарда учратиш мумкин. Деворларга ўзидан ёруғлик таратадиган мосламалар ўрнатилганди. Чироқлар атрофга кучли ёруғлик сочарди. Тошлар пичноқ билан кесилгандай текис ва силлиқ. Бу ерни табиат шундай яратганми ёки одамзот томонидан ишлов берилганми – буниси коронги эди менга. Кўзимга қўриниб турган тошлар оддий тошларга ўхшамасди. Улар ёруғлик таратиш билан бирга ҳароратни мўътадил ушлаб туриш хусусиятига ҳам эга эди.

Ичкарининг адоги кўринмасди. Ҳар ўн қадамда қуролли соқчилар тошдек қотиб туришарди. Ортларида кўз илғамас эшиклар борлигини сезиб қолдим. Йигирма қадам юрганимиздан сўнг қаршимиздан икки кимса чиқди. Улар боши танасидан узилган жасадни қўлидан судраб келишарди. Танаси қонга бўялганди. Уни шафқатсизларча калтаклашгани, кейин терисини шилишганди. Юрагим қалтираб кетди. Ўзимни зўрға қўлга олдим. Бу атайн уюштирилган «спектакль» бўлиши мумкин! Деворларга кўз илғамас камералар ўрнатилган бўлса, менинг ҳолатим назоратдан четда қолмайди.

Йўлбошловчи қўлини кўтарди. Бу тўхташ ишораси эди. У деворга ўрнатилган тугмачани босди. Эшик товушсиз очилди. Ичкарига кирдик. Димоғимга қон ва яна аллақандай қўланса ис урилди. Ичим ағдар-тўнтар бўлиб, қусиб юбораёздим. Шеригим мени шу ерда қолдириб, ўзи бошқа хонага ўтиб кетди. Кўзларим оёғим остидаги қонга тушди...

Менга бундай даҳшатли манзарани кўрсатишдан мақсад нима? Кўрқитиши? «Топшириғимизни

бажармаган ёки хоинлик қилган одамнинг бошига шундай кулфат тушади», деган ишорами? Билолмадим!..

Ножўя ҳаракат қилмасликни ўйлардим. Мени танҳо қолдириб, ичкарига кириб кетгандай йўл бошловчининг чиқишини кутиб, қимир этмасдим. Ўн беш дақиқалар ўтиб, у чиқди. Кўли билан, «ортимдан юр», деган ишорани қилди. Бошқа хонага кириб бордик. Кутимагандан жаҳаннамдан чиқиб, жаннатга тушиб қолгандай эдим. Тошлиар устига Эрон гиламлари тўшалганди. Хитой чинни идишлари, турк мебеллари, Германиянинг стол-стуллари. Ҳамроҳим яна бир тугмачани босди. Эшик очилди. Ичкарига кирдик. Диванда икки киши ўтиради. Улардан бирини танидим. Бу – Башир эди...

МОСКВА

Вадим ВольфовичFaфурни қўлга олишни хоҳлар, ичган қасамини унугомасди. Юрагининг ичига кириб олган шайтон ҳеч тинчлик бермасди. «Сен қасам ичгансан, Faфурни тутишинг керак!» деган сўзни тинимсиз такрорларди. Вольфович катта пулни олиб кетгани сабабли Faфур қўлга қайтиб келади, деб ўйлади. Шу мақсадда соқчиларини ўрмонга жўнатди.

– Лъянати, сув остига яширган пулларимни кўрди, қайтиб бориши мумкин! Билиб қўйларинг, у менга тириклай керак, босмачидан қасос олмасам, юрагимнинг ҳовури босилмайди! Бориб, тутиб келинглар! – деди.

Соқчилар ўша захотиёқ йўлга тушишди. Дараҳтлар орасида беркиниб, Faфурни пойлашди. Орадан бир ҳафта ўтса-да, унинг қораси кўринмади. Воль-

фович одамларини чақириб олишга мажбур бўлди. Улар сув остидаги бойликни ҳам ўзлари билан олиб кетишиди. Бари бир мафия отасининг кўнгли нотинч эди. Faфурга бериб юборган пуллар каламушдек ичини кемиради.

Fафур кўлда мафия отасининг катта микдорда пули қолиб кетганини кўрган бўлса-да, ўрмонга қайтиб бормади. Ваъдани бузишни ёқтирамасди. Қолаверса, мафия отаси ҳам анои әмас, пулларини ўша куниёқ олиб кетган, деб ўйларди.

Fафурнинг диққат-эътибори «дори» олиб келиши кутилаётган Ҳикматда эди. Шериклари вокзалда пойлоқчилик қилишарди. Бироқ ундан дарак бўлмасди. Бу орада Вольфовичнинг одамлари Faфурни меҳмонхонада яшаётганидан хабар топишиди. Ўша заҳотиёқ мафия отасининг қулоғини қиздиришиди.

— У «Ленинград» меҳмонхонасида турибди. Ётган хонасини аниқладик, — дейишди.

— Наҳотки шундоқ кўз олдимда яшаётганини билмаган бўлсаларинг? Қайси хонада экан?

— Ўттиз олтинчи хонада.

Вольфович ўттиз олтинчи хонани кўз олдига келтирди. У кўчанинг орқа томонига жойлашганди.

— Бу кеча ётган тўшагидан турмасин! — буюрди у чопарларига.

— Шериги-чи?

— У билан иш олманглар. Faфур уйғонмаганидан сўнг у бу ердан силжиб қолади. Биз учун хатарлиси — Faфур!

— Унинг гўштини тимсоҳларимга едираман, деб қасам ичгандингиз, — дейишди югурдаклар.

Вольфович қўл силтади. Чопарлар Faфурнинг хонасига тунда бостириб кириш режасини тузишиди.

Кечки пайт Абдусамат овқатланмаслигини айтгач, Faфурнинг ўзи ресторага тушди. Ичкарида одам сийрак эди. Ўтириши билан олдига ширақайф кимса келди.

— Братан, можно с вами выпить сто грамм? — деди гандираклаб столга ўтирар экан. Faфур мастиларни ёқтирумасди. Бошқа пайт бўлганида ўрнидан туриб кетган бўларди. Аммо олдига қўйилган овқатни кўтариб бошқа жойга ўтишни истамади. Ароқдан эллик грамм қўйиб узатди. Нотаниш кимса бир кўтаришдаёқ идишни бўшатди. Унинг оғзидан эмас, кийимларидан ҳам ароқ хиди анқиётганини сезиб қолди.

— Спасибо, братан, — деди у паст овозда. Faфур унинг овозидан ёмонликни ҳам, мастилкни ҳам сезмади. Ким бу? Вольфовичнинг югурудаклариданми ёки ФХБнинг агентими? У ҳар эҳтимолга қарши пистонли ханжарни олишга қулай бўлсин, деб костюмининг тугмаларини ечиб қўйди.

— Ваше имя Гафур? — сўради нотаниш кимса боягидан ҳам пастроқ овозда. У Faфурга қарамай, бошини чангллаб ўтиради.

Faфур унинг талаффузидан ноўрин шубҳаланганини тушунди.

— Не ошиблись. Чем я могу помочь?

— Вам Абдуллах привет передал!

— Какой Абдуллах?

— Ваш близкий друг.

— Такое имя я в первый раз слышу.

— Я не хочу играть с вами в кошки-мышки. Дело серьёзное. Ваша жизнь в опасности. Сегодня немедленно покинти гостиницу. Отец мафии в эту ночь хочет вас убить. Вам полезный совет: на против вашей комнаты живёт сотрудник ФСБ. Будьте осторожны!

– Где я буду жить?

Нотаниш кимса чўнтағидан кичкинагина қофозча олиб,Faфурнинг олдига қўйди.

– Звоните на этот номер!

У бошқа гапирмади, ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди. Faфур унинг ортидан қараб қолди. Изимдан ҳеч ким тушмади, деб адашганини, кўпдан буён кузатувдалигини ва айни дамда кимларгадир кераклигини тушунди. Бу одам ким? Қайси идора-нинг топширигини бажаряпти? Вольфовичга алоқа-дорлигини кимдан эшитди? Бу тузоқ эмасми? Агар ёмонлиги бўлганида мафия отасининг одамлари ўл-дириб кетишини айтмаган бўларди.

Faфурнинг боши қотди. Нотаниш одамнинг гап-ларини синаб кўргиси келди. Хонасига чиққанида Абдусаматга бу тўғрида оғиз очмади. Чироқни ўчи-риб, ювиниш хонасида қотилни кутди. Тун ярим бўл-ганида ташқарида шитирлаган товуш эшитилди....

Вольфовичнинг одами ҳамма ухлаганидан сўнг меҳмонхонага келди. Бинонинг орқа томонига қалин қилиб, чирмовуқ гул экилганди. Тўққизинчи қават-гача ўсиб чиққанди. Ўн йиллик ўсимликнинг танаси йўғонлашиб кетганди. Қотил арқон ўрнида ундан фойдаланди. Тирмасиб учинчи қаватга кўтарилиди. Кўйнидан сувга бўқтирилган картонқоғозни олди ва уни ойнага ёпишириди. Мушти билан ойнакни урди. Овозсиз синди. Қотил илгакларни бўшатиб, дераза-ни очиб, ичкарига кирди. Оёқ учида юриб ётоқхо-нага ўтди. Кўйнидан учига овозиотгич ўрнатилган тўппончани олиб, кетма-кет ўқ узди. Кейин кўрпа-ни кўтарди. Бироқ ўриндиқ бўш эди. Устки кийим-лар тўплаб қўйилганди. Қотил орқага бурилмоқчи бўлганида, бўйнига тушган зарбадан ерга йиқилди.

Сўроқ-савол қилиб ўтиришнинг мавриди эмасди. Faфур тўппончанинг учини қотилнинг оғзига тўғрилаб тепкини босди. Кейин қўшни хонага ўтиб, Абдуса-матни уйғотди.

— Тур, зудлик билан кетишимиз керак!

Faфур чўнтағидан қофозни олиб, телефон ракамларини терди.

— Мы ждем вас внизу! — жавоб қилди нотаниш одам.

Улар пастга тушишди. Мехмонхонадан унча узоқ бўлмаган йўл четида қора «Волга» турарди. Faфур шериги билан машинага ўтирди. «Волга» тун қўйнида шаҳар ичига кириб кетди. Унинг хаёлида ҳамон бир савол айланарди: «Булар кимлар? Мени қаёққа олиб кетишмоқда?»

МОСКВА – ИСТАНБУЛ

Англия мафиясининг отасига берилган ваъданинг бажарилмай қолиши Вольфович учун кучли зарба эди. Олдида юзи қизариб қолмай, каттагина жарима тўлашга ҳам мажбур эди. Томсон тез-тез Вадим билан боғланиб, «юк»ни жўнатишни талаб қилаётган пайтда Ҳикматнинг йўлга чиққанини эшишиб, кўнгли хотиржам тортганди. «Юк» узоги билан бир ҳафта ичида қўлингизга тегади», деб ишонтирганди рус. Афсуски, ўйлаганлари тескари бўлиб чиқди. Ҳикмат етиб келмади. Вольфовичнинг ороми йўқолди, каттиқ асабийлашди. Ўзини қўйгани жой тополмай типирчилади. Одамлари телефонда боғланиб, меҳмоннинг ташриф буюрганини маълум қилишди. Охири, Вольфович ҳам умидини узди. Кўзига олам қоронфи кўринди. Оғзига келган сўзлар билан Эр-

гаши бўралаб сўкарди. Томсонни ишонтира оладиган баҳона изларди. Ниҳоят, Украинаадаги таниши ёдига тушди. Шулар унинг оташда ёнаётган жонига оро кириши мумкин эди. «Дори» зарурлигини, ҳозироқ унинг номидан Англияга жўнатишларини илтимос қилди. Орадан ярим соат ўтиб, Вадим Вольфович Украинага қўнғироқ қилгани ва «юк» сўраганидан Мехмед Чегечи хабар топди. Туркка шу керак эди. У мафия сардоридан ўч олиш фурсати келганини тушунди. Имкониятни бой бериб бўлмасди. Томсоннинг қон иси анқиб турган қўли билан русдан қасос олишни режалаштириди. Ўша пайтнинг ўзидаёқ одамларига қалбаки «юк»ларни жойлаштириши буюрди. Англияга жўнатишга шайланган икки юз килограмм тоза «дори» ўрнига қалбакилари алмаштирилди. «Юк»нинг йўлга чиққанини эшишиб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб, Томсонга кема йўлдалигини маълум қилди.

– Тозасиданми? – сўради мафия сардори.

– Гапингга тушунмадим, азизим, мен сенга шунча йилдан бери ёмон, сифатсиз «юк»ни жўнатганманми?!- деди рус аччиқланиб. Кейин мақтаниб қўйди:

– Татиб қўриб, менга ташаккур айтасан. Бу афлонларнидан ўн баробар кучли ва таъсирли!

– Менга ҳақиқий афлон «моли»дан жўнатаман, деб ваъда бергандинг? – Томсоннинг сўзларидан унинг кўнгли тўлмаганлиги билинди.

Вольфович ростини айтишга мажбур эди.

– Эргаш «юк»ни жўнатмади. Алдади. Бу қилмиши учун мендан жазосини олади!

– Шошилмасликни маслаҳат бераман! – деди Томсон. – Биласан, бизда фақат афлон «мол»ларига талаб кучли.

Томсоннинг бу сўзидан, «Эргаш билан алоқани узсанг, ўртамиздаги ришта ҳам узилади», демоқчи бўлганлигини қария тушунди. Шу куни ҳаётида илк маротаба жўнатган «юк»ининг Томсонга ёқишини сўраб, худога ёлворди.

У Англиядан хушхабар кутарди. Аммо Вольфовичнинг орзу-истаклари ўзи кутмаган ҳолда саробга айланди. Томсон телефонда унинг дилини хуфтон килди.

— Бу қанақаси, Вольфович? Мени алдашга қандай ҳаддинг сиёди?

— Тинчликми? Нима гап? — Вольфовичнинг юзи қизариб кетди.

— Жўнатган «юк»инг қалбаки экан!

— Бўлиши мумкин эмас! — мафия сардори аланга ичида қолгандай типирчилади.

— «Юк»ларингни қайтариб юбордим. Ўзинг татиб кўрарсан. Сенга ўн кун муҳлат, мен айтган «мол» келмас экан, ўртамиздаги шартнома бекор қилинади, юз эллик миллион доллар жарима тўлайсан! Қолаверса, «юк» учун тўланган ўн миллионни икки ҳафтада қайтарасан! Мафия отаси эсанкираб қолди. «Юк» учун жавобгар одамларни хонасига тўплади. Бандаргоҳга бориб, қайтиб келган «юк»ни ўз кўзи билан кўриб қолмай, балки татиб ҳам кўрди. Томсон уни алдамаганига ишонди. «Юк»ни жўнатганлар саф тортишди.

— Сенлар мени шарманда қилдинг! — бақирди рус.

— Бунинг учун ҳар биiring жазога лойиқсан!

Мафия отаси соқчиларига қаради. Улар шефнинг ишорасини тушунишди. Икки йигитни судраб, ташқарига олиб чиқишли. Тун ярим эди. Йигитлар палубага чиқишлиари биланоқ биқинларига тиralган

тўппончадан отилган ўқдан ерга қулашди. Соқчилар ҳали жон таслим қилмаган йигитларнинг қўл-оёқларидан кўтариб, сувга улоқтириши. Сув юзи қонга беланди ва кўп ўтмай тўлқинлар қонли сувни суриб ташлади. Икки йигитнинг жасадини ўз бафрига олган денгиз жиноят изини шу заҳотиёқ яширди.

* * *

Томсоннинг олдида ўзини оқлаш учун қарияда битта имконият қолганди. Эфиопиядан ярим тонна «юк» ортган кема йўлга чиққанди. Яна ўн кун кутиш лозим. Бу тўғрида Томсонни огохлантиришини истамади. «Юк» келсин, кўрай, татий, сўнг айтарман, деб ўйлади. Юраги бир оз ором топди. Кеманинг бандаргоҳга келишига икки кун қолганида одамлари қариянинг қулоғига ноҳуш хабарни етказиши.д

– Шеф, кема координатдан чиқиб, минага дуч келди.

– «Юк» нима бўлди? – қалтираб кетган мафия отаси хабарчининг ёқасидан олди.

– Ҳаммаси денгиз тубига чўкиб кетди!

– «Юк» чўккунча сенлар чўкиб ўлсанг бўлмасми? – қичқириб юборди Вольфович. – Энди мен нима қиласман? Хонавайрон бўлдим!

– Бир йўли топилар, – зўрға тилга кирди хабарчи.

– Ўзингизни койитманг...

Вольфовичнинг сўнгги умиди ҳам пучга чиқди. Томсон билан тузилган шартномани бекор қилишдан, пулларини қайтаришдан ўзга чораси қолмаганди. Бироқ кўлидаги «муллажиринг»ни ҳеч қачон ўз эгасига қайтариб беришни истамасди. Мафия отасининг боши оғриқдан тарс ёрилаёзди. Ўра ичига

тушган одамдай ҳар томондан нажот излади. Эргаш билан алоқага чиқиб бўлмасди. Бирорта одамини Афғонистонга жўнатишга юраги чопмасди. Қариянинг охирги умиди яна Мөхмед Чегечида тўхтади. Биргина шу одам ҳалокат ёқасидан кутқариб қолиши мумкин эди. Вольфович зудлик билан Понамарёвни хузурига чакиртирди.

— Ҳозироқ Истанбулга уч. Чегечини топ. Қандай йўл билан бўлса ҳам бизни «дори» билан таъминласин. Акс ҳолда, топган-тутганимиздан айрилиб, шармандамиз чиқади!

— Чегечи билан алоқа қиласизми? Ахир унинг илтимосини бажармаганмиз!

— Ҳозир гина-кудурат қиласиган пайт эмас. Нима деса рози бўл, йўлини топиб, ҳамма талабини бажарамиз. Мухими, бизга «дори» керак!

Понамарёв оқшом қўнганида Мөхмед Чегечининг хузурига кириб борди. Ҳамма гаплардан хабардор бўлган турк руснинг келишини кутаётганди.

— Биз «дори»ни пулга эмас, қурол-аслаҳага алмашамиз, — деди ўқининг нишонга текканидан мамнун бўлиб. — Эшитишимча, сизларда одамнинг руҳига таъсир қиласиган антиқа мина ишлаб чиқарилганиш. Бизга шундай қурол зарур.

— Менинг бундан хабарим йўқ, — деди Понамарёв.

— Сиз янгиликларга беэътибор бўлманг, мен минглаб чақирим олисдаги одам хабар топсан-у, сиз ўз юртингизда яратилган янгиликдан хабарсиз бўлсангиз. Мантиққа тўғри келмайди!

— Ҳаракат қиласиз, агар сиз айтган қурол бизда ишлаб чиқарилган бўлса, билингки, албатта, у қўлингизда бўлади!

Чегечининг ялпок юзи ёришди.

— Мұхтарам Вольфович жаноблари билан биз ҳамиша бир-биrimizni тушуниб келғанмиз, Бирок қурол менинг қўлимга топширилиши шарт эмас, у Афғонистонга ўтиши керак.

— Афғонистонга? — ҳайрон бўлди Понамарёв.

— Ҳа, Афғонистонга! Бунинг ажабланарли жойи йўқ.

— Шундай-ку, лекин ким уни Афғонистонга ўтка-зиб беради?

— «Мол»ни қандай йўл билан сизнинг қўлингизга топшираётган бўлсак, сизлар ҳам қуролни шундай йўл билан бизга топширасизлар!

Ёрдамчи бир оз ўйланиб, Мехмед Чегечига қаради.

— Таклифингизни қабул қилдик дейлик, сиз бу қурол учун бизга қанча «дори» берасиз?

— Аввал келишганимиздек, бир дона Калашников баҳосида.

— Вольфович бу таклифингизни қабул қilmайди, — деди рус. — Сиз айтган қурол янги ишлаб чиқарилган бўлса, ҳаддан ташқари қиммат туради. Бундан ташқари, уни қўлга киритиш учун хўжайнин катта микдорда маблағ сарфлайди.

Мехмед Чегечи Амирий жанобларига берган ваъ-дасининг уддасидан чиқиши ва айтилган қуролни қўлга киритиши зарурлигини унутмаганди. Айни дамда Понамарёвнинг таклифида жон борлигини англади.

— Унда қанча «мол» етказиб беришимизни сиз айтинг? — деди. Рус буни киноя деб қабул қилди. Бирок Чегечининг юзи жиддий эди.

— Йигирма килограмм «дори» учун бир дона қурол оласиз!

Таклиф Чегечига ҳақоратдай ботди.

— Ҳаддингиздан ошманг! Ўртамиздаги олди-берди адолатли бўлсин!

— Чегечи жаноблари, сиз сўраётган қурол ҳозирча дунёning бирорта мамлакатида ишлаб чиқарилмаганига аминман. Давлат омборида қуролни олиб чиқиш учун қанча маблағ сарф қилинишини кўз олдингизга келтиринг!

Чегечи ўйланиб, бир муддатдан сўнг фикрини билдириди:

— Беш килограммга розидирсиз?

Понамарёв Чегечининг қуролга ҳаддан ташқари қизиқаётганини тушунди ва қарорида қатъий туриб олди.

— Олдиндан айтишим мумкин, Вольфович ўн килограммдан камига таклифингизни қабул қилмайди. Ҳа, яна бир гап, бизга қайта ишланган ҳақиқий «дори» керак!

— Сиз, руслар айтганини қиласиган чўрткесар одамсизлар. Нима ҳам дердим, саккиз килограммдан берамиз!

— Мен ўз бошлиғим билан маслаҳатлашиб олишими тўғри келади.

— Жавобни қачон оламан?

— Бу узоқ вақт талаб қилмайди, эртага масала ҳал бўлади. Мабодо, Вольфович таклифингизни қабул қилсалар, ўртада кичкинагина шартнома имзолаб олишимизга тўғри келади, — деди Понамарёв.

— Бу муаммо эмас!

— «Мол»ни олдиндан етказиб берасиз!

— Бир озириб юбормадингизми?

— Мухтарам Меҳмед оға, таклиф ва талаблар фақат сиз томонингиздан бўляпти. Бу адолатдан эмас.

— Иқрорман, аммо «мол» сиз учун ҳаводек зарурлигини унутманг!

— Фақат биз учун эмас, сиз учун ҳам!

- Сиз билан келишиш оғир кечяпти, азизим.
— Ўртамиздаги ишончни мустаҳкамлаш учун гаровга қўядиган нарсангизни айтинг?

Чегечи Амирийга ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиш ва ўша антиқа минани тезроқ қўлга киритиш мақсадида идорасини гаровга қўйишга қарор қилди.

- Мана шу офисни гаровга қўяман.
— Идорангизнинг баҳоси назаримда юз миллион доллардан ошмайди, — деди вакил. — Шартномани шу суммага тузамиз!

Меҳмед Чегечи «дори»нинг Россияга етиб боришига шубҳа қилмасди. Эргашнинг одамлари бунга қодир, деб ўйларди. Шу сабабли, идорасини тикишдан чўчимади. Улар икки томонлама шартнома имзолашди.

- Курол қачон қўлимизга тегади? — сўради Чегечи.
— Мен бошлиғим билан маслаҳатлашиб, аниқ жавобни кечки пайт айтаман! — деди рус. — Сиз эса бугунни эртага қўймай, «дори»ни жўнатиш ҳаракатида бўлинг!
— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, — деди уй эгаси. — «Дори» узоги билан шу ҳафта йўлга чиқади.
— Ишонсам бўладими?
— Шубҳага ўрин йўқ! Ахир мен шундай қиммат баҳо идорамни гаровга тикдим-а!
— Бошлиғимга бу хушхабарни етказсам, уялиб қолмайманми?
— Асло! — ишонч билан деди Чегечи.
Улар бир-бирларининг қўлларини маҳкам сиқиб, хайрлашишиди.

«ТОРА-БОРА» ФОРИ

Баширни кўриб, ўзимни енгил ҳис этдим. Унинг ишораси билан йўл бошловчи чиқиб кетди. Тош эшик шарпасиз ёпилди. Башир мени ёнидаги шеригига таништириди:

— Бу йигит Эргашбойнинг ёрдамчиси – Бўрон!

Бегона одам оппоқ ва чўзинчоқ юзини менга бурди. Унинг қўз қарашларидан мен тўғримда етарли маълумотга эга эканлигини сездим.

— Жон Дэвид! – мулойимлик билан деди у. – Танишганимдан хурсандман!

— Ўтириш! – Башир ёнидан жой кўрсатди. Ўтиридим. Улар мени унутишди. Узилиб қолган сухбатни давом эттиришди.

— Хаттоб жаноблари яна одам жўнатишимиизни сўраяпти, – деди Башир шеригига.

— Тайёр йигитларингиз борми?

— Усама жанобларининг таклифи билан хориждан келган икки юз эллик нафар йигит Чеченистонга жўнаш учун буйруқ кутмокда.

— Қачон йўлга чиқишиади?

— Хаттоб билан алоқага чиқиб бўлмаяпти. Барча алоқа воситалари русларнинг назоратида. Йигитларимизнинг шайлиги тўғрисида унга мактуб битдик. Жавоб келиши билан жўнатамиз.

— Мактуб жўнатилдими?

— Бугун йўлга чиқади!

— Уларни қуруқлик орқали жўнатиш мумкин эмасми?

— Куруқликдаги йўллар руслар томонидан ўраб олинган. Кушнинг патини ҳам титиб ўтказишмокда, – деди Башир.

— Төф йўлини яхши биладиган ишончли одамлардан ёллаш керак.

— Ёрдамчиларимиз бор. Улар биздан хабар кутишмоқда.

— Энди асосий масалага ўтсак, — деди меҳмон менга юзланиб. — Бўрон ишончли йигит кўринади. Ўйлайманки, бизнинг топшириқларимизни аъло дара жада бажаради.

— Гумон ўринсиз!

Жон менга юзланди.

— Уйланганмисиз?

— Шундай!

— Фарзандингиз борми?

— Яқинда ўғил кўрдим.

Жон бу саволларни синаш максадида бераётганди.

— Аёлингиз билан яшайсизми?

— Аёлимнинг қазо қилганига икки ой бўлди!

— Ўғлингиз ким билан яшайди?

— Кўшнимиз Робия исмли аёл тарбияламоқда!

— Эшишишимизга қараганда, яқин орада Эргашнинг лагерига инглиз йўриқчилари келишармиш. Бундан хабарингиз борми?

— Бу тўғрида эшитгандим.

Жон Дэвиднинг юзидан жавобларимдан қониқишиносил қилганини уқиб олдим.

— Хўш, Эргашбойнинг уларга муносабати қандай?

Бу кора кучларни бирлаштирмаслик, ўртага низо ташлаш ва яқин ўтмишдаги воқеаларни эсларига солиб кўйиш фикри хаёлимга келди.

— Европадан келадиган йўриқчилар ўзларига гўрков тайёрлашмоқда.

— Сабаб? — Жон Дэвиднинг юзи ҳайратдан оқаргандек эди.

– Инглизлар лагердаги жангарилар бизга итоат қилишади, деб ўйлашади, афсуски, улар тетапоя бўлишгач, буйруқларига қулоқ солишмайди. Инглизлар тайёрлаётган жангарилар оёққа тургач, ўз тарбиячилариға тиф кўтаришади. Тарихдан маълумки, бир пайтлар инглизлар гўё Осиё халқлари устидан хукмронликни сақлаб қолиш учун улар ўртасида ўзаро урушни кучайтиришга эътибор берган. Лекин бу халқлар Европа техникаси ва ҳарбий соҳадаги ютуқлардан хабардор бўлиб, инглизларга бўйсунмасдан мустақил бўлиб кетдилар. Мустақил давлат тузмоқчи бўлган осиёликлар ҳам инглизлар кўмагидан умид қилишлари беҳуда. Уларнинг мақсади – бу ердаги халқларга озодлик ва мустақиллик беришда эмас, балки улар устидан ғоявий-сиёсий, иқтисодий хукмронликни сақлаш!

Менинг сўзларим Дэвидга ёқмади. Саволидан пушаймон бўлгандек юзи қизарди. Менинг яна нималарнидир айтишимдан чўчиб, мақсадини айта қолди:

– Бизни инглизлар Эргашбой билан қандай масалада гаплашишгани қизиқтиради. Ўйлайманки, сиз бу саволларга жавоб топасиз! Берилган топширикни ҳеч ким билмаслиги ёдингиздан чиқмайди, деб ишонсан бўладими?

– Албатта! – дедим бош ирғаб.

Жон ўрнидан туриб қўлимни қисиб қўйди.

– Керак бўлганингизда, одамларимиз сизга чиқишиади.

Тошдевор иккига ажралди. Учаламиз хонадан чиқдик. Башир менга ниманидир айтмоқчи бўлаётганини сезиб турардим.

– Сизни хабардор қилиб қўяй, – ниҳоят тилга кирди у, – Абдуллоҳ жаноблари вафот этдилар.

- Охиратлари обод бўлсин!
- Лекин у киши ўз ажаллари билан қазо қилмадилар...
- Ўлдиришдими?
- Шундай.

Биз номаълум томонга юрдик. Оёқларимиз остидан чиқаётган товушларни тошлар ютиб юборарди. Йўлак бир-бирига шу қадар ўхшаш эдики, одам бир қарашда бунинг фарқига бормасди. Мен бошқа йўлакдан кетаётганимизни сезиб қолдим. Босган қадамимни ўлчаб, эсда қоларли нарсаларни хотирамга жойлашга уринардим. Қарши томондан келаётган қора кийимли соқчи Баширнинг рўпарасида тўхтаб:

- Ҳаммаси тайёр, оға! – деди.

Башир бош иргади. Биз бошқа томонга бурилдик.

Бу жой Тора-Бора ғори эди. Тирик одамлар устидаги кимёвий дориларни синаб кўриш, жангарилалининг асосий бойлик манбаи ҳисобланган героин, опиум каби ажал уруғлари шу ерда қайта ишланиб, маҳсус пакет ва идишларга солиниб, дунёнинг турли бурчакларига жўнатилишидан хабардор эдим.

Эллик икки қадам юрганимиздан кейин олдимиздан тошdevор чиқди. Миттигина яшил чироқ ёнди. Девор ёрилди. Қаршимизда ям-яшил майсалар, кўмкўк осмон, олисдаги тоғлар ястаниб ётарди. Ёнма-ён келаётган Дэвид ғойиб бўлганини, қайси тешикка кириб кетганини пайқамай қолдим. Биз бир неча соқчилар турган жойга келдик. Улар қопдаги буюми ўраб олишганди. Тепамизда гуриллаган овоз келди. Кичкинагина вертолёт тоғлар орасидан чиқиб келарди. У биз турган жойга қўнди. Соқчилар қопни юклашди. Башир мени четга тортди.

– «Юк»ни қузатиб борасан. Эргашбойнинг одамлари буларни қабул қилиб олади. Уларнинг кимли-

гини эслаб қол. Бироқ ўзинг кўринма. Вертолёт қўниши билан яширин. Тушунарлими?

– Тушундим!

– «Юк»ларни қайси йўлакдан олиб ўтишларини ҳам аниқла. Орадан бир соат ўтиб, олдингга одамим боради. У ўзини Сайфиддин, деб таниширади.

– Тушунарли.

– Булар ҳаммаси эмас, яна бир топшириқ: мана бу пакетни Сайфиддиннинг қўлига топширасан! Бунинг ичидаги маълумотлар бор. Йўқолиши, бегона одамнинг қўлига тушиши мумкин эмас.

Мен билан яна икки киши вертолётга чиқди. Улар менга эътибор беришмади. Вертолёт бир соатча йўл юриб, пастлади. Биз қаерга келдик, билмасдим. Пастга тушиб, ўзимни панага олдим. «Юк» туширилди. Эргашнинг одамлари келиб, «юк»ни қабул қилиб олишди. Мен уларни танидим. Ҳикмат, Қосим ва Ойбек. Вертолёт яна осмонга қўтарилиди ва келган томонига парвоз қилди. Ҳикматнинг шериклари қопларни қўтариб, сойнинг нариги томонига ўтиб кетишиди. У тараф юлғунзор эди. Мен уларни юлғунзор ичидан таъқиб қилиб бордим. Ярим чақирим юришгач, юлғунзор тугади. Бу ёғи энди тошлок эди. Тоққа тирмасиш керак эди. Ҳикмат ва унинг одамлари шу ерда тўхташди. Гулхан ёқишиди. Афтидан, кимнидир кутишарди. Кўп ўтмай яна бир одам пайдо бўлди. Суҳбатларини эшитгим келди. Тошларни паналаб, уларга яқин бордим.

– Поезд қачон жўнайди? – сўради Ҳикмат нотаниш кимсадан.

– Пайшанба куни кечқурун.

– Қайси вагонни танладиларинг?

– Ўн олтинчини!

- Проводник ишончли одамми?
 - Ўзимиздан, илгари ҳам бирга ишлаганмиз!
 - «Юк» манзилга етиб бормаса, ҳаммамизнинг бoshimiz кетади.
 - Майдалаб ўтирмаймиз, бирйўла ҳаммасини жойлаймиз.
 - Проводник вагоннинг ён томонидаги тахталарни кўчириб қўядиган бўлди. «Юк»ни ўша жойга тиқамиз. Кейин бўёқ суртиб қўямиз, ҳеч ким хитламайди.
 - Билиб қўй, «юк»ни Вольфович сабрсизлик билан кутмоқда. Бу шахсан кенгаш раисининг топширифи билан кетяпти!
 - Тонг ёришмай йўлга чиқамиз. Бишкеекка етиб боргунча бир кун ўтади.
 - От тайёрлаб қўйганман. Йўлимиз яқин бўлади,
 - деди нотаниш одам.
- Пастга тушдим. Белги қўйилган тош олдига қайтдим. Қўйнимдаги пакет вужудимни чўғдек қиздиради. «Унинг ичидаги қандай маълумот бўлиши мумкин? Улардан хабарсиз Сайфиддиннинг қўлига топшириш мумкин эмас», деб ўйладим. Қолаверса, Сайфиддин буни кимнинг қўлига топширади? Нима бўлса бўлар, пакетни очишга қарор қилдим. Бироқ ултурмадим. Мен турган жойга қараб келаётган одамга кўзим тушиб қолди. Эгнида қўтос терисидан тикилган, жуни тескари калта пўстин бўлиб, қиёфасини ваҳимали кўрсатарди.
- Тошни пойляяпсанми? — у белгининг устига қўлини қўйиб сўради.
 - Сайфиддинни! — дедим олдиндан ўргатилган сўзни тилимга олиб.
 - Сайфиддин келди. Нима бермоқчисан унга?
 - Нимани талаб қилса, ўшани бераман!

– Сехргар эмасмисан?

– Қаршингиздан сехргар чиққанида нимани сўраған бўлардингиз?

– Назаримда мен ҳақиқатан ҳам сехргарга дуч келиб қолдим, шекилли...

– Шундай! Тиланг тилагингизни?

Ўртада бўлиб ўтган сўз ўйинидан кейин Сайфиддин ҳақиқатан ҳам менга ишонди шекилли, тилагини айтди:

– Дўстларим томонидан жўнатилган мактубни сўраган бўлардим...

Кўйнимдаги пакетни олиб узатдим. Сайфиддин уни қўлига олди ва муҳрларига кўз югуртириб чиқди.

– Ҳақиқатан ҳам ажойиб сехргар экансан!

Қаршимдаги одамнинг мақсадини билишга қизикдим:

– Дўстингиз сизга ҳамиша муҳрланган мактуб жўнатадими?

– Муҳр бузилганда мен ҳам сенга ўзимнинг сехргарлик маҳоратимни кўрсатган бўлардим! – у қўйнидан тўппончасини олди ва стволига лабини босди.

– Энди бунга ҳожат йўқ! – у совуқ жилмайди ва мен билан хайрлашмасдан жўнаб кетди.

Менинг бу ерда қиласиган ишим тугаган эди. Баширнинг топшириғига биноан лагерга қайтишим керак эди. Кеч бўлганига қарамай йўлга тушдим.

Лагерга яқин қолганда марказ билан боғландим. Янги ходим келгуси ойнинг биринчи якшанбасида учрашувга чиқишини маълум қилди...

ЮРТДА

1949 йили Хитой Халқ Республикасидан ўтиб келган уйғур миллатига мансуб мухожирлар орасидан икки киши водийнинг катта шаҳарларидан бирiga қўнишади. Орадан кўп ўтмай, улардан бири Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрига кўчиб кетди. Аҳмад охун исмли шахс эса шу ерда қолишни ихтиёр этди. 1961 йилнинг эрта баҳорида хитойлик Сафар исмли кимса уни излаб келади.

— Отангиз қишининг чилласида фоний дунёдан дорилбақога риҳлат қилдилар, — деди меҳмон совуқ хабар келтиранидан хижолат бўлгандай. — Ўлимлари олдидан сизга топшириб қўйишим лозим бўлган кичкинагина омонатни қолдиргандилар. Вақтида келтириб беролмаганим боис, сиздан узр сўрайман.

Сафар қўйинидан газетага ўроғлик буюмни олди-ю, аммо уни уй эгасига узатмай, олдига қўйиб қўйди.

Тўқсон ёшдан ўтиб қолган отасининг вафоти Аҳмад охунни қаттиқ тушкунликка солди. Падарини ўз қўли билан тупроққа қўёлмаганидан афсусланди.

Меҳмон унга таскин-тасалли бергувчи сўзларни бисотидан излади:

— Ўлим ҳаммамизнинг бошимизда бор, биродар. Бу дунёга омонат одамлармиз. Худо раҳмати падарингиз тўқсон йил яшадилар. Аллоҳ бундай умрни фақат ўзининг суйган бандаларигагина беради. Сизнинг вазифангиз энди — беш вақт намоз устида у кишининг ҳақларига дуо қилиш. Илоҳим, охиратлари обод бўлсин!

— Имкон топсам, албатта, Хитойга ўтиб, падаримнинг қабрини зиёрат қилиб келаман, — деди Аҳмад охун меҳмоннинг тасаллиларидан юраги юмшаб.

— Отангиз ўлимлари олдидан васият қилгандилар...

— Қулоғим сизда. Уларнинг васиятларини бажариш менинг фарзандлик бурчим, — меҳмоннинг сўзини бўлди уй эгаси.

— Баракалла, ҳақиқий ота ўғил эканлигинги зиңи сезиб турибман, — олқишилади меҳмон. — Худо раҳмати Эшон бобомиз сиз билан фаҳрланардилар. Айниқса, набираларини ўзлари каби илмли бўлишини орзу қиласардилар.

— Каминанинг ҳам мақсади шундай, — меҳмоннинг сўзларига қўшимча қилди Аҳмад охун.

— Падарингиз шаҳримизнинг кўзга кўринган уламоси эдилар. У киши динимизнинг тақдирни тўғрисида кўп қайғурадилар. Дарвоҷе, сиз ўғлингизга қандай исм қўйдингиз?

— Юн Те!

— Хитойча исм-ку?! — бошини тебратиб қўйди Сафар.

— Вақти келиб, ўғлим юртига ўтиб кетиши мумкин. Шуни ўйлаб, Юн Те номини қўйдим.

— Менимча, сиз бу борада бир оз янглишибисиз, биродар. Ҳозир қаерда яшаётганингизни унутманг. Унга Акмал, деб исм қўйинг. Отангизнинг васиятлари ҳам шундай эди. Қолаверса, бу билан ерлик миллат вакилларининг ҳурматини жойига қўйган бўласиз. Зурриётингиз неча ёшда?

— Етти ёшга тўлди. Кузда мактабга боради!

— Шўро мактабига-я?

— Бизда болалар фақат шўро мактабида ўқишиади.

— Хай, ҳай, агар ўғлингизни шўро мактабига берадургон бўлсангиз, Эшон бобомлар қабрларида тик турадилар! У кишининг сўнгги васиятлари набира-

ларини мадрасада ўқитиш эди. Ўзлари каби илмли, уламо бўлишини орзу қилардилар. Менимча, уни мадрасага ўқишига берганингиз мақсадга мувофиқ. Шунда отангизнинг руҳларини яна ҳам шод қилган бўлур эдингиз.

– Бу ерда мадрасалар тақиқланган.

– Бунинг йўли осон, – маслаҳат солди Сафар. – Фарзандингизни бирорта мулланинг қўлига топширинг!

Таклиф Аҳмад охунга маъқул келди. Мехмон ўрнидан туришдан аввал боя ёнига қўйган буюмни уй эгасига узатди.

– Отангиз бериб юборган омонат!

Аҳмад охун унинг ичида пул борлигини сезди.

– Уйимизнинг эшиги сиз учун ҳамиша очиқ.

Хоҳлаган пайтингизда келинг! – деб кузатиб қўйди.

– Худо омонлик берса, албатта келаман! – сўз берди Сафар ширин жилмайиш билан. – Дарвоҷе, Эшон бобомнинг иккита дўконлари, битта сартарошхоналари бўлур эди. Савдогарлар ҳар ойда ижара ҳақини ва фойданинг ўндан уч қисмини падарингизнинг васиятларига биноаң каминанинг қўлига топширмоқда. Омонатга хиёнат эр кишининг иши эмасдир. Ана шу пулларни ўз вақтида жанобларининг қўлига топшириш имкони йўқ. Шу сабабли фурсат топиб, йилда бир-икки келишга ҳаракат қиласман.

– Умрингиз зиёда бўлсин, Сафарали!

Аҳмад охун ўша куниёқ ўғлининг исмини ўзгартирди. Акмалнинг қўлидан етаклаб, маҳалланинг чекка бир жойида яшайдиган домланинг ҳузурига борди.

– Боламнинг эти сизники, суяги бизники, ҳарф танитиб, ўзингиз каби катта мулла қилиб берасиз, дома-ла почча! – деди.

Домла почча Аҳмад охунга қарамай бошини чайқади:

– Ҳукумат болаларни эскича ўқитишни ман қилганидан огох эмасмисиз, биродар? Биздан тилхат ҳам олишган, – деди.

– Энди, қори почча фарзандимизни қўлингизда ўқиётганини фақат иккимиз биламиз. Шу соатдан бошлаб оғзимизга «кулф» солдик!

– Мени қийнаманг, Аҳмад охун. Сўроқ беришга тоқатим ҳам, бардошим ҳам етмайди.

Аҳмад охун хитойлик меҳмон ташлаб кетган пулдан бир боғламини олиб, қори почча ўтирган кўрпачанинг қатига тиқиб қўйди.

– Нима қиляпсиз, мулла Аҳмад? – деди қўллари билан кўрпачани босиб, қори почча.

– Назр қилганимиз тақсир, қолганига қарздормиз!

– Айтиб қўяй, – деди домла почча оғир ишни гарданига олаётганидан чўчинқира, – бир гап чиққудек бўлса, иккимиз теппа-тeng жавоб берамиз!

– Аллоҳ у куннинг юзини тескари қилсин.

Шу кундан бошлаб ёш Ақмал домланинг уйида қолди.

Орадан тўрт йил ўтиб, хитойлик меҳмон яна Аҳмад охуннинг остонасида ҳозир бўлди. Уй эгаси уни аввалгидан ҳам илиқ кутиб олди. Меҳмон бу гал ҳам қўйнидан бир боғлам пул олиб, Аҳмад охуннинг қўлига тутқазди.

– Отангизнинг дўконидан тушган даромад!

– Мени қўп хижолат қилдингиз, тақсир. Арзимас пул учун шунча йўлни босиб ўтишингиз шарт эмасди-ку?

— Падарингизнинг васиятларини адо этиш менинг мўминлик бурчим. Бурчни адо этиш — мусулмон банда учун фарз.

— Кам бўлманг, Аллоҳ сизга берган тавфиқ-у инсофдан бизни ҳам бенасиб қилмасин!

Хайрлашиш олдидан Сафар сўради:

— Ну, Юн Те катта йигит бўлиб қолгандир?

— Юн Те эмас, мулла Акмал дэнг!

— Шундайми? Баракалла! Гапимни қулоғингизга олибсиз-да? Ўзлари уйдамилар? — деб сўради.

— Сабоқ олгани кетганлар, — оғзини меҳмоннинг қулоғига яқин келтириб деди уй эгаси.

— Ўқиятиларми? — Сафар бу саволни қаерда ўқијати, деган маънода берди.

— Сизнинг қимматли маслаҳатингиз билан қўшни маҳалладаги домланинг қўлига топширганман!

— Баракалла! Кам бўлманг, иним! Иншооллоҳ, отангизнинг ўрнини шу зурриётингиз босади.

Меҳмон шу билан йўқ бўлиб кетмади. Икки йилдан кейин яна пайдо бўлди. Аҳмад охун уни туғишганлардек қабул қилди.

— Ўғлим, бу киши бобонгнинг энг яқин шогирдлари, — деб таништириди. — Менинг қадрдоним Сафар амаки бўладилар. Уйимизнинг азиз меҳмони, мен бор-йўқ, келганларида хурматларини жойига қўйиб, кутиб олгин. Айтган гапларини насиҳат ўрнида қабул қилгин. Гапимни уқдингми?

Акмал қўлини кўксига қўйиб, одоб билан таъзим қилди.

Сафар унинг олган билимларини синаб кўрди. Кўнгли тўлди.

— Жуда маъқул, мулла Акмал, — деди олқишлиб.

— Анчагина мулла йигит бўлиб қолибсиз. Ҳатто мен

кутгандан ҳам зиёда. Бундан кейин бобонгизнинг совфаларини шахсан сизга топширишга сўз бераман.

Сафар кўп турмади. Олиб келган совфасини Акмалнинг қўлига топшириб, ҳовлидан чиқиб кетди. Бу гал у анчагина пул келтирганди. Пулни кўриб, Охуннинг юраги ҳаприқиб, Сафарнинг ҳақига узундан-узун дуо қилди. Меҳмон кетишдан аввал уй эгасига бир дона миттигина идишда атир совфа қилди.

— Мушку анбар! Парангистонда тайёрланган. Беллингизни бақувват қилади. Кўздан яширин жойда сақланг.

Аҳмад охун меҳмонни кузатиб, ичкарига қайтиб кириб, Сафар тухфа қилган мушку анбарнинг оғзини очиб, димогига яқин келтириб хидлади. Хушбўй ис унинг бутун танасини яйратиб юборди. Бегонанинг кўзи тушмасин, деб панарақ жойга беркитди. Икки кундан кейин Аҳмад охун ўзида қандайдир ўзгариш бўлаётганини пайқади. Иштаҳаси бўғилиб, танасидан мадор кетиб, ҳолсизланиб бораради. Беш-олти кун ўтгач, соchlари тўкилди, баданида оқ тошмалар пайдо бўлди. Озиб кетди. Тишлари тушди. Учраган дўхтирлари унга аниқ ташхис қўя олишмади. Аҳмад охунни касалхонага ётқизишиди. Бу ерда ҳам ташхис қўйишининг имкони бўлмади. У бир нарсани — Сафар совфа қилган атирни исказандан кейин касаллик бошланганини сезарди. Орадан бир ой ўтиб, Аҳмад охун шифокорлар аниқлашолмаган номаълум дард туфайли хаётдан қўз юмди.

Хитойлик меҳмон келганида Охуннинг қирқи ўтганди. Унинг ўлимини эшитиб, кўзларига ёш олди.

Акмал билан бир фурсат Охуннинг яхши фазилатларини эслашди.

— Мен бир нарсага ҳайронман, мулла Акмал, —
деди у боши қотган одамдай ўйланиб.

— Хўш?

— Боя қўзим тушиб қолди. Сизлар яшаётган кўча-
нинг номи нега Прага? Наҳотки ўзбекча ном топил-
маган бўлса?

— Бир пайтлар бу жойда чехлар яшашган экан, бу
ном ўшалардан қолган.

— Яшашган бўлса яшашгандир, аммо ҳозир
маҳаллий халқ яшаяпти-ку! Минглаб олисда қолган
шаҳарнинг номи бу ердагиларга нима учун керак?

— Юрагимдаги оғриқни қўзғатдингиз, тақсир.
Менга қолса бугуноқ шу номни олдириб ташлаган
бўлардим. Фақат кўчамизда эмас, бошқа жойлар-
га ҳам маъносини биз тушунмаган одамларнинг,
шаҳарларнинг номи берилган. Буларнинг ўрнига
ўзимиз тушунадиган номларни бериш лозим. Афсус-
ки, менда бунга ҳукуқ йўқ.

Меҳмон Акмалнинг юрагида миллатчилик чўфи
ялтираб турганини сезди.

— Нега ҳукуқ бўлмас экан? Маҳаллада қанча одам
яшайди?

— Юз эллик хўжалик.

— Юз эллик хўжалик — бу катта куч, иним! Сиз
уларни йифиб, имзо тўпланг, юқори идораларга
ташланг. Кўриб чиқишига мажбур қилинг. Рози бў-
лишмаса, эътибор беришмаса, орtingизга маҳалла-
нинг обрўли одамларини эргаштириб боринг. Ўз-
ларидан ўзлари талабларингни бажаришга мажбур
бўлишади.

Бу таклиф Акмал томонидан қабул қилингач, меҳ-
мон иккинчи масалага ўтди.

— Эшитишимча, маҳалла имомининг билими у қадар яхши эмас экан. Ўрнига сиз ўтиришингиз керак. Билимингиз етарли, мадраса кўрмаган бўлсангиз-да, таниқли домла қўлида сабоқ олгансиз.

— Биз ҳали ёшмиз, тақсир, — ийманибина жавоб қилди Ақмал.

Меҳмон ўрнидан қўзғалиб қўйди.

— Ҳай, ҳай, бундай гапни тилингизга олманг, мулла Ақмал! Машойихлар гап ёшда эмас, бошда, деганлар. Сиздаги билим мадраса кўрганларницидан кам эмас. Қолаверса, вужудингизда файрат, шижаат ёғилиб турибди. Ҳар қандай ишни уддалайсиз. Томирингизда Эшон бобомнинг қони оқяпти!

— Бу масалани мен ҳал қилолмайман, — афсуслангандек деди Ақмал.

— Маҳалла-кўй орасида обрўингизни оширишнинг йўли бор, — деди меҳмон. — Биринчидан, сиз яқин кунларда ҳаж сафарига борасиз!

— Ҳаж сафарига?! — ажабланди Ақмал. — Бу менинг якка-ю ягона орзуим. Бироқ маблағ масаласида дастим калтароқ, тақсир..

— Ташвишланманг, маблағни ота юрtingиздаги мусулмон биродарларингиз беради.

— Ҳимматларига тасанно, тақсир.

— Иккинчидан, маҳалла масжидининг қурилганига юз йилдан ўтибди. Деворлари нураган, таъмирталаб. Бинони таъмирлайсиз. Караб турибсизки, нафақат маҳаллангиз, бутун шаҳар отангизга раҳмат айтади.

— Хўп улуф ишларни айтяпсиз, тақсир. Бироқ каминанинг дasti калта-да, — бояги гапини яна тақрорлашга мажбур бўлди Ақмал. У икки гапнинг бирида пулга шама қилаётганини Сафар тушунарди.

— Пул масаласини мен ҳал қиласман. Назаримда масжидни эл оғзига тушадиган, ҳаммани ҳайратга

соладиган даражада таъмирлашга нари борса, олти-етти минг сўм кетади.

Сафар айтган пул катта эди. Битта енгил машина, дегани эди. Акмалнинг юрагига фулгула тушди. Ҳаётида етти мингни эшитган бўлса-да, ушлаб қўрмаганди.

Меҳмон ҳамёнидан бир неча бўлак пулларни олиб, Акмалнинг олдига ташлади:

— Ишни эртадан бошланг!

— Пулни қаердан олдинг, дейишлари мумкин? — чўчинқирагандай сўради Акмал.

— Хитойдан жўнатишиди. Бобомнинг беш-олтита магазини бўларди. Ўшалардан тушаётган даромаднинг улуши, дент. Шунда сиздан ҳеч ким шубҳаланмайди.

Таклиф Акмалга маъқул тушди.

— Пулларнинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмай, масжидимизни обод қилишга сарф қиласман.

— Бобонгизнинг рухини шод этган бўласиз, иним. Энди менга рухсат, худо хоҳласа, дўконлардан тушган даромадни яқин кунлар ичида ташлаб кетаман. Ҳа, айтмоқчи, мана бу китоблар мендан совға. Ўқиб бўлганингиздан кейин яқин дўст-у биродарларингизга беринг. Улар ҳам илмдан баҳраманд бўлишин. Китобнинг савоби улув. Қанча кўп одам ўқиса, сиз-у бизга шунчА Аллоҳнинг раҳмати ёғилади.

Сафар ўрнидан турди. Акмалнинг тез орада маҳаллада обрў топиб, имом бўлишига унинг ишончи комил бўлганди. Бироқ бу сахий меҳмон Хитой маҳсус хизмат идорасининг ўта айёр ва мунофиқ жосуси Сафар тахаллуси остида юрган Тиян Жон эканлигини, у ўзининг кўзга қўринмас тиканли симлари билан ўраб олаётганини Акмал ҳали тушунмасди.

Бешинчи китоб тугади.

МУНДАРИЖА

Истанбул	3
Океан ортида.....	27
Истанбул	34
Коратегин	56
Саманган	60
Афганистан	80
Юртда	84
Саманган	90
Москва	98
Бишкек	106
Саманган	115
Юртда	122
Саманган	128
Коратегин	135
Саманган	138
Юртда	143
Бишкек	148
Коратегин	154
Саманган	160
«Тора-бора» гори	175
Москва	178
Москва – Истанбул	182
«Тора-бора» гори	190
Юртда	197

Адабий-бадиий нашр

ИСОҚЖОН НИШОНОВ

**АФФОН ШАМОЛИ
ИСТАНБУЛ, САМАНГАН,
МОСКВА, БИШКЕК**

*Роман
Бешинчи китоб*

Түлдирилган қайта нашири

Мұхаррір
Мұхайдіп РИХСИБЕКОВА

Мусаххих
Сайёра МЕЛИҚҮЗИЕВА

Бадиий мұхаррір
Үйғун СОЛИХОВ

Саҳифаловчи
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррір
Үмидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252, 2014 йил 02.10да берилган.

Босишга 2016 йил 30.08да рұхсат этилди.

Бичими 84x108¹³².

Босма табоги 7,0. Шартли босма табоги 11,76.

Гарнитура «Peterburg». Офсет қофоз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 269.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Китоб матни «Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шохкүчаси, 44.

Мурожаат учун телефонлар:

нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru





126604

3 330000 286102

ИСОҚЖОН НИШОНОВ

АФГОН ШАМОЛ҆

ИСТАНБУЛ, САМАНГАН,
МОСКВА, БИШКЕК

5



ISBN 978-9943-27-816-5



9 789943 278165



126604

3 330000 286102

ИСОҶОН НИШОНОВ

АФГОН ШАМОЛЦ

ИСТАНБУЛ, САМАНГАН,
МОСКВА, БИШКЕК

5



ISBN 978-9943-27-816-5



9 789943 278165